

Д. Пулатов



**ЎЗБЕКИСТОН
ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**



Монография



НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Д.С. Пулатов

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

(Монография)

Наманган – 2017

УЎК 821-512-133-9
КБК 84(5Ўзб)
П-3

Мазкур монографияда Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг тарихий шаклланиш босқичлари ҳамда Мустақиллик йилларида ривожланиб бораётган миллий ҳайкалтарошликнинг ижодий тамойилари ўрганилган. Ундаги маълумотлардан олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида Тасвирий санъат тарихи, Ўзбекистон санъати тарихи фанларидан қўшимча манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Такризчилар:

- | | |
|------------|---|
| А. Ҳакимов | Санъатшунослик институти “Тасвирий ва амалий санъат” бўлими мудир, Санъатшунослик фанлари доктори, ЎзБА академиги, профессор |
| Б.Н.Орипов | Наманган Давлат Университети Тасвирий ва амалий санъат кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди, “Тўрон фанлар Академияси” академиги |
| А. Азизов | Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи илмий ходими, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент |

Наманган Давлат Университети Илмий-техник кенгашининг 2016 йил 11 апрелдаги № 4-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилган. 12-бт.

ISBN 978-9943-4838-8-0

© Дилмурод Пулатов
© “Наманган” нашриёти

КИРИШ

Ўзбекистонда 1990-йиллардан бошланган янги тарихий даврда бошқа санъат турлари қатори ҳайкалтарошлик ҳам эътиборга сазовор ижодий ўзгаришларга юз тутди. Янги маданий сиёсат ўлароқ мамлакатда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, миллий анъаналарни тиклаш, тарихий-маданий ўзлигимизни англаш масалалари устувор аҳамият касб этди ва бунинг пировардида мазкур жабҳада ғоявий-шаклий янгиланиш жараёни вужудга келди, олдинги ижодий ёндошувлардан фарқ қилувчи янги сифат босқичига йўл очилди.

Чунончи, эндиликда ижодий вазифалар йўналиши кескин ўзгариб, бадиий талқин мезонлари янги муҳитга хос йўсинда кузатилмоқда, миллий мавзулар кўлами кенгайди. Олдинги даврда миллий образли ёдгорликлар аксарият ҳолларда жамоатчилик бинолари ва муассасалар ичига ўрнатилган бўлса, бу йиллардан шаҳар марказлари, шох кўчалари ҳамда боғ-ҳиёбонларига ўрнатиш етакчи ўринга кўтарилди. Айниқса, айрим мухташам ҳайкалларни меъморий гумбазлар ҳамоҳанглигида бунёд этилиши миллий ҳайкалтарошлик ҳиссини янада яққолроқ сезилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳол ҳайкалтарошликнинг 1990-йиллардан миллий кўлами тобора кенгайиб янги ўзгаришлар қарор топаётганлигини кўрсатади.

Мустақиллик даврида миллий давлатчилик тарихимизни чуқур ўрганишга эътиборнинг ортиши забардаст сиймоларимиз шахсиятини шарафлаб, уларнинг улуғвор ҳайкалларини яратишга кучли эҳтиёж уйғотди. Шунга кўра Республикаимизнинг диққатга сазовор жойларида қатор – Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Амир Темур, Мирзо Улубёк, Мирзо Бобур, Ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш ва бошқа мухташам ҳайкаллар қад ростлади. Уларнинг услубий-композицион ҳамда бадиий ёндошувида янги давр муҳитини гавдалантирувчи ва олдинги тамойиллардан ажралиб турувчи талқин йўллари шаклланди.

1997-йили Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилгандан сўнг дастгоҳли ҳайкалтарошликда умумжаҳон санъатининг фаол йўналишлари билан уйғун ривожланиш жараёни тезлашди. Ҳайкалтарошлар орасида образ оламини янги пластик шакл ва ашёлар ёрдамида очишга интилаётганлари кўрина бошлади. Улар кўпроқ, анъанавий ҳайкалтарошлик хусусиятларидан батамом айри бўлган – замонавий муҳит, янги техник тараққиёт ва инсонлар тафаккурида зухур этаётган ўзгаришларга мойил асарлар яратишга ошиқмоқдалар. Бу бир томондан реалистик йўналиш доирасининг бир мунча торайишига таъсир қилса-да, иккинчи томондан замонавий ривожланишга мувофиқ келмоқда.

Юқоридагилардан англашиладики, айти пайтдаги ижодий янгилиниш даври маҳобатли ҳайкалтарошликда миллий йўналишни ривожлантириш, дастгоҳли соҳада эса умумжаҳон бадий жараёни тажрибаларини маҳаллий кесимда ўзлаштириш босқичини юзага келтирди. Умумий ҳолатда ҳар икки турининг истиқболдаги ривожини учун зарур имкониятни пайдо қилди.

1990-йиллардан кейинги давр Ўзбекистон ҳайкалтарошлиғи санъатшуносликдаги янги, шу билан бирга долзарб тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бугунги кунда мазкур санъат тури республикамизда амалга оширилаётган устивор тадқиқот йўналишлари кесимида ҳам долзарблиғи билан илмий ўрганишга эҳтиёж сезмоқда.

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг тарихий шаклланишига доир изланишлар ҳамда XX аср иккинчи ярмидан бошланган тарихий-маданий, ижодий-услубий ўзгаришга эга йирик босқичи умумий таркибда, мамлакатнинг мустақиллик даврига мансуб янги жараёни эса муфассал ўрганишга қаратилган. Шунга кўра ҳозирга қадар яхлит мурожаат этилмаган ижодий тамойиллар бир тизимда мужассамлаштирилган.

1970-80-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиғи санъатшунос олимлар Р.Тоқтош, А.Ҳакимов, Э.Хўжаева, Г.Бобожонова, И.Умаровалар томонидан

ўрганилган. Р.Тоқташ билан Э.Хўжаевалар дастгоҳли, А.Ҳакимов ва И.Умаровалар замонавий безакли ҳамда Г.Бобожонова маҳобатли турлари бўйича илмий изланганлар. Хусусан, СИТИ кутубхонасида сақланаётган Р.Тоқтошнинг “Станковая скульптура Узбекистана 1960-1980-х годов” [6.10.], “Художественные процессы в изобразительном искусстве Узбекистана 1980-ое (живопись, скульптура)” [6.11.], Г.Бобожонованинг “Синтез искусств на современном этапе (тенденции и развитие)” [6.10.], “Увековечивая память павших” [6.2.], “Поиски своеобразия в 1970-80-е годы” [6.10.] каби тадқиқотларни ҳамда А.Ҳакимовнинг “Современная декоративная пластика Республик Средней Азии” [2.31.] номли китоб ва ёзма манбаларни таъкидлаш мумкин. Булар орасида Р.Тоқтошнинг қўлёзма ишлари 1960-80-йиллар ижодий жараёни тўғрисида батафсил маълумотлар беради. Унда 1960-йиллардан юзага кела бошлаган замонавий босқич ва унинг 1970-йиллардаги ривожланиши ёритилиб, барча ижодкорлар ҳақида ижодий тавсифлар баён этилган.

Санъатшунослик доктори Р.Тоқтош Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг 1970-80-йилларига хос жараёни тўғрисида сўз юритиб, “1930-40-йиллардаги шаклланиш ҳолатидан чиқиб олганини ҳамда ўзбек тасвирий санъатининг муҳим соҳасига айланганлигини” таъкидлайди [3.26. Б. 6.]. Олимнинг фикрига таяниб 1950-йилларгача бўлган оралиқни шаклланиш даври, 1970-йиллардан кейинги жараёнларни эса ривожланиш босқичи сифатида тасниф этишимиз бир қадар асосли бўлади.

Б.Бобожонова олдинги даврда ўрнатилган улуг ватан уруши курбонлари ҳайкаллариининг бадиий салмоғини тадқиқ этар экан, бадиий савияли ёдгорликлар билан бирга, ижодий муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратади [3.14. Б. 16.]. Хусусан, Бухоро (Ромитан тумани, ҳайкалтарош В.Куприяжкин), Хоразм (Қўшқўпир тумани, ҳайкалтарош Н.Пак), Фарғона (Тошлоқ тумани, ҳайкалтарош А.Парельман) каби вилоятларда жангчиларга ўрнатилган айрим ҳайкалларда касбий тажрибасизлик туфайли маъно ечими тўлиқ очиб берилмаганлиги, материалларни ҳам образ уйғунлигига мос

равишда танланмаганлигини баён этади. Шунингдек, жангчиларга аталган юзлаб ёдгорликлар ва она образлари гавдалантирилган бетон ҳайкалларнинг бадиий савиясини салбий баҳолаб, уларни уч гуруҳга бўлиб изоҳлайди. Биринчи гуруҳ таркибига малакали ижодкорларга тегишли ҳайкаллар; иккинчи гуруҳга хаваскорлар, яъни мактаб ўқувчилари (уюшган), ишчилар, аскарлар, халқ усталари томонидан яратилган ҳайкаллар; учинчисига эса, буюртмачиларга муаллиф сифатида ўз номларини сир тутган шахслар томонидан бажарилган ҳайкаллар.

Шунингдек, XX аср иккинчи ярмидан бошланган ҳайкалтарошликдаги ривожланиш омиллари Э.Хўжаева маълумотларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, олима 1960-йилларда Россия Бадиий академиясини тамомлаган ҳайкалтарошлар ҳисобига ўзига хос ривожланиш даври бошланганлигини, ўша давр портретларида тасвирланувчининг ички дунёси эмас, балки жамоа ишларидаги ўрни кўпроқ ёритилганини эътироф этади. Унинг таъкидлашича, кўпмиллатли халқлар санъати ва жаҳон пластикаси тажрибаларига эргашиш таъсирида “Саксонинчи йилларда Ўзбекистон портрет пластикасида янги босқич вужудга келди. ...Шу йилларда яратилган портретларда образлиликнинг маънавий чуқурлиги ва мураккаблиги ортди” [3.36. Б. 15-16.].

1970-80-йиллар ҳайкалтарошлигига оид аксарият адабиётларда кўпроқ касбий маҳорат ва тажрибалар бўйича мулоҳазалар юритилади. Бироқ, унинг соцреализм мезони асосига қурилган “ижодий ёндошув” томони ҳам борки, янги давр бадиий танқидчилиги бу ҳолни миллий мафкура кесимида баҳолашга ундайди. Чунончи, ўша кезлардаги тарихий мавзули баъзи ҳайкалларда (“Мирзо Улуғбек” Самарқанд, 1972 йил, “Алишер Навоий” Тошкент, 1961 йил, “Ал-Хоразмий” Хоразм, 1975 йил ва б) миллий ғурур ва ифтихор талқинига жиддий урғу берилмаганлиги кўзга ташланади. Агар янги тарихий шароитдаги ижодий жараённинг илмий таҳлили бўйича махсус адабиётларнинг учрамаслигини назарда тутсак, мазкур тадқиқотнинг долзарблиги кўзга ташланади.

Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлиги ривожининг бош тамойилларини белгилаш ва ижодий муаммоларини ўрганиш юзасидан куйидаги **тадқиқот вазифалари белгиланади:**

- ⇒ ҳайкалтарошликнинг ибтидоий жамоа давридан шаклланиб, XX асрдан ривожланишини тизимлаштириш;
- ⇒ 1990-йиллар ҳайкалтарошлигининг янги ижодий босқичини асослаш;
- ⇒ Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг ўтиш даврига хос ривожланиш хусусиятларини ёритиш;
- ⇒ ижодий жараёнда шаклланган янги тамойилларни белгилаш;
- ⇒ 1990-йиллардаги маҳобатли ҳайкалларнинг бадиий-услубий ҳамда композицион салмоғини ёритиш;
- ⇒ янги босқич ривожига кузатилган ижодий муаммоларни белгилаш;
- ⇒ замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг устувор тамойилларини аниқлаш;
- ⇒ дастгоҳли ҳайкалтарошликда шаклланаётган янги йўналишларни тавсифлаш.

1990-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг янги тарихий шароитда воқеъ бўлган ижодий тамойиллари тадқиқот объектидир. Ҳозирга қадар илмий тавсиф этилмаган, бадиий қиймати санъатшунослик нуқтаи назаридан баҳоланмаган 1990-йиллар маҳобатли пластик ёдгорликлари, кўрғазмаларда намойиш этилаётган ҳайкаллар ҳамда ижодкорлар устахонасида сақланаётган бошқа намуналар тадқиқот предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон тасвирий санъати назариётида шаклланган тарихий-қиёсий ва таҳлилий услубларга таяниб, 1990-йилларда ўрнатилган ҳайкалларни ҳамда мавжуд манбаларни миллий мафкура мезонига мос равишда санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, қисман маданий-эстетик кесимда тадқиқ этиш, шунингдек, ижодкорлар билан мулоқотлар олиб

бориш, илмий сафарлар давомида олинган маълумот ва уларнинг натижаларидан мақсадли фойдаланиш кабилар тадқиқот методларини белгилайди.

Тадқиқотда илгари сурилган ижодий масалалар:

- ⇒ Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг жаҳон халқлари санъати тарихида муносиб ўрнин тутиши;
- ⇒ Қадимги даврларда ривожланган ҳайкалтарошликнинг ўзига хос жиҳатлари;
- ⇒ 1950-80-йиллар ижодий ривожланишининг асосий хусусиятлари:
 - маҳоратли маҳаллий ҳайкалтарошларнинг етишиб чиқиши билан дастгоҳли ҳайкалтарошликда реалистик анъаналарга таянган миллий мактаб йўналишининг шаклланиши;
 - 1950-60-йилларда коммунистик мафкура ва соцреализм услубига устувор аҳамият берилишининг миллий ривожланишга салбий таъсири;
 - 1970-80-йиллардан ўзига хос ижодий тажриба тўпланиши ва пластик кашфиётлар доирасининг сезиларли даражада кенгайиши.
- ⇒ 1990-йилларни Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги тарихида янги ижодий босқич сифатида белгиланди:
 - бу ҳолнинг сиёсий-мафкуравий шароит билан ҳамнафаслиги;
 - маҳобатли ҳайкалтарошлик ғоявий-пластик ёндошувларининг ижодий янгилаш жараёнига ўтиши;
 - янги босқич амалий натижаларининг дастлабки жараёнга хос равишда баҳоланиши.
- ⇒ Ҳайкалтарошликда юзага келган ижодий ўзгаришлар:
 - миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичига йўл очилиб, уни устувор даражага кўтарилиши;
 - умумжаҳон ва миллий қадриятлар уйғунлигида ижод қилишнинг замонавий ҳайкалтарошлик дастурига айланиши.
 - Янги пластик ёндошувларни шаклланиши ва ижодий ўзлаштирилиши.

⇒ Ҳайкалтарошликнинг ўтиш даври шароитидаги ривожланиш салмоғини ўрганилиши.

1950-80-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг ривожий пойдевори сифатида кўриб чиқилди. Санъатшуносликда ҳали мурожаат этилмаган 1990-йиллардан бошланувчи ижодий жараён илк бор ўрганилиб, миллий мактабини ривожлантириш борасида шаклланган янги босқичи тадқиқ этилди. Бу борада:

⇒ аввалги давр жараёнларини қиёсий ўрганилиши натижасида ҳозир миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичининг амалий кучга эга эканлиги асосланди.

⇒ маҳобатли ҳайкалтарошликда етакчи бўлган – буюк сиймолар шахсини шарафлаш; шаҳидлар номини хотирлаш; рамзий композицияли каби устивор тамойиллар янги босқичнинг амалий натижаси этиб белгиланди:

- биринчи тамойил бўйича миллик ривожланишга хизмат қилувчи буюк саркардалар ҳамда ҳукумдор-алломалар образи намунавий қиёфада яратилганлиги изоҳланди. Меъморий мажмуавий қурилмалар остига ўрнатилган ҳайкаллар мисолида юзага келган – гумбазли, равоқли, ярим айланасимон бадиий воситали йўналишлар тавсифланди;

- бадиий характери жиҳатидан мемориал ёндошувга хос иккинчи тамойилнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди. Жумладан, шўролар даврида қатағон қилиниб, шаҳид этилган адибларимиз хотирасига аталган ҳайкаллар биринчи тамойилли асарлардан фарқли равишда вазмин пластик асосда тавдалантирилди;

- учинчи рамзий композицион тамойил мустақиллик мафкурасини ифодалаш ва замонавий ҳайкалтарошлик кесимида янги натижага эга эканлиги таҳлилий равишда баён этилди.

⇒ Дастгоҳли ҳайкалтарошлик бўйича янги босқичнинг биринчи ўн йиллигида реалистик тамойилдан ташқари, мавзули йўналишда зухур

этган эркин композицияли ва назмий пластикали [изоҳ 1] ёндошувлар
изоҳланди.

⇒ 1990-йиллар охиридан кузатилган янги йўналишли ижодий
ёндошувларнинг замонавий ҳайкалтарошлик мавқеъини оширишдаги
аҳамияти кўрсатиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари Ўзбекистон тасвирий
санъати тарихидаги ҳайкалтарошлик ўрнини кенгайтириб, янги давр нигоҳи
билан белгилаш, назарий масалаларини тушиниш ҳамда келгусида олиб
бориладиган тадқиқотлар манбаи ўлароқ илмий аҳамиятга эгадир. Бундан
ташқари, махсус ўқув юртлари, соҳа ижодкорлари ҳам амалий фойдаланиши
мумкин.

I БОБ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҲАЙКАЛТАРОШЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

I.1. Дастлабки ҳайкалтарошлик намуналарининг пайдо бўлиши.

Жаҳон ҳалқлари тарихий-маданий тамаддунида халқ хунармандчилиги, амалий безак санъати, меъморлик, айниқса, тасвирий санъат турларининг кенг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, ўтмишда тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик тури сермахсул ижод манбаи сифатида кўплаб халқ ва элатлар бадиий маданиятининг ажралмас қисмини ташкил этган. Жумладан, Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги ҳам олис тарихий даврларга бориб тақалади. Ибтидоий жамоа давридан мазкур соҳада ижод қилинганлиги археологлар топган намуналарда яққол намоён бўлади. Мазкур топилмалар Ўзбекистон ҳудудида ҳайкалтарошлик мозийдаги тарихий жараёнлар, маданий алоқалар таъсирида ривожланиб, бизгача етиб келганлигини эътироф этиш имконини беради.

Агар Ўзбекистонда ҳайкалтарошликнинг шаклланиш жараёнига эътибор қаратсак, унинг босиб ўтган тарихий йўли бошқа қадимги давлатлар билан кучли маданий алоқалар уйғунлигининг самараси ўлароқ намоён бўлади. Хусусан, бу қуйидаги ижодий босқичларда кўзга ташланади:

биринчи – илк ҳайкалтарошлик намуналарининг пайдо бўлиши (мелоддан олиндинги II-I-минг йилликларга хос ибтидоий ҳайкалтарошлик); иккинчи – мелоддан олдинги IV-аср охири мелодий IV-асрлардаги қадимги ва антик ҳайкалтарошлик (Аҳоманийлар, греклар, кушонлар бадиий маданияти таркибидаги давр); учунчи – илк ўрта асрларда Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Термиз ҳудудидаги ҳайкалтарошлик; тўртинчи – XIX-аср охири XX-аср Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги; бешинчи – XX-аср сўнгги ўн йиллигидан бошланган мустақил Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги даври. Қуйида мазкур тарихий босқичларнинг бадиий-ижодий хусусиятлари тавсиф этилади.

Ўзбекистон ҳудудида тош асрига оид Обирахмат, Хўжакент (Тошкент), Зараутсой (Сурхондарё) (1-расм), Суратсой, Соймали тош (Фарғона), Тақа тош (Жиззах) каби ибтидоий маданият манзилларининг топилиши, қадимги Ўрта Осиё минтақасида ўзбек халқининг ижодкорлик қобиляти жуда қадимдан шакллана бошлаганлигини англатади. Ўша даврдаги илк санъат намуналари ғор деворларига, суяк юзаларига ов манзараларини ифодаловчи лавҳалар ва турли ҳайвонлар тасвиридан иборат бўлган.

Аждодларимизнинг бадиий тафаккурида ҳис-туйғуларнинг зухур этиши пировардида воқеликни тасвирлаш тушунчаси ҳам пайдо бўлган. Эътиборли томони шундаки, юқоридаги қоятош ва ғорлардаги тасвирлар орасида



1-расм. Ов манзараси. Зараутсой қоя тош юзасига ишланган расм. Мил. аввалги 12-10 мингинчи йиллар. Сурхондарё, Бойсун

тошни қаттиқ жисмлар воситасида йўниш ва тирнаш орқали бажарилганлари ҳам учрайди (2-расм). Булар тасвирий санъатнинг ибтидий деворий рангтасвир кўриниши шаклида намоён бўлсада, бироқ уларда тасвирлашнинг ҳайкалтарошлик усулига ҳам қисман алоқаси борлигини эътироф этиш керак. Чунончи, ҳайкаллар қаттиқ жисмларни йўниш, тирнаш орқали, юмшоқ ашёларни эса кесиш ва ёпиштириш билан бажарилади.

Юқорида келтирилган тасвирлар замирида ҳайкалтарошликнинг қаттиқ жисмлар билан ишлаш техникаси бўлганлигини эътироф этиш керак. Шунга асосланиб Ўзбекистон ҳудудида ҳайкалтарошлик асарларини юзага келишининг биринчи белгилари айнан, ўша тасвирлар негизида мавжуд бўлган дейиш мумкин.

Тош асрининг Мезолит даврида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган Обишер (Фарғона), Бўзсув (Тошкентда), Мачой (Бойсун) каби ибтидоий манзилгоҳларда ҳайкалтарошлик техникаси шаклланиш босқичига эришди. Минглаб йиллик тарихий ривожланиш асносида ов қуроллари ва меҳнат буюмларига шакл бериш, безак ва мажозий белгилар тушириш малакаси шаклланди. Аجدодларимиз ички ҳис-туйғуларини онгли равишда воқелик билан уйғун шаклларда ифода эта бошладилар.

Фарғона водийсидан топилган эраמידан аввалги икки минг йиллик тарихга эга бўлган “Икки бошли илон” (тумор) тасвири (3-расм), бир жиҳатдан ўша пайтнинг маиший ҳаётида тақинчоқ ва безакли

буюмлардан фойдаланиш маданияти шаклланганлигининг ашёвий далиллар билан асослаш имконини берса, иккинчи томондан ўша кезларданок аجدодларимиз ҳайкал яшаш бўйича бадиий маҳоратга эришганлигини тасдиқлайди, ушбу соҳада ижод қилиш борасида етарлича ижодий




2-расм. Мезолит даврига мансуб тошни чақалаб ишланган тасвирдан намуна.



3-расм. Икки бошли илон тасвири туширилган тумор . мил. авв. 2 минг йиллик

қобилиятга ва услубий тажрибага эга бўлганлигини англатади. Таъкидлаб ўтилган тумордаги тасвир қора тошни моҳирона йўниш ва пардозлаш билан безакли ҳайкалтарошликнинг нодир намунаси даражасига олиб чиқилган. Бундан кўринадики, Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки ҳайкалтарошлик намуналари аجدодларимизнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган уй-рўзғор буюмларига жило беришдан ташқари, турли зеб-зийнат буюмларининг беағи сифатида ҳам қўлланилган.

Ўша даврда ҳайкалтарошлик маиший буюмлар таркибида бўлиб, уларга бадиий безак ўлароқ хизмат қилган бўлса-да, бошқа бир топилмалар ҳайкалтарошликка мустақил санъат сифатида қаралганлигини кўрсатади. Масалан, бундай намуналар сирасига мармардан ишланган “Эркак боши”, “Хўкиз боши”, “Тошбақа”, “Сигир соғаетган аёл” каби ҳайкалларни киритиш мумкин. Ушбу тарихий ёдгорликларнинг ҳар бири юксак



4-расм. Эркак боши. Сурхондарё мелоддан аввалги I-минг йиллик

бадиий қийматга эга. Айниқса, улар орасида Сурхондарё (Миршоди қишлоғи) дан топилган мелоддан аввалги I-минг йилликка мансуб “Эркак боши” (4-расм) ҳайкали алоҳида эътирофга лойиқдир. Темир асрида ижод қилинган мазкур асар ўша пайтлардан портрет жанрида инсон юз тузилишини ҳаётий кўринишга мос равишда тасвирлаш маҳорати шаклланишини кўрсатади.

I.2. Илк давлатчиликнинг шаклланиши даври Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги

Ибтидоий жамоа даврининг бронза асри (мил. аввалги 2 мингинчи йиллар)га келиб, жанубий Ўзбекистон ҳудудида – Сурхандарёнинг Шеробод дарёси ҳавзаси, Қизилсув, Бандихон сойлари атрофида шаҳар типдаги кадимги жамоа манзилгоҳлари шаклланган. Шундай кадимги маданият марказларига Сополли тепа ва Жарқўтон каби шаҳристонлар киради. Сополли тепада турар жой, хўжалик, ҳунармандлик бинолари қурилган. Қулоччилик ҳунармандлари устахонасида турли маиший-хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилиши яхши ривожланган бўлиб, уларда ҳайкалтарошлик элементларидан фойдаланилган буюмлар ҳам учрайди (5-расм). Уларда ҳайвон тасвирлари буюмларга безак сифатида ишланган, кўзаларда эса одам шаклига ўхшаш бандлардан қўлланилган. Сополли тепа топилмалари орасида ҳайвон тасвири аниқ ишланган. Тасвир бир мунча шартли кўринишда ифода этилишига қарамай, ҳаққоний ташқи тузилишга эга. Бу каби ҳайкалтарошлик намуналари бронза



5-расм. Сополли тепа топилси.
Буюмларда ҳайкалтарошлик-нинг



6-расм. Зардуштийлик маросимлари
учун мўлжалланган меъморий
қурилма

асрида одамлар маиший буюмларини шунчаки фойдаланиш учун қулайлигини таъминлаш билан бирга, безакдорлик хусусиятини ҳам

оширишга эътибор берганлиги сезилиб туради. Буюмларни ҳайкалтарошлик билан уйғун ҳолдақўлланилиши пировардида ушбу санъат тури бўйича ижодий кўникмалар такомиллашиб борган. Бу жараён кейинчалик ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг мустақил тури сифатида юзага келишига асос бўлган.

Ҳайкалтарошликда диний қарашларнинг ифодаланиши.

Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг қадимги даврида диний қарашлар, маросим ва анъаналари билан боғлиқ кўринишларни ўзида ифода этувчи топилмалар ҳам кенг учрайди. Сақланиб қолган шундай ҳайкалтарошлик ишлари кўпроқ Зардуштийлик диний қарашлари ва маросимларини акс эттиради.

Маълумки, мамлакатимизда эрамиздан аввалги VII асрда Хоразмда шаклланган мазкур дин одамлар ҳаёти, ижтимоий-маданий одатларига сингиб борган, шунингдек, санъат ва маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Зардуштийликнинг кенг ёйилиши билан ибодат учун мўлжалланган меъморлик биноларини қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилган (6-расм). Зардуштийлик маросими билан боғлиқ ошадонларда бўртма




7-расм. Ошадон юзасига ишланган бўртма тасвир.



8 -расм. Ошадон юзасига ишланган бўртма тасвир.

хайкалтарошликдан фойдаланилган. Остадонлар турли шакллардан иборат бўлган, кенг оммалашган тури тўрбурчак шаклида бўлган ва юзалари бўртма тасвирлар билан ишланган. Самарқанд вилоятидаги Муллақўрғондан топилган остадонда одамларнинг диний урф-одатлари тасвирланган (7-8-расмлар).

Намунадаги остадоннинг ташқи томонида бўртма тасвирлар билан ишланган юзига ниқоб тақиб олган икки одам тасвирида Зардуштийлик амаллари ифода этилан. Жумладан, бу тасвирларда махсус қурилмада чиройли шаклда ёниб турган оловга одамлар ўтин ҳамда ёқимли ҳид таратувчи гиёҳларни ташлаётганлиги кўрсатилган. Оғизини ниқоб билан беркитиб олган одамлар тасвири орқали бу динда олов муқаддас ҳисоблангани сабабли унга инсонлар нафаси тегмаслиги лозим деган ақида-



9-расм. Антификс.

одатлар ифодаланган. Оловнинг бир шаклда маромли ёниб туриши амалий безак санъатида антификс (9-расм) деб аталувчи безакни юзага келтирган ва ундан фойдаланилган.


Остадонларда ишланган инсонлар тасвири орқали ўша даврдаги аجدодларимизнинг ташқи кўриниши қандай бўлганлиги ёки кийиниш маданияти, либосларининг тузилиши ҳақида ҳам аниқ маълумотларга эга бўламиз. Бу тасвирлар ҳайкалтарошликнинг рельеф турида бажарилган бўлиб, бажарилиши жиҳатидан соддароқ ва қадимги Шарқ мамлакатлари санъатига хос шартли шаклдорлик хусусиятлари сезилиб туради. Портрет қисмларида эса Бактрия ҳайкалларидаги инсонларнинг юз қиёфасида бири-бирига ўхшашлик сезилиб туради (10-расм).

Бу шундан далолат берадики, ҳайкаллардаги инсон қиёфаси ҳаёлий образлар бўлмай, балки ҳаётдаги аниқ шахслар сиймосини ифодалайди.

I.3. Қадимги давр ҳайкалтарошлиги

Қадимги ўзбек ҳайкалтарошлиги Санъатшунослик институтида 1960-йилдан буён “Санъатшунослик экспедицияси” томонидан тадқиқ этиб келинган. Санъатшунос олима академик Г.А.Пугаченкова бошчилигидаги мутахассислар томонидан олиб борилган экспедициялар натижасида ўтмиш маданиятимиз тараққиётини ақс эттирувчи ҳайкалтарошлик асарларидан иборат нодир ёдгорликлар кўплаб топилган. Айнан шу топилмалар қадимги ўзбек ҳайкалтарошлигини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу асори-атиқалар Аҳмонийлар давлатининг мелоддан аввалги IV асрлардаги сўнгги ҳукумронлик давридан бошлаб, то милодий III-IV асрларгача давом этган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаёт тарзини ифодалайди.

Мелоддан олдинги VI-асрларда Ўзбекистон ҳудудидаги Бактрия, Сўғд, Хоразм, Паркана, Қанғ, Сак қабилаларидан ташкил топган қадимги давлатлар



Остадондаги портрет

Бактрия даврига оид портретлар

10-расм. Чапдан биринчиси Зардуштийлик даврига оид оз тузилиш, қолган икки Тасвирлар бактрия даврида яшаган инсонлар тасвири

Эроннинг Ахмонийлар империяси томонидан мустамлакга айлантирилгани маълум. Ўша давр санъатида Эрон бадиий маданияти анъаналари билан маҳаллий мактаб уйғунлашгани сезилади. Шу уйғунлик асосида тасвирий санъатнинг бошқа соҳалари каби ҳайкалтарошлик ҳам яхши тараққий этган. Майда пластик ҳайкалтарошлик билан бирга, меъморий безак турида кўплаб бадиий асарлар яратилган. Бу борада Хоразмнинг Каллалиқир (мил. ав. VI-V аср) саройида қўлланилган ҳайкалтарошлик намуналари алоҳида аҳамиятга эга. Сарой устунининг капитель қисмидаги бургут бошли грифонлар ўша давр ҳайкалтарошлигининг бебаҳо намуналаридир [қаранг. 2.1. 43 б].

Мелоддан аввалги VI-IV асрларга оид “Амударё бойлиги ҳазинаси” топилмалари ахмонийлар даври ҳайкалтарошлиги тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Ахмонийлар давлати санъат ва маданиятининг таъсири остида бўлган Дингилжа (Хоразм) шаҳар қолдиқларидан ҳам бўртма ҳайкалтарошлик анъаналари асосида бажарилган ёдгорликлар топилган. “Бу ерда Сузадаги Ахмонийлар манзилгоҳидан топилган камончи тасвири, ўйиб ишланган бронза узук-муҳр кўринишидаги ҳокимият рамзлари, ахмонийлар учун типик бўкираётган арслон тасвири ишланган муҳр топилди” [2.31. 31-б].

Қадимги Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг эрамиздан аввалги VI-IV асрларга оид ижод намуналари Хоразмнинг Каллалиқир меъморлик қолдиқлари орқали бизгача етиб келган. Мазкур меъморлик устунларида ҳайкалтарошиқдан фойдаланилганлиги бургут бошли грифонлар тасвирланган капителларда кузатилади. Мазкур даврга мансуб санъат асарлари Амударёнинг юқори оқимидан топилган турли безакли буюмлар, шу жумладан ҳайкалтарошлик намуналарида ҳам яққол кўзга ташланади. “Ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу ёдгорликлар ичида олтиндан ясалган ҳайкаллар, турли кўза, билагузук, узук, муҳр, тангалар, олтиндан ясалган аравача ва қуроллар диққатга сазаворлир” [2.1. 44 б]. Олтин арава (11-расм), Жангчи-сак, Олтин билакузук (12-расм) каби бўртма тасвирлари ишланиши жиҳатидан бир қадар шартли услубда

бажарилганлигига ва айримларида безакли хусусияти устун бўлишига карамай, бадиий жиҳатдан ифодали ва таъсирчан бажарилган. Олтиндан ясалган билак узук айниқса нафис ва бадиий жиҳатдан пухта ишланган. Тақинчоқда шохдор тоғ эчкисига ўхшаш, бироқ бургут тумшукли афсонавий



11-расм. Амударё бойлиги топилмаси Олтин арава

образга хос тасвир моҳирона акс эттирилган. Тасвир ҳайкалтарошликка мансуб бўлсада, аммо ишланиш услуби ва техникасида амалий безак санъанининг устиворлиги яққол сезилиб туради. Мазкур тақинчоқ антик Грецияга мансуб “Сфинксли олтин билакузук” (13-расм) топилмасига композицион жиҳатдан жуда ўхшашдир. Бу икки билакузукнинг композицион тузилиши деярли бир-бирига яқин, фақат амударё бойлигига тегизли билакузукда афсонавий ҳайвон образи ифодаланган бўлса, Грециядан топилган тақинчоқда сфинкс (қанотли одам) тасвири туширилган, портрет ечими реалистик ҳарактерга эга. Мазкур билакузукларнинг бир-бирига ўхшашлигига таяниб аجدодларимиз бошқа мамлакатлар билан ҳам маданий алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Қадимги Хоразмда маҳобатли ҳайкалтарошлик яхши ривожланган. Қадимшунослар томонидан Тупроққалъада олиб борилган изланишлар пайтидан 9 та хонадан 30 дан ортиқ кийимда ва кийимсиз ишланган маҳобатли ҳайкаллар топилган. Шунингдек яна, милoddан олдинги 305 йилларгача ишланган бўртма тасвирлар туширилган тангалар ва кичик ҳажмли ҳайкаллар топилган.



12-расм. А) Амударё бойлиги топилмалари. Афсонавий ҳайвон.



Б). Амударё бойлиги топилмалари. Олтин билакузук.

I.3.1. Антик Грек-Бактрия даври ҳайкалтарошлиги

Милоддан аввалги IV асрга келиб Александр Македонский Марказий Осиё ерларидаги ахмонийлар ҳукумронлигига барҳам бериб, Ўрта Осиёнинг Хоразм, Фарғона ва Сирдарё ҳудудларидан ташқари кўплаб жойларини эгаллаб олди. Антик Греция таркибида бўлган қадимги жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги тасвирий санъат эллинистик ижодий анъаналар таъсирига учради. “Археологик топилмалар, ҳудудда қадимий маданият ва санъатнинг ўзига хослиги ҳамда уларнинг асосида эллинистик ва маҳаллий анъаналарнинг уйғунлашуви тараққиётдан далолат беради” [3.44. 5-б]. Мазкур даврга бўлган илмий қизиқиш ҳозирга қадар ҳам мутахассисларнинг диққат эътиборини тортиб келмоқда.

Ўзбек ҳайкалтарошлигининг тарихий ривожланишида

мазкур давр алоҳида ўрин тутadi. Ўша даврдаги қадимги Ўзбекистон ҳудудида санъат ва маданияти гуллаб яшнаган Бактрия давлатида ҳайкалтарошлик тараққий этди. Ўша пайтларда ижод қилинган



13-расм. Антик Грецияга мансуб Сфинкли олтин билакузук. Эр.ав. 4 аср. Ленинград.



14-расм. Афсонавий ёвуз хайвон. Бактрия, бронза. Мил.ав. 4 аср. Лондон. Британия музейи.

хайкалларнинг ишланишда грек санъатининг антик йўналишлари сезилиши билан бирга, кушонлар давлатининг ҳам санъат мактаби анъаналари маҳаллий халқ ижодий услублари билан уйғунлашгани кузатилади (14-15-расмлар). Қуйида шу хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилади.

Александр Македонский истилосидан мустасно бўлган Хоразм хайкалтарошлигида эса маҳаллий ижодий анъаналар сақланиб қолган. Археолог олим С.Толстовнинг Хоразм бўйлаб олиб борган тадқиқотлари натижасида Тупроққалъанинг хоналари кўплаб хайкаллар ва бўртма тасвирлар билан безатилганлиги кузатилади.



15-расм. Хванинда тасвири. Бактрия. Кумуш ва олтин аралашмасидан ишланган. Мил. авв 2 асрнинг биринчи ярми. Ленинград. Эрмитаж

Ҳайкаллар асосан лойдан ишланган бўлиб, уларнинг аксарияти кўпфигурали, мавзули композицияларни ташкил қилади. Шунингдек, ганч ва сополдан ясалган ҳайкаллар ҳам кўплаб топилган [қаранг. 2.29. б -189-198].

Эрон истилосидан сўнг, санъат ва маданияти тараққий этган Греция ҳукумдори Александр македонский Ўрта Осиёни катта ҳудудларини мустамлакага айлантирди ва антик Греция санъати анъаналари кириб келди. Жумладан, жанубий Ўзбекистондаги қадимги давлатларда эллинистик санъат аجدодларимизнинг бадиий-маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Антик Греция бадиий маданиятининг таъсири айниқса Бактрия давлати санъатида яққол кузатилади. Кейинроқ Грек-Бактрия деб юритилган бу давлатда нумизматика, кулолчилик, тасвирий санъат, меъморлик ва ҳайкалтарошликда фаол ижод қилинди.

Грек-Бактрия ҳайкалтарошлигида қуйидаги босқичлар кузатилади. «Илк босқич - Грек-Бактрия босқичида (мел.ав. III-II асрлар) юксак даражага эришган эллинистик санъатига мурожаат этиш, бу юксак санъатни ўрта босқич - сак-юэжий босқичида (мил.ав. II. мелоднинг I асри) ўзлаштириш ва ижодий ўзгартириш, сўнги босқич - Кушон босқичида (мил. I-III асрлари) бу санъатни енгиб ўтиш, инкор этиш ва маҳаллий асосда мутлақо бошқача санъат яратиш босқичлари Бактрия антик бадиий маданиятининг асосий даврларини ташкил этади» [2.43. б-32].




16-расм. От тасвири туширилган бактрия кумуш идиш қисми. Эрамиздан аввалги 3 асар. Ленинград. Эрмитаж

Ўзбекистоннинг

Грек-Бактрия даври ҳайкалтарошлиги тараққиётида янги даври бошланди. Айниқса, Греция санъатининг таъсири медал ва танга ишлаб чиқаришда кўпроқ сезилади. Бу тангаларнинг олди томонида ҳукумдорлар тасвири ва орқа юзасида афсонавий қаҳрамонлар (Зевс, Аполлон, Дионис, Геракл ва б.) акс эттирилган. “Мазкур тангалар бизга гоҳида руҳият хусусиятлари, гоҳида кўпол, бироқ доимо ёрқин индивидуал портрет галереясини намоён этади. Медальерни, нафақат ташқи ўхшашлик, балки ҳукумдорнинг маънавий дунёси ҳамда сиёсий арбоб сифатида қандай инсон эканлиги ҳам қизиқтирар эди. Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларидан эллинистик тангалар кўп топилган” [3.44. б-6]. Сурхондарёнинг Термиз вилоятидан салавкийлар ва грек-бактрияга мансуб Евтидем, Деметрий тангалари топилган. мазкур тангаларда ҳукумдорнинг бўртма тавсири (портрети) туширилган.

I.3.2. Кушонлар даври ҳайкалтарошлиги

Эрамининг бошларига келиб Грек-Бактрия ўрнида ташкил топган Кушонлар давлати қадимги давр ҳайкалтарошлигимиз равақини янада оширди. Бу давр ҳайкалтарошлигида эллин тасвирий санъат анъаналари ҳамда буддизм дини таъсири устинлик қилиб, у асосан подшо саройлари, Будда ибодатхоналарини безашга хизмат қилган (17-расм). “1960-90 йиллар давомида, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа, Кампиртепа, Холчаён шаҳристонларида Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси томонидан олиб борилган тадқиқотлар, эллин анъаналари кушон шаҳри маданиятига чуқур сингдирилганлигини намоён этади.” [3.44. б-8]. Будда ҳайкалларининг бадиий талқинида Ҳиндистон ҳудудидаги эллинистик хусусиятдаги Гандхара услуби етакчилик қилади. Бунга Айритом



17-расм. Кушонлар даврига оид Холчаён сарой кўриниши (Реконструкция)

фризига ишланган бўртма ҳайкалтарошлик асарлари мисол бўла олади (18-расм). “Далварзинтепадан топилган ноёб будда ҳайкалтарошлик намуналарида, санъат руҳи қатор ўзгаришларни бошидан кечирганлиги яққол кўринади. Уларга яна шарқ санъатига хос бўлган ҳиссиётларни очик намоён этмаслик ва образлар иератизми қайтди” [3.44. б-13].

“Сурхондаё худудида жойлашган Ҳолчаён шахрида топилган ҳайкалтарошлик намуналарида илк кушон даври намоён бўлади. Ҳолчаён ҳайкалтарошлигида кўчманчи қабилалари ҳамда эллин анъаналари уйғунлашиб, психологик портретнинг ҳаққонийлиги билан йўғрилган асарлар учрайди” [3.44. б-8]. Эрамизнинг бошларида ижод қилинган ушбу ҳайкаллар кўпроқ меъморлик биноларини безашга, диний ва афсонавий образларни ифодалашга, шунингдек, ҳукумдорларнинг куч-қудратини намоёиш этишга ҳизмат қилган.



18-расм. А). Муסיқачилар. Айртом карнизига ишланган фриздан фрагмент. Термиз. баландлиги 36-38 см. милодий 1-2 асрлар. Ленинград. Эрмитаж

Бундан ташқари, мелодий йиллардаги маданият марказларидан бири бўлган Хоразм давлати ва унга мансуб қўйқирилган қалъа, Гяур қалъа, Тупроқ қалъа ҳаробаларидан топилган санъат намуналари ҳам ҳайкалтарошлик санъати ривожидан далолат беради.

Бу давр Хоразм маданиятида Тупроққалъа ҳаробаларидан қазиб олинган ҳайкалтарошлик асарлари бадиий жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллайди. С.Толстовнинг Хоразм бўйлаб олиб борган тадқиқотлари натижасида Тупроққалъанинг катта хоналари кўплаб ҳайкаллар ва бўртма тасвирлар билан безатилганлиги кузатилади (19-расм) [2.29. б-189].



18-расм. Арфа чалувчи. Айртом карнизига ишланган фриздан фрагмент. Термиз. баландлиги 36-38 см. милодий 1-2 асрлар. Ленинград. Эрмитаж



19-расм. Арфа чалувчи. Айртом карнизига ишланган фриздан фрагмент. Термиз. баландлиги 36-38 см. милодий 1-2 асрлар. Ленинград. Эрмитаж



20-расм. «Қизил бош» Хоразм, Тупроққалъа, мил. авв. 3 аср.

I.4. Ўрта асрлар ҳайкалтарошлиги

Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги мелоддан олдинги III асрлардан то эрамизнинг III-асрларга қадар (айрим ҳудудларда - Варахша (Бухоро), Афросиёб (Самарқанд) VII-асрларгача) юртимизда яхши ривожланган. Ушбу соҳанинг деярли барча турлари (думалок, рельеф, баральеф, майда ҳайкалтарошлик) шу йилларда тўлиқ шаклланиб, бебаҳо асарлар ижод қилинган. Уларнинг бадиий талқинида қадимги маданиятимизнинг турли кўринишлари (ҳарбий жасорати, маиший ҳаёти, афсонавий образлар ва б.) намоён бўлиб, аجدодларимизни ҳаётга бўлган фалсафий ва эстетик қарашлари, диний эътиқодлари ҳамда гўзалликни тушинишга бўлган интилишлари ўз аксини топган.

Мелодий VI-VII асрлардан бошлаб ўлкага Ислом динининг кириб келиши билан янги маданий ҳаёт томир ота бошлади. Бу борада санъатнинг ўрни ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ундаги айрим анъаналарни инкор этиш ва янги ифода воситаларини жорий этилишни тақозо этди.

Ислом дини талабларига кўра жонли мавжудотларни тасвириллаш, маъбудлар образидаги ҳайкалларни яратиш ман этилди. Бу ўз навбатида тасвирий санъатнинг портрет жанри билан ҳайкалтарошлик соҳасини инқирозига олиб келди. Санъатнинг бошқа турлари (меъморлик, халқ хунармандчилиги) янги фалсафий дунёқараш билан боғлиқ ҳолда давом этди.

Мазкур даврда Бу соҳа амалиётдан суриб чиқарилган бўлса-да, VII-асрларда ҳам Бухоронинг Варахша саройларида ҳайкалтарошлик асарлари бадиий ҳаётнинг маълум қисмини ташкил этгани кузатилади [қаранг. 2.43. б-32]. Шунингдек, XII-асрларга қадар баъзи жойларда, жумладан Термиз шаҳрида (суст даражада бўлса-да) меъморлик биноларини безаш мақсадида мурожаат этиб келинди. Термизнинг ўша даврга оид сарой қабулхонаси залидаги тасвирилар бунга мисол бўла олади.

Умуман олганда ўрта асрларда ҳайкалтарошлик ўзининг энг инқирозлик давларини бошидан кечирган. Бироқ, Темурийлар давлати пайтидаги

маданий ривожланиш даври - янги маданий ҳаётнинг ғоявий, эстетик ва маънавий таъсири остида тасвирий санъатни ҳам жадаллаштира бошлади. Бу даврда меъморлик, халқ амалий санъати ҳамда китобот (миниатюра) санъати кенг ривожланди. Санъат соҳаларидаги бу ўзгаришлар ҳайкалтарошликда катта бурилиш ясай олмади. Шу боис, ўрта асрларда намуна сифатида кўрсата оладиган ҳайкалтарошлик асарлари учрамайди. Шундай бўлсада, Амир Темур даврида айрим ҳайкалтарошлик асарлари яратилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Шу хусусда Испаниялик элчи Клавихонинг (XIX-аср) қайдларини келтириш мумкин. Н.Норқулов ва И.Низомиддиновлар ўзининг “Миниатюра тарихидан лавҳалар (Темурийлар даври нафис китоб санъати)” номли китобида Клавихонинг қуйидаги маълумотларига мурожаат этади: “Испаниялик элчи Клавихо Амир Темур саропардаларидан бирини тасвирлар экан, қуйидагича диққатга сазовор гапларни ёзади: саропарда гумбази устида қанотларини ёзиб нимагадир човут солмоқчи бўлиб турган бургут шакли бўлиб, у кушумдан ясалиб, олтин суви югиртилган. Қуйироқда, уч томонга қанотларини пусиб қочмоқчи бўлиб турган уч лочин шакли бўлган... Мазкур кушлар шакли ниҳоятда моҳирлик ва устадик билан ясалган...” деб, унинг сўзларидан истибос келтирилади [2.45. б-274-275]. Бу ерда таъкидланаётган “у кушумдан ясалиб, олтин суви югиртилган” ҳамда “Мазкур кушлар шакли ниҳоятда моҳирлик ва устадик билан ясалган” жумлаларидаги “ясалган” сўзлари, у ҳайкалтарошлик асари эканлигини билдиради. Шунингдек, мазкур китобда Амур Темур саройида баландлиги одам бўйига тенг келадиган олтиндан ясалган дарахт бўлиб, унинг шохлари ва барглари орасида турли қимматбаҳо ашёлар (ёқут, зумуррад, фируза, лаъл, марварид) дан ясалган мевалар ҳамда олтиндан ясалган турли ҳаракатдаги кушлар бўлганлиги айтилади. Ушбу маълумотлар ўрта асрларда ҳам ҳайкалтарошлик асарлари бўлганлигини кўрсатади. Лекин, мазкур ашёвий далиллар Араблар истилосидан кейинги давр ҳайкалтарошлигимиздаги инқироз даврини тўлдириш учун жуда сует кўрсаткич сифатида баҳоланади.

Чунки бу даврларда ҳайкалтарошликнинг умумий ривожланиш жараёни ўз кучини батамом йўқотган.

Мелодий VI-VII асрлардан бошлаб ўлкага Ислом динининг кириб келиши билан янги маданий ҳаёт томир ота бошлади. Бу борада санъатнинг ўрни ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ундаги айрим анъаналарни инкор этиш ва янги ифода воситаларини жорий этилишни тақозо этди.

Ислом дини талабларига кўра жонли мавжудотларни тасвирлаш, маъбудлар образидаги ҳайкалларни яратиш ман этилди. Бу ўз навбатида тасвирий санъатнинг портрет жанри билан ҳайкалтарошлик соҳасини инқирозига олиб келди. Санъатнинг бошқа турлари (меъморлик, халқ хунармандчилиги) янги фалсафий дунёқараш билан боғлиқ ҳолда давом этди.

Мазкур даврда Бу соҳа амалиётдан суриб чиқарилган бўлса-да, VII-асрларда ҳам Бухоронинг Варахша саройларида ҳайкалтарошлик асарлари бадиий ҳаётнинг маълум қисмини ташкил этгани кузатилади [қаранг. 2.43. б-32]. Шунингдек, XII- асрларга қадар баъзи жойларда, жумладан Термиз шаҳрида (суст даражада бўлса-да) меъморлик биноларини безаш мақсадида мурожаат этиб келинди. Термизнинг ўша даврга оид сарой қабулхонаси залидаги тасвирлар бунга мисол бўла олади.

Умуман олганда ўрта асрларда ҳайкалтарошлик ўзининг энг инқирозлик дамларини бошидан кечирган. Бирок, Темурийлар давлати пайтидаги маданий ривожланиш даври - янги маданий ҳаётнинг ғоявий, эстетик ва маънавий таъсири остида тасвирий санъатни ҳам жадаллаштира бошлади. Бу даврда меъморлик, халқ амалий санъати ҳамда китобот (миниатюра) санъати кенг ривожланди. Санъат соҳаларидаги бу ўзгаришлар ҳайкалтарошликда катта бурилиш ясай олмади. Шу боис, ўрта асрларда намуна сифатида кўрсата оладиган ҳайкалтарошлик асарлари учрамайди. Шундай бўлсада, Амир Темури даврида айрим ҳайкалтарошлик асарлари яратилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Шу хусусда Испаниялик элчи Клавихонинг (XIX-аср) қайдларини келтириш мумкин. Н.Норқулов ва

И.Низомиддиновлар ўзининг “Миниатюра тарихидан лавҳалар (Темурийлар даври нафис китоб санъати)” номли китобида Клавихонинг қуйидаги маълумотларига мурожаат этади: “Испаниясик элчи Клавихо Амир Темур саропардаларидан бирини тасвирлар экан, қуйидагича диққатга сазовор гапларни ёзади: саропарда гумбази устида қанотларини ёзиб нимагадир човут солмоқчи бўлиб турган бургут шакли бўлиб, у кушумдан ясалиб, олтин суви югиртилган. Қуйироқда, уч томонга қанотларини пусиб қочмоқчи бўлиб турган уч лочин шакли бўлган... Мазкур қушлар шакли ниҳоятда моҳирлик ва устадик билан ясалган...” деб, унинг сўзларидан истибос келтирилади [2.45. 6-274-275]. Бу ерда таъкидланаётган “у кушумдан ясалиб, олтин суви югиртилган” ҳамда “Мазкур қушлар шакли ниҳоятда моҳирлик ва устадик билан ясалган” жумлаларидаги “ясалган” сўзлари, у ҳайкалтарошлик асари эканлигини билдиради. Шунингдек, мазкур китобда Амур Темур саройида баландлиги одам бўйига тенг келадиган олтиндан ясалган дарахт бўлиб, унинг шохлари ва барглари орасида турли қимматбаҳо ашёлар (ёқут, зумуррад, фируза, лаъл, марварид) дан ясалган мевалар ҳамда олтиндан ясалган турли ҳаракатдаги қушлар бўлганлиги айтилади. Ушбу маълумотлар ўрта асрларда ҳам ҳайкалтарошлик асарлари бўлганлигини кўрсатади. Лекин, мазкур ашёвий далиллар Араблар истилосидан кейинги давр ҳайкалтарошлигимиздаги инқироз даврини тўлдириш учун жуда суст кўрсаткич сифатида баҳоланади. Чунки бу даврларда ҳайкалтарошликнинг умумий ривожланиш жараёни ўз кучини батамом йўқотган.

Араблар истилосидан сўнг XIX-асрнинг охирларига қадар Ўрта Осиё минтақасида ҳайкалтарошлик санъати турғунлик¹ даврини бошидан кечирди.

¹ Маълум вақтгача тўхтаб қолиш маъносини англатади.

II БОБ

XX-АСР ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ

II.1. XIX аср охири XX аср бошларида Европа ҳайкалтарошлик анъаналарининг кириб келиши.

Ўзбекистон ҳудудида қадимда ривожланган ҳайкалтарошлик ижодиёти араблар истилосидан сўнг XIX-асрнинг охирларига қадар турғунлик² даврини босиб ўтди. Тасвирий санъатнинг мазкур тури XIX-аср охири XX-аср бошларида рус мустабит давридан кириб кела бошлади ва санъатнинг янги ноанъанавий маданият шакли сифатида шакллана бошлади. Бу жараён ўша даврнинг ғоявий тарғиботларини амалга оширишга бўлган эҳтиёжни қондириш эвазига жонланди. Бу жараён асрлар давомида ривож топган миллий санъатимиздан фарқ қилувчи Европа ҳайкалтарошлигининг кириб келишини илк босқичи эди.

Мазкур санъат турининг илк намуналари сирасига Бухородаги Ситораи Моҳихосса саройи дарвозасининг икки четига ўрнатилган декоратив шер ҳайкаллари, Тошкентдаги Киняз Ромонов уйидаги анималистик жанрдаги (ит, кийик) ҳайкаллар ҳамда Самарқандда 1919-йили ҳайкалтарошлар Э.Руш ва И.Головинлар томонидан ижод қилинган “Инқилоб курашчилари” каби монументларини киритиш мумкин. Шунингдек, XIX-аср охирида Ўрта Осиёга кўплаб рассомлар билан бирга, баъзи ҳайкалтарошлар (Микешин Михаил Осипович (1835-1898)) ҳам келганлиги ва ўша вақтдаги Карл Маркс боғи (ҳозирги Амир Темур хиёбони) учун ёдгорлик ҳайкал яратганлиги ҳақида маълумотлар бор [2.2.Б. 171-172].

XX-аср бошларида Ўзбекистонга келган рус рассомлари тасвирий санъатни маҳаллий маконда ривожлантириш, бадиий таълимини жорий этиш борасида фаолият юритган. Дастлабки бадиий таълим рассомлар устахоналаридаги студияларда олиб борилган бўлса, 1920-йиллардан

² Маълум вақтгача тўхтаб қолиш маъносини англатади.

Самарқандда рассомлик мактаби очилган, кейинроқ Тошкентда ҳам ташкил этилган. Ушбу таълим масканлари келажакда ўзбек рассом ва ҳайкалтарошлари етишиб чиқишини таъминлаб берди.

Ўзбекистон

ҳайкалтарошлигини тадқиқ қилган олим Р.Тоқтошнинг фикрига кўра, бу соҳани мамлакатимизда

ривожланиши тасвирий санъатнинг рангтасвир ва графика соҳасига нисбатан анча қийин бўлган. “1920 йилларда маҳобатли ва дастгоҳли

ҳайкалтарошликнинг ривожланиши жуда секин кечган, мақтовга арзийдиган биронта асар бўлмаган. Рассомчилик бадиий таълим масканида юқори малакали ёш ҳайкалтарошларни тайёрлаш масаласи етарли даражада бўлмаганлиги учун узоқ вақтгача тажрибали

ҳайкалтарошлар етишиб чиқмаган” [2.42.Б.69]. Бу ҳолатни ўша давр ижодий ривожланишининг асосий муаммоларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Бироқ, 1930-йилларнинг иккинчи ярмидан Н.Кудряцева, О.Коржинская, Г.Массонц, Я.Кучислар ижодининг бир мунча фаоллашиши ҳамда Россиядан юборилган В.Симонов, Б.Ингал, Д.Шварц, А.Лавинскийлар билан ижодий



*О.Коржинская. Ишчилар.
1945 й., бетон.*

мулоқатнинг бошланиши соҳа ривожига таъсир этганлигини ҳам эътироф этиш керак [қаранг. 2.42.Б.68-69].

Мавжуд манбаларга кўра, ўттизинчи йилларда натурализм услубидаги ҳайкалтарошлик асарларининг яратилиши бирқадар ўсган. Ҳайкалтарошлар Г.Массонц, О.Коржинская, Русакова, Н.Красовскийлар томонидан истироҳат боғи ва корхоналар учун яратилган бундай асарлар пухта ашёлардан ишланмаганлиги ва жойларни ўзлаштирилиши боис бизгача сақланиб қолмаган [қаранг.2.26.Б.146]. Айрим мутахассислар фикри ёки архивда (ЎЗРМИВ) сақланаётган фото нусхаларда безакли ҳайкалтарошлик соҳаси серкўлам бўлганлиги кўринади. Тошкентдаги ҳозирги Ўзбекистон миллий боғида Ленинград боғ ва ҳиёбон ҳайкалтарошлигини эслатувчи ёдгорликлар мавжуд бўлганлиги таъкидланади (-Н.Абдуллаев). Ўша йилларда бажарилган ҳайкаллар касбий маҳорат жиҳатидан сустроқ бўлса ҳам атроф муҳит эстетикасини бойитиш, инсонларни янги санъат тури билан таништириш ва уни тушинишга ҳизмат қилган.

II.2. XX аср Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги мактабининг шаклланиши (иждодий куч йиғиш даврини енгиб ўтилиши)

Агар ҳайкалтарошлик халқимизнинг анъанавий нафис санъати оламига муқобил эканлиги ҳамда миллатимиз бадиий тафаккурида қарор топган кўп асрлик ижод мезонини инобатга олсак, мазкур ноанъанавий санъат турига кенг оммавий эҳтиёж ва қизғин иждодий рағбатнинг уйғониши маълум даврий кўникма талаб этган, дейиш мумкин. Қачонки, 1950-60-йиллардан шўролар мафкуравий тузуми маданий кўникмаларининг жамиятга сингиб бориши пировардида ҳайкалтарошлик ҳам янги маконга мослашиб борди. Эндиликда рус ижодкорларидан ташқари Абдумўмин Бойматов, Анвар Аҳмедов, Мухтор Мусабоев, Асилбек Тоиров каби етук ўзбек ҳайкалтарошлари ҳам кўзга кўринди. Алалхусус, Р.Х.Тоқтош: - “Мухтор Мусабоев, Дамир Рўзибоев, Ҳаким Ҳусниддинхўжаев, Қодир Салоҳиддинов, Асилбек Тоировлар Грищенко мактаби асосида етишиб чиқдилар” [2.28. Б. 108.] деб

таъкидлайди. Уларни тарбиялашда Ф.Грищенко, Н.Кримская, П.Мартаков ҳамда 1952-йили Москвадаги В.И.Мухина номли Олий бадий саноат билим юртини тамомлаган Виталий Ванякин, 1954-йили Ленинград Бадий академиясининг И.Репин номидаги Рангасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтини битирган Петр Челишев каби моҳир ҳайкалтарошларнинг педагогик фаолияти катта аҳамиятга эга бўлган.

Мазкур санъат турини рус ижодкорлари воситасида олиб кирилганлиги боис унинг негизи европа тасвирий санъатига бориб тақалса-да, кўп йиллик ижодий меҳнатнинг сарфланиши натижасида миллий жиҳатдан сайқал топди ва муносиб даражада ўзлаштириб борилди.



*А.Иванов. Хамид Олимжон ҳайкали.
1955-1960 й., бронза.*

Мавжуд манбаларда унинг ривожланиш даври XX-аср иккинчи ярми, хусусан 1960-80-йилларига хосланади. Биринчи ярими эса Р.Х.Тоқтош фикри билан айтганда ижодий куч ва имкониятлар йиғиш ва шаклланиш даври бўлган [2.28. Б. 224.]. “Мазкур даврларнинг ривожий асослари – ижтимоий ўсиш суръатининг фарқи, ижтимоий истеъмол кўлами, кадрларнинг ўсиш динамикаси, шунингдек, асосий ижодкорлар гуруҳидаги (Тошкентлик, Самарқандлик, Фарғоналик, Нукуслик ва сўнги йилларда Урганчлик, Навоийлик, Бухоролик) ҳайкалтарошлараро ўсишда намоён бўлади” [6.8. Б. 46.]. 1950-70-йилларда ижтимоий ўсиш ва истеъмол кўлами кенгайиб,

кадрлар таъминоти йўлга қўйила бошланди. Ижодий имкониятлар доираси кенгайди: замонавий бинолар фасади учун бўртма тасвирлар бажариш [изох 3], муассаса-ташкилотларга фигурали ҳайкаллар ўрнатиш, бошқарма-идоралари интерьерига бюст ёки иш столларига дастгоҳли асарлар қўйиш



Н.Крымская. Тошкент Хореография билим юрти биносига ишланган барельеф. 1957.й.

каби истеъмол қўлами кенгайди.

Айни пайтда Ф.Грищенко дастгоҳли ҳайкалтарошликда бажарган “Ёш ҳайкалтарош” (гипс, 1953), “Т.Осмонқулов” (гипс, 1956), “Култимбоева” (гипс, 1957), “Ўзбек қизи” (гипс, 1959), “Ҳосил” (гипс, 1961), “Ишчи” (1962), “Қизча” (кулолчилик ашёси, 1962), “Люба Ли” (гипс, 1962), “Арматурачи” (шамот, 1964) асарлари билан реализм йўналишини ривожлантиришга катта хисса қўшди. Эркин ижод билан бирга, Тошкент рассомлик билим юртида ва кейинроқ Тошкент давлат театр ва рассомлик институтида ўнга яқин ҳайкалтарошларни тарбиялади. П.Челишев 1950-йиллар охиридан замонавий ва миллий образлар бўйича эътиборга сазовор портретлар бажарди. Шу ўринда унинг “Болакай” (гипс, 1959), “Алпинистка” (гипс,



М.Иванов. Чупон. 1961 й., ёғоч

1962), “Алишер Навоий” (гипс, 1961-64) каби буюстларини мисол келтириш мумкин. Бу икки мураббийлар раҳбарлигида вояга етган айрим истеъдод эгалари кейинчалик Россия бадий олийгоҳларида таҳсил олиб, кучли амалий кўникма билан қайтишди. Хусусан, Ленинграддаги И.Репин номидаги Рангасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтида – Геннадий Холиқов (1959), Анвар Аҳмедов (1964), Роберт Авакян (1964), Абдумўмин Бойматов (1965), В.И.Мухина номли Олий бадий саноат билим юртида – Қодирбек Салоҳиддинов (1961), Юрий Киселев (1964), В.И.Суриков номидаги Москва рассомлик институтида³ – Аҳмад Шаймуродов (1965) лар таълим олиб, ижодий жараёнга катта куч сифатида кириб келдилар ва



П.Иванов. Қиз портрети. 1961 й., Терракота.

соҳа ривожига ижобий таъсир ўтказдилар. Шунингдек, Тошкент бадий таълим муассасаларини [изоҳ 4] тамомлаган Ҳаким Ҳусниддинхўжаев (ТРБЮ, 1956), Дамир Рўзибоев (ТРБЮ. 1959), Валентин Клеванцов (ТДТРИ. 1960), Василий Дегтярев (ТДТРИ. 1960), Мухтор Мусабоев (ТДТРИ. 63), Рувим Немировский (ТДТРИ. 1963), Леонид Рябцев (ТДТРИ. 1963), Марк ванов (ТДТРИ. 1963), Яков Шапиро (ТДТРИ. 1963), Асилбек Тоиров (ТДТРИ. 1964, 1976 й., оламдан ўтган), Павел Иванов (ТДТРИ. 1965),

³Россия бадий муассасалари кейинги ўринларда рус академик мактаби номи билан юритилади.

Владимир Лунеев (ТДТРИ. 1965), Анвар Рахматуллаев (ТДТРИ. 1965), Эйнула Алиев (ТДТРИ. 1966) лар ҳам ижодий жараёнга муносиб куч бўлиб қўшилдилар. Уларнинг фаолияти билан Ўзбекистонда ўзига хос ҳайкалтарошлик

мактабининг шаклланиши баробарида ривожланиш босқичи зухур этди. “Бу жараённинг бошланиши асосан Москва ва Ленинград бадиий олийгоҳларида таълим олган биринчи маҳаллий ҳайкалтарошлар ижоди билан белгиланади” [2.29. Б. 8.]. Чунончи, уларнинг ижодий амалиётида ҳайкалтарошликни ўзига хос касбий имкониятларини чуқурроқ ўрганиш, жаҳон пластикасидаги етакчи йўналишларни ўзлаштириш катта аҳамиятга эга эди. Уларнинг ижодий-амалий кўникмаси Европа реализм анъаналари



Д.Рўзибоев. Саида. 1962 й., ёғоч

асосига қурилган. Масалан “А.Бойматов ўзбек ҳайкалтарошлигига ижодий тадбиқ этилаётган рус реалистик мактаби тажрибаларини юқори даражада ўзлаштирган” [5.4. Б. 3.]. Унинг “Насриддин Эшак билан” (терракота, 1961),

“Қора-қумда” (гипс, 1964), “Абу Али-Ибн Сино” (ёғоч, 1967) каби ҳайкалларида мазкур сифатларни кузатиш мумкин. Абдумўмин Бойматовнинг маҳаллий кадрлар тайёрлашдаги фаолияти айниқса, диққатга сазовор бўлган. Унинг устозлигида 1970-80-йилларда кўплаб ёшлар Ленинград шаҳридаги бадиий олийгоҳда таълим олган.

А.Аҳмедов ўзининг “Орзу” (гипс, 1967), “Зоренька” (гипс, 1964), “Зоренька” (гипс, 1965) номли асарлари билан кучли академик маҳоратни намойиш этди. Унинг ижоди пластик ифодавийлик ва анотомик аниқликка асосланиши билан алоҳида эътибор тортади. У замондошлари руҳий



Я.Шапуро. Тамтам. 1964 й., бронза

кайфиятини очишга интилар экан, аввало тасвирнинг реалистик аниқлиги ва гармоник муфассаллигига пухта ёндошди. Мазкур йўналишда ёғоч билан ишлаш техникасини мукаммал ўзлаштирди, шунингдек, бошқа ашёлар бўйича ҳам жиддий малака ҳосил қилди.



А.Аҳмедов. Зоренька, 1964 й., гипс

Аҳмад Шаймуродов
ижодида ҳам шу каби
хусусиятлар етакчи ўрин
эгаллайди. У ҳали ўқишни
тугатмасдан бурун
хайкалтарошлик бўйича катта
тажриба тўплаб улгурган эди.
Институтда унга машҳур
хайкалтарош, профессор
Матвей Генрихович Манизер
устозлик қилиб, маҳорат билан
ишлаш сир-синоатларини
ўргатди [изоҳ 5]. Мазкур мактаб
уни моҳир ижодкор сифатида
камол топишида муҳим ўрин
эгаллади.

Таҳсил олаётган давридан
бошлаб миллий мавзулар,
тарихий шахсларга алоҳида
эътибор бера бошлаган Аҳмад
Шаймуродов бутун ижоди
давомида шу йўналишга содиқ
қолиб, бу борада кўплаб
асарлар яратди. Айниқса
Алишер Навоий образини
яратиш унинг ижодида жуда
катта аҳамиятга эгадир. У буюк
аллома сиймосини дастлаб
иккинчи курсда ўқиётган

даврида яратган. Устози Манизер томонидан аъло баҳоланган бу асар ҳаёлан

яратилган бадий тўқима бўлишига қарамай, образ ўзига хос улуғвор қиёфада гавдалантирилган. “Ўзбекистон ҳайкалтарошлари бир неча бор

Навоий образига мурожаат этганлар, бироқ

А.Шаймуродов яратган образ ҳозирга қадар ижобий таассурот қолдириб келмоқда”.⁴ Чунки, Аҳмад

Шаймуродов аллома дунёсини тушинишга кўп маротаба уринган, ҳар галги фаолиятида комил шахс сиймоси сайқал топиб, мумтоз кўринишга кириб борган. Булар орасида атоқли олим Ҳамид Сулаймон тавсиясига кўра машҳур мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб асари асосида ишлангани эътиборлидир.

У Навоийнинг мўъжаз китобот санъатида тасвирланган қиёфасини

ҳайкалтарошликдаги қулайлик – пластик хусусиятлар (нур-соя, ҳажм ва б) ёрдамида муваффақиятли амалга оширди. “Ҳайкал кўпчиликка маъқул бўлди. У ҳатто, Москвадаги нуфузли кўргазмада кумуш медаль билан тақдирланди.”⁵ Унда алломанинг ички сийрати моҳирона талқин этилган,



Н.Феодоридис. Қўшиқ. 1964 й., бронза

⁴ Р.Такташ. “Правда Востока” газетаси, 6/1999, №190.

⁵ Абдулла Улуғов. “Халқ Сўзи” газетаси, 2006 йил, 6-апрел.

айниқса юз тузилишининг нуронийлиги, қош-кўзларининг ишқий ифодавийлиги ҳайкалтарош томонидан нафис ҳис этилган, алломанинг муборак бошини бироз қуйи солиниши мазмундорликни янада оширган. Мазкур асар ҳазрат Навоий оламини ҳайкалтарошлик жабҳасига кўчириш борасида эришилган эътиборли натижанинг ёрқин намунасидир. Асарнинг ижобий ҳислатларга бойлиги албатта образ устида мунтазам, пайдар-пай ишлашининг самараси, десак муболаға бўлмайди.

Ҳайкалтарошнинг 1960-йилда яратилган “Алишер Навоий” (2 та: СамДУ ва Тошкент қўлёзмалар институти музейида, мармар), “Талаба қиз” (гипс), “Марям” (бетон), “Ишчи” (керамика), “Уста” (керамика), “Жаррох” каби портретлари ҳам рус реалистик йўналишини миллий сайқалланган намуналаридан ҳисобланади.

Аҳмад Шаймуродов 1965-йилда институтни тамомлаб Самарқандда фаолият бошлагандан буён унинг ижоди миллий тасвирий санъат ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Мармар тошдан портретлар бажариш асносида қадимги Рим ва Юнон ҳамда Европа уйғониш даври ижодкорларининг шу йўсиндаги асарларини ўз ижодига тадбиқ этишга интилиб, маълум натижаларни қўлга киритди. Шу боисдан унинг тарихий шахслар мавзусида ишлаган портретларида мумтоз бадиий йўналиш устивор ўрин эгаллайди.

Демакки, 1960-йиллардан бошлаб Ўзбекистон ҳайкалтаролигида реалистик услуб анъаналари тобора мукамаллашиб, бадиий образлар шаклу-шамойилининг сифат даражаси ортиб борди. Тажрибали мутахассислар сонининг кўпайиши соҳа ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди, келажак учун ижодий пойдеворни вужудга келтирди. Бу йиллардан Қорақалпоғистонда фаолиятини бошлаган Жўлдасбек Қуттимуродов хаваскорликдан моҳир ижодкор даражасига юксалди. Унинг атрофида ихлосманд ёшлар пайдо бўлиб, кейинчалик улар ҳам маълум касбий кўникмаларни қўлга киритдилар.



А.Бойметов. Ибн Сино портрети. 1967 й., ёғоч

II.3. Ҳайкалтарошликда ижодий йўналишлар кўламининг кенгайиши (1970-80 йиллар)

1970-1980–йиллар ижодий ривожланишнинг муҳим босқичи бўлган. Айниқса, дастгоҳли ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг рангтасвир ва графика турлари каби фаол йўналишлардан бирига айланди. Бу ўша вақтнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ эди. Чунончи, “1970-йилларда Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги олдида ижтимоий



М.Аблайулов. Кулол. 1984й.,

ҳаётнинг бадиий ечими билан боғлиқ вазифалар кўлами кенгайди. ...Дастгоҳли ҳайкалларни ижтимоий ҳаётга мувофиқ ишлатиш, музей ва бадиий кўргазмаларга хизмат қилишнинг маданий доираси кенгайди” [6.8. Б. 295.]. Натижада, кўп сонли иштирокчилар асосида махсус кўргазмалар ўтказиш жиддий тус олди. Ҳайкалтарошликни маданий ҳаётга чуқур кириб бориши дастгоҳли ҳайкалларга бўлган эҳтиёжни ошириб, пировардида ижодий ўсиш суръатини тезлашувига олиб келди.

1970-йиллар ўрталарида бўлиб ўтган Республика ҳайкалтарошлик кўргазмалари мисолида реалистик услубни ижодий ўзлаштириш бир мунча жадаллашгани сезилади. “Ўрта Осиё ва Қозоғистон

Республикаларининг 1983–йилни март ойида ўтказилган Биринчи минтақавий ҳайкалтарошлик кўргазмаси муҳим воқеа бўлди, унда 118 та ижодкорларнинг 365 та дастгоҳли ҳайкаллари намоиш этилди” [2.34. Б. 9.].

Экспонатларнинг муҳокамаси бўйича махсус конференция ташкил этилиб, унга собиқ иттифоқ мамлакатларидан ҳайкалтарошлар ва санъатшунослар таклиф этилди. Кўргазмада жаҳон реалистик санъатининг классик анъаналари асосида маҳорат билан яратилган асарларни тақдим этилди.

Мазкур кўргазма ва симпозиумлар ўзбек ҳайкалтарошлиги олдинги давр ижодий жараёнларидан фарқли равишда шиддат билан ривожланганидан далолат беради. “Кўргазмаларда намойиш этилаётган асарларда ўзбек ҳайкалтарошлиги янги натижаларга эришаётганлиги ва унинг келажакдаги истиқболи учун мустаҳкам пойдевор юзага келганлиги кўзга ташланди” [3.30. Б. 14.]. Айнан шу каби минтақавий ижодий мулоқот кўламининг ортиши пировардида замонавий янги бадиий жараёнга қизиқиш ортиб борди.

1980-йилларда малакали ҳайкалтарошлар тайёрлашга ихтисослашган рус бадиий олийгоҳларини тамомлаган тажрибали ёш кадрлар сонининг янада кўпайиши дастгоҳли ҳайкалтарошликдаги ижодий салоҳияти

янада оширди. Шу ўринда Республиканинг турли вилоятларида фаолият юритган А.Перельман, А.Овсеян, А.Абдуғаниев, Т.Эсонов, Р.Қоратоев, М.Аблоқулов, М.Раҳмонбердиев, А.Хотамов каби ҳайкалтарошлар ижоди муҳим аҳамият касб этди. Мазкур




**Т.Қосимов. Ибн Сино. 1984 й.,
бронза**



А.Катлов. Солнышко. 1986 й., шамот

хайкалтарошлар мисолида айтиш мумкинки: “Дастгоҳли ҳайкалтарошлик бўйича Ўзбекистонда сўнгги йилларда кучли жамоалар доираси кенгайди. Ҳайкалтарошлар намунали ва кўп жиҳатдан мукаммал асарлари ижодий билан ижодий ривожланишни 60-йилларнинг бадиий ҳаётидан юқорига кўтардилар” [2.30. Б. 10.].



Р.Нумировский.Фақир. 1986 й., бронза

Дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг олдинги даврдаги мавзули хусусиятлари эндиликда мураккаб композицион тус олиб борди. Ижодий жараёнда анъанавий услублардан фарқ қилувчи янги ёндошувлар шаклланди. Нафақат Россия бадиий мактаби намоёндалари, балки Тошкент бадиий таълим муассасаларини тамомлаган Дамир Рўзибоев, Улуғбек Мардиев, Тўлаган Тожихўжаев, Илҳом Жабборовлар ҳам бу жараён анъаналарини пухта ўзлаштирдилар.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлик ривожини хусусида санъатшунослик фанлари доктори Р.Тоқтош кўплаб маълумотлар келтиради. Жумладан, Тошкент бадиий таълим муассасаларида таълим

олган – Ж.Миртожиев, И.Жабборов, Т.Тожихўжаев, В.Рутчин, У.Мардиев, Б.Шодиева, А.Хотамов, Р.Эрматов, А.Алиев, Э.Қаҳҳоров, Э.Алиев,

Н.Бандзеладзе, В.Дегтярев каби ҳайкалтарошлар ижодий ривожланиш жараёнини янада юқори кўтарганларини таъкидлайди [Қаранг. 6.8. Б. 256-292.]. Тажрибали кадрларнинг ижодий фаоллиги туфайли 1970-80–йиллар ҳайкалтарошлик санъатига замонавий янги услублар кириб келди. “Махсус тайёргарликни ўтаган маҳоратли ҳайкалтарошларни доимий равишда кўпайиб бориши Ўзбекистондаги бу санъат турини ривожлантириб, касбий маҳорат даражасини юксалтирди, ички мусабақалашув, шунингдек, ижодкорларнинг ўзаро рақобатлашуви шубҳасиз бу ижод турининг бадиий савиясини ошириш ва ривожлантириш имконини берди” [6.8. Б. 296.].

Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги Республика пойтахтидан ташқари чекка ҳудудларгача кириб борди. Масалан, Фарғона водийси ва Самарқандда, кейинчалик Бухоро, Хоразм ва Нукусда ҳам фаоллиги кузатилди. Айниқса, 1960-йиллардан шакллана бошлаган Самарқанд ҳайкалтарошлиги ҳозирга қадар бошқа вилоятларга нисбатан ўз мавқеъини сақлаб келмоқда.

Р.Тоқтош ўз тадқиқотларида 1970-йилнинг ўрталари 80-йиллардан ҳайкалтарошлик Ўзбекистоннинг кўплаб

вилоятларига фаол кириб борганлиги ҳақида маълумот беради. Жумладан, Самарқандда – Т.Эсонов, Т.Ерқулов, Э.Қаххоров; Қўқонда – Э.Тожибоев, М.Муиддинов, Ю.Горюнов, М.Эргашев, Г.Пярин; Андижонда – В.Пускин,



М.Раҳмонбердиев. Бобораҳим
Машраб. Ғунс

Р.Сулаймонов, Ж.Миртожиев, Б.Расулов, К.Флоров, А.Тўхтасинов;
Наманганда – М.Раҳмонбердиев, Н.Орзимов; Бухорода – В.Купряшкин,
В.Селиванов, Б.Гулов, Қ.Норхўрозов, Ҳ.Зоиров, У.Уроқов; Нукусда –
Ж.Қуттимуродов, Д.Тўраниёзов, Е.Маткаримов, А.Кенжаев; Навоийда –



**А.Саидхўжаев. Дўстим портрети. 1985
й.. Гипс**

Ю.Лобашев, В.Шевченко,
Валентин Феодорович,
П.Александров; Урганчда –
Ш.Усмонов каби ҳайкалтарошлар
ижод қилганлиги ҳақида ёзади [6.8.
Б. 256-294.]. Шу каби
ҳайкалтарошлар сафи
кенгайишининг соҳа ривожига
таъсири хусусида санъатшунослик
фанлари доктори, ЎзБА академиги
А.Ҳакимов қуйидагича изоҳлайди:
“70-80-йиллар Ўзбекистон пластик
санъати ривожига юқори
сифатдаги янги босқич бошланди”
[2.34. Б. 10.]. Дарҳақиқат, бу
босқич жаҳон санъатида
эришилаётган янги тажрибаларни
ўзлаштириш, ижодда шакл ва
ифода йўлларини бойитиш, шу
асосда қўлга киритилган
кўникмаларни миллий руҳ билан
суғориб, ҳайкалтарошлик

ашёларидан унумли фойдаланишда кўринди.

1970-80-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги услубий йўналишларини
А.А.Ҳакимов икки қисмга бўлиб изоҳлаган: “Агар замонавий ўзбек, Ўрта
Осиё ва Қозоғистон пластик санъати ривожини кўриб чиқадиган бўлсак, уни



Т.Тожиҳўжаев. Кимга тандир? 1976 й., Шамот

икки асосий қисмга бўлиш мумкин. Бунинг биринчиси – мустаҳкам бадий анъаналар мавжуд бўлган анъанавий- академик ҳайкалтарошлик. Иккинчиси эса 1970-йиллар ўрталарида Ўзбекистондариwoжланган янги қизиқарли пластик йўналишдир. Бу йўналишнинг ғоявий концепцияси янги, кўпроқ безакли ҳайкалтарошликда турли хил – шеърий романтик, фалсафий-мажозий, фольклор истехзоли (кинояли) – ғоявий воқеликлардан иборатдир” [2.34. Б. 13.]. Ҳайкалтарошликдаги мазкур йўналишларни куйидаги маълумотлар асосида кенгроқ баён этиш мумкин.

Биринчи йўналиш: XX-аср Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг олдинги босқичларига ҳам хос бўлиб, унинг намояндалари асосан катта авлод ҳайкалтарошлари ҳисобланади.

“Хусусан, кирик ёшдан эллик ёшгача бўлган:

Х.Хусниддинхўжаев, А.Бойматов,

Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, Я.Шапино,

В.Клеванцов, В.Дегтяров,

Р.Немировский, Ю.Киселев,

Л.Рябцев, В.Лунев ва бошқалардан

ташқил топган катта авлод

ҳайкалтарошлари анъанавий-

реалистик, академик услубда

ишлаётган ҳайкалтарошлар гуруҳи

намояндаларидир. Бироқ –

А.Хотамов, Т.Эсонов, М.Аблоқулов

каби И.Е.Репин номидаги

Ленинград институтини тамомлаган

ёш ҳайкалтарошлар ҳам бор” [2.34.

Б. 13.]. Шунингдек, М.Мусабоев,


А.Аҳмедов, П.Челишев, В.Ванякин

каби катта авлод

ҳайкалтарошларини ҳам шу сафга

киритиш мумкин. Мазкур

йўналишнинг кўлами кенг




А. Хотамов. Крашчи. 1983 й., Гунс

қамровли бўлиб, портрет, тўлиқ ва кўп фигурали ёндошувларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бадий-услубий характерга эга. Масалан, портрет асарларни ишланиш услубига кўра уч турга бўлинади: анъанавий реалистик, импрессионизм йўналишли, пластик композицияли портретлар.



О.Сальников. Севги афсонаси. 1983 й., бронза

Реалистик ёндошувга
Ю.Киселовнинг “Ҳамид
Олимжон” (бронза, 1972),
“Собир Раҳимов” (бронза,
1972), А.Бойматовнинг
“Фарғоналик колхозчи”
(бронза, 1970),
У.Мардиевнинг “Садоқат”
(ёғоч, 1976), “Баҳодир
Жалолов” (шамот, 1980),
М.Муиддиновнинг “Бувим”
(гипс, 1980), Р.Ёрматовнинг
“Ўғлим” (гипс, 1985)
портретларини мисол
кейтириш лозим. Улар
образнинг анатомик-
пластикасига жиддий эътибор
бериб, ҳар-бир тимсолнинг
руҳий оламига чуқурроқ
кириб бордилар. Айрим
иждоқорлар реалистик



Б. Шодиева. Баҳор. 1985 й., Гипс

анъанадан фарқли равишда томошабин учун қизиқарли ва янги таъсурот
уйғотувчи йўналишларда изланишлари, уларни импрессионизм услуби сари
етаклади, бу борада бадиий характерли портретлар яратдилар. Масалан,
Д.Рўзибоев, М.Мусабоев, В.Клеванцов, Ш.Усмоновлар ижодида шу
хусусиятлар сезилади. Хусусан, Дамир Рўзибоевнинг Доброванскийга
бағишлов” (шамот, 1978), “Портрет” (шамот, 1977-1978), “И.В.Савицкий”
(шамот, 1970), “Рассом Мартаков” (шамот, 1970), “Колхозчи” (шамот, 1976),

М.Мусабоевнинг “Рассом Э. Варнас” (шамот, 1976), В. Клеванцовнинг “Раққоса” (1983), Ш. Усмоновнинг “Ботир Зокиров” (терракота, 1980), “Владимир Высоцкий” (терракота, 1986) каби портретлари шундай характерга эга. Умумий кўриниши жихатидан ҳомаки тасвирга мойил бўлган ва ҳаётий кўринишга зид нотугаллик орқали образлар бадий мукамаллигини таъминловчи бундай асарлар юксак касбий тажрибанинг маҳсулидир. Чунки, тасвирланувчининг рухий оламини содда ва кам ишлов шакллар билан очиб бериш бу асарларнинг бадий мукамаллигини белгилайди. Айниқса, Д.Рўзиевнинг “Доброванскийга бағишлов” ва “Рассом Мартаков” портретларида мазок техникасини моҳирона қўлланиши, умумий яхлит шакллар билан образ ечимини етарли даражада очиб берилиши шубҳасиз, 1970-йиллар ижодий юксалиш даврини яна бир қарра асослайди.



А. Шаймуров. Қишлоқ тонги. 1985 й., Гипс

Пластик композицияли ёндошувдаги портретларни ҳақли равишда 1970-1980-йиллар ижодий жараёнидаги муҳим бурилиш дейиш мумкин. Ҳайкалтарошликка хос бўлган пластик тил ифодавийлигининг афзаллиги айнан шу ёндошувдаги асарларда кузатилади. Дарахт илдизлари ва турли

томонга йўналиб ўсган шоҳларининг табиийлигини сақлаган ҳолда, унга бадий ишлов бериш билан ўзига хос пластик ҳаракатли қиёфаларни гавдалантириш мазкур ёндошувнинг характерли жиҳатидир. Ҳайкалтарош

Эйнулла Алиевнинг “Орол балиқчиси” (1986 й), “Қизил-Қум” (1987 й), “Дарахт ҳаёти” (1987 й) Туркман Эсоновнинг “Нур-Ота” (1982 й), “Нур-Ота” (1982 й., бошқа варианты), “Чўпон ота” (1980 й), “Донишманд” (1986 й), И.Жабборовнинг “Машраб” (1974 й), А.Бойматовнинг “Чўпон” (1972 й), Т.Ёрматовнинг “Аёл боши” (1980 й), Г.Пяриннинг “Эртакдан кўриниш”(1980 й) каби портретлари шу йўсинда ижод қилинган. Уларда пластик шаклдорлик, ўзига хос ҳаракат ифодавийлиги ва реал



Я.Шапуро. А.Каменский. 1986 й., гипс

борлиқдан чекиниб, ортирма ҳис-туйғуларга йўғрилиш етакчи ўрин эгаллайди. Мана шу жиҳати билан портретчиликдаги академик анъаналардан кескин фарқланувчи янги йўналиш ҳисобланади.


Бундан 1970-
йилларда
иждоқкорларнинг
касбий тафаккурида
жиддий ўзгаришлар
руй бериб,
замонавий бадиий
жараёнда янги
анъаналарни пайдо
қилганликлари
англашилади.

Эндиликда
иждоқкорлар 1950-
60-йилларга
тегишли объектив
ёndoшувдан бир
қадар воз кечиб,
пластик “тил”
билан “гапириш”,



Ж. Қуттимуродов. Ерназар ола куз. 1986 й., гипс

бетакрор услублар устида ишлашни давр талаби сифатида баҳолай бошлаганликларини исботлайди. Тўлиқ фигурали ҳайкаллар ҳам аниқ ҳаётий кўриниш тасвирига мойиллиги боис, аксар ҳолларда реалистик йўналишда намоён бўлди. Асосан тарихий шахслар билан замондошлар образи бўйичи тўлиқ фигурали асарлар иждоқ қилинди. А.Бойматов (“Ибн Сино”, 1988 й., бронза), Ҳ.Ҳусниддинхўжаев (“Ибн Сино”, 1981 й., гипс), Л.Рябцев (“Ал-Хоразмий”, 1983 й., гипс), В.Лунёв (“Ал-Хоразмий”, 1982 й., гипс), Н.Бандзеладзе (“Ибн Сино”, 1986 й., шамот), Р.Авакян (“Ибн Сино”, 1984 й., шамот), Т.Эсонов (“Ибн Сино”, 1987 й., бетон), М.Гасимов (“Ал-Хоразмий”, 1982 й., гипс), А.Аҳмедов (“Мирзо Улуғбек”, 1987 й., лой), Ш.Усмонов



Т.Эсонов. Туя. 1985 й., гипс

(“Огаҳий”, 1981 й., гипс) лар бу борада намунали асарлар яратдилар. Айниқса, Мухтор Мусабоев кўхна тарихга хос улуғворликни образифодасига сингдириш, ички виқорни бўртириб кўрсатиш каби фазилатларини чуқур ўзлаштирганлигини таъкидлаш жоиз.

1980-йиллардан Ўзбекистонда маҳоратли ҳайкалтарошларнинг кўпайиб бориши асарлар бадиий сифатини ошириш борасида янги вазифаларни вужудга келтирди. Чунки, мазкур даврда турли малакали ҳайкалтарошлараро кучли ижодий рақобат майдони юзага келганди. Ҳар бир ижодкор янгича пластик талқин билан ўз дасҳатини яратишга интилишни олий мақсад сифатида англади. Натижада портретчилик ёки бошқа анъанавий мезонлар тобелигидан қутилиб, тасвирий объект доирасини кенгайтириш ижодий оммалашди. Бу ўз навбатида мавзули ҳайкалтарошликни шаклланишига олиб келди. Ижодда мавзулар кўламининг кенгайиши эса услубий ранг-барангликни таъминлаб берди. Мазкур ҳолат 1960-йиллардаги бир ёқлама риволаниш тартибини бузилиши ва янги серҳаракат пластик ривожланиш босқичига йўл очилганлигини яққол ифодалайди. Бу босқичда, ижтимоий ҳаётнинг турли кўринишлари, қишлоқ лавҳалари, афсонавий тимсоллар, замонавий сюжетларни кенг доирада ижод қилиниши оқибатида миллий, замонавий ва ҳажвий мавзуларда изчил ривожланиш рўй берди.

Даврлар оша бадиий қимматини йўқотмайдиган қизиқарли ва характерли кўринишларнинг ҳайкалтарошлар учун асосий мавзуга айланиши ижодий ривожланишнинг миллий мавқеъига таъсир этмай қолмади. Масалан, Дамир Рўзибоевнинг “Муסיқачилар” (шамот, 1980), Н.Банзеладзенинг “Кўпкари” (тош, 1980), Т.Тожиҳўжаевнинг “Кимга тандир” (шамот, 1981), Т.Эсоновнинг “Чўпон қиз” (1983 й., гипс), И.Жабборовнинг “Хивалик муסיқачилар” (1982 й., шамот), Б.Шодиеванинг “Тўқувчилар” (1979 й., гипс), Р.Раҳимовнинг “Беллашув” (1985 й., шамот), М. Гасимовнинг “Бозорда” (1986 й., шамот), У.Мардиевнинг “Эски шаҳар” (1984 й., терракота), М.Аблоқуловнинг “Чўпон” (1980 й., шамот), В.Ванякининг “Илҳомланиш”

(1986 й., гипс), Р.Сулаймоновнинг “Хаёт дарахти” (1977 й., гипс), Ж.Миртожиевнинг “Қишлоқда ёз” (1983 й., бронза) каби сара асарлари шу ўринда эътиборлидир. Мавзули ҳайкалтарошлик ижтимоий-маиший ҳаёт жабҳаларини акс эттириб, миллий руҳиятга яқинлаша бошлади. Бу ўринда Н.Бандзеладзе, М.Гасимовларнинг чуқур психологик, мураккаб мимик ифодавийликка йўғрилган ҳажвий асарлари катта аҳамият касб этди. Н.Бандзеладезининг “Эшакни ўқитаётган Насриддин” (1986 й., шамот), “Хўжа Насриддин” (1970 й., шамот), “Насриддинни эшитаётганлар” (1980 й., шамот), “Насриддин уйда эмас” (1986 й., шамот), “Яхшиямки, торвуз дарахтда ўсмайди” (1980 й., шамот) номли асарларида ҳис-ҳаяжонли пластик шаклдорликка эришилди.

Бу ижодкорнинг фаолияти бошқалардан бир мунча ҳажвий характерга бойлиги, ишлаш маҳоратининг афзаллиги билан ажралиб туради. Масалан, унинг “Насриддинни эшитаётганлар” номли ҳажвияси буюк рус рассоми П.И.Репиннинг “Запарожиниклар” асаридаги каби ўта нозик мимик хатти-ҳаракатлар асосида бажарилган бўлиб, бадиий ва касбий маҳорат жиҳатидан мукамал ижод қилинган. Шунингдек, М.Гасимовнинг “Қари жин” (1986 й., шамот), Р.Ёрматовнинг “Хўжа Насриддин” (1982 й., гипс), Б.Гуловнинг “Хоразмча рақс” (1984 й., шамот) ҳажвиялари ҳам ўзига хос маҳорат билан бажарилган.

Айниқса, мавзули ҳайкалтарошликда Дамир Рўзибоев фаолияти бошқаларга нисбатан миллийлиги, бетакрор услуби билан фарқ қилади. Унинг узоқ ўтмиш бадиий маданияти билан “иждодий мулоқат” ўрнатиши катта ютуқларидан бири бўлди. Жумладан, қадимги Ўрта Осиё ҳайкалтарошлиги анъаналарини кузатиб, ашёлар билан ишлаш техникасини янги йўсинда такомиллаштирди. Қадимги ҳайкалтарошлик учун хос бўлган ва 1970-1980- йиллар учун янгилик ҳисобланган ҳайкалларни ранглаш услуби Дамир Рўзибоев томонидан замонавий бадиий жараёнга олиб кирилди. Бу ҳол унинг кейинги йиллардаги ижодида, хатто 1990-йилларда ҳам етакчи ўрин эгаллади.



Р.Миртожиев. Қишлоқда ёз. 1983 й., гипс



Р. Ерматов. Хўжа Насриддин. 1984 й., гипс

Муסיкий лаҳзалардаги инсон психалогияси Л.Богатовнинг “Шарқнинг мунгдор куйи” (1986), С.Турсуновнинг “Рақс” (1989) ҳайкаллари ҳам замонавий пластик ёндошув орқали очиб берилган. А.Бойматовнинг “Ибн Сино” (1988) ҳайкалида эса асарнинг ички ифодаси кўпроқ имо-ишорали ҳаракатлар орқали талқин этилади. Асар ғоясини ифодалашда гавда тузилишининг контраст ҳолдаги ҳаракатлар ечими муҳим ўрин эгалласа-да, икки қўлида ўз аксини топган маъноли букилишлар композицион тузилишни яқунловчи нуқтаси ҳисобланади, шунингдек, қўл ифодалари асар портрети билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Айрим ҳайкалтарошлар, жумладан, А.Овсепяннинг “Ер” (1983, гипс), Т.Тожиҳўжаевнинг “Дарё” (1981, шамот),

У.Мардиевнинг “Сирдарё” (тош, 1986 й), А.Овсепяннинг “Река Аракс” (шамот, 1984 й) номли асарларида инсон ва табиат муносабатлари образли кўринишда ижод қилинди. А.Овсепян улкан катталиқдаги тепаликлар, адирлик ва тоғ чўққиларини инсон қиёфасига қиёслади. Т.Тожиҳўжаев, У.Мардиев ҳамда А.Овсепянлар ижодида аёл шахсига эҳтиром – меҳри дарё



Г. Рева. Баҳор. 1983 й, бронза

рамзида гавдалантирилди. Иккинчи йўналиш: 1980-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида юзага келган замонавий юксалиш даври ҳайкалтарошлар бадиий тафаккурида ҳам муносиб бурилиш ясади. Эндиликда анъанавий реализмдан ташқари, замонавий йўналишларда ҳам ижодий изланишлар тезлашди. Нарса ва ҳодисалар моҳиятига янги нигоҳ билан қараш, академик ёндошувдан ташқи оламда мавжуд бўлган тасвирий ифода йўллари излаш, ҳаётий кўринишдан четлашиб, ишорали, кинояли ритмик шаклларга кенгрок мурожаат этиш кенг тарқала бошлади. “Бунда асосан геометрик-мавхум шакллар, табиат кўринишлари, антропоморфизик мажозий образлар, шунингдек, турли инсоний эмоционал туйғулар (ранж-алам, шод-хуррамлик, илҳомланиш, жонланиш, қайғуриш ва б), шунингдек, метафорик ечимлар мужассам этилади” [2.34. Б. 115.]. Бадиий услубий характери жиҳатидан модернизм йўналишига мос келувчи янги изланишлар сезила бошлайди. Ижодда мумтоз ҳайкалтарошлик анъаналари орқали ифодалаш мумкин бўлмаган мураккаб композицион ғояларни мажозий шаклларда тасвирлаш усули кўзга ташланади. “Иккинчи йўналишни асосан Тошкентлик ҳайкалтарошлар Д.Рўзиев, И.Жабборов, Р.Авакян, С.Бабаян, В.Гамбаров, Н.Карлихонов, Т.Тожиҳўжаев, У.Мардиев, Б.Шодиева (1987-йилда вафот этган), шунингдек, Қорақалпоғистонлик ҳайкалтарошлардан Ж.Қуттимуродов, Д.Тўраниёзов ва Е.Маткаримовлар намойиш этдилар” [2.34. Б. 18.]. Улар фаолиятида инсон жисми, унинг турли кўринишдаги руҳий ҳолатларини ортирма шакллар воситасида пластик бўртириб кўрсатиш ёндошувлари намоён бўлди. Д.Рўзиевнинг “Хароба” (шамот, 1989 й), Р.Авакяннинг “Композиция” (ёғоч, 1989 й), С.Қодировнинг “Хоразмча рақс” (гипс, 1988 й), Р.Сулаймоновнинг “Композиция” (шамот, 1989 й), С.Черепановнинг “Қуёшли шамол”, Э.Тожибоевнинг “Севишганлар” (металь, 1988 й), “Йиқилиш” (пластелин, 1982 й), Г.Реванинг “Баҳор” (бронза, 1983 й), “Ўсмирлар” (гипс, 1986 й), Т.Қосимовнинг “Велосепедчи” (гипс, 1983 й), Р.Миртожиевнинг “Ойнинг тутилиши” (шамот, 1987 й), Қ.Норхўрозовнинг “Цирк” (медь, ковка, 1984 й) каби асарлари юзага келди.



В. Гамбаров. Халқ театри. 1983 й., гунс

Уларнинг пластик ифодасида илғор бадиий ёндошувлар ўзлаштирилиб, тасвирнинг ғоявий ифодавийлиги шаклан бирламчи ўринга кўтарилди.

В.Гамбаровнинг “Спитакская трагедия” (1989), Л.Богатовнинг “Восточная элегия” (1986), Н.Бандзеладезининг “Учрашув” (1986), каби асарларида мазкур ёндошувлар кузатилади. В.Гамбаровнинг “Спитакская трагедия” номли композициясидаги пластик талқин бутун борлиги билан фожияли кўринишни ифодалаб, инсонни оғир вазиятдаги ички кечинмаларини ёритишга қаратилган. Асарнинг шакл ифодалари бир мақсадга, яъни инсонни ожиз ҳолдаги қиёфасини акс эттиришга хизмат қилади. Унинг композицион тузилиши ички ҳиссиётга бой серҳаракат унсурлар билан йўғрилган.

Д.Рўзиевнинг “Хароба” номли композициясидаги янги услубий ёндошувга хос кўриниш бир қарашда англаш қийин бўлган икки шахс образини тафаккурона қиёфада таъсирли бажарилганида сезилади. Ҳайкалдаги икки инсон образи онг маҳсули бўлган тафаккур (фикрлаш) фалсафасини ижодкор бутун борлиқдан, қолаверса вужуддан узилиш сифатида изоҳлагандек таъсурот уйғотади. Юқорида таърифланган ҳайкалларга нисбатан шаклан сокин, бироқ ўзига хос ички мураккаб пластик ҳаракат асосида ижод қилинган ушбу асар замонавий ҳайкалтарошлик йўналишлари борасида юксак бадиий аҳамиятга эга.

Умуман олганда 1970-80-йиллар Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлиги ривожига анъанавий ва ноанъанавий икки йўналиш муҳим ўрин эгаллайди. Анъанавий йўналишда – тўлиқ ва кўп фигурали, мавзули асарларда мумтоз ва реалистик услубий ёндошувларга катта аҳамият берилди. Тўлиқ фигурали ҳайкаллар бўйича анатомик аниқлик ва пластик уйғунлик малакаси ошганлиги сезилди. Реалистик ёки классик услубда бажарилган портрет ва тарихий асарларда тасвирнинг ички борлигини батафсилроқ ёритиш, унинг рихий кайфиятини аниқроқ ифодалаш борасида ижобий натижалар кузатилди. Айниқса, инсоннинг рухий кайфиятини

ёритишда ҳажвий жанрнинг ўрни ҳам катта аҳамият касб этди. Ижодий жараённинг миллий мавзулар доираси кенгайиб, маиший ҳаётга ва ундаги эътибор тортувчи маҳаллий одатларга ижодий муносабат билдириш кенг ўрин эгаллади.

1980-йиллардан ноанъанавий йўналишларни фаоллик билан ўзлаштирилиши Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлиги ривожда таянч омиллардан бири бўлиб, соҳанинг ривожланиш жараёнини тезлаштирди.

II.4. XX-аср иккинчи ярми маҳобатли ҳайкалтарошлиги

XX-аср иккинчи ярмидан Ўзбекистон шаҳарсозлигида замонавий ўзгаришларнинг юзага келиши, жумладан турли маиший-маданий хизмат кўрсатиш биноларининг кўпайиши шаҳарларда маҳобатли ҳайкалтарошлик ривожланиши учун зарур муҳит бўлди. Бу жараёнда А.Иванов, Ф.Грищенко, О.Коржинская ва Н.Кримскаялардан иборат ҳайкалтарошлик бригадаси⁶ ҳамда Я.Кучис раҳбарлигидаги Тошкент бадиий билим юрти талабалари уюшмасидан иборат ташкилий гуруҳ фаолиятлари эътиборга сазовордир. Улар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига ёдгорликлар ўрнатиши ҳамда меъморий биноларни бўртма тасвирлар билан безаши асносида маҳобатли ҳайкалтарошлик ҳам олдинга тамон силжий бошлади.

1950-йилларда ўрнатилган монументлар икки турга бўлинади. Биринчиси, Россияда тайёрланиб Ўзбекистонга келтирилган ҳайкалтарошлар – М.Манизер, П.И.Бондаренконинг, М.Габенинг, В.Ф. Богатиревларнинг шўролар даврининг давлат арбоблари ҳайкаллари ташкил этади. “Мазкур турдаги монументларни ўрнатиш учун Россиянинг – Москва, Ленинград шаҳарларидан ҳайкалтарошлар таклиф этилиб, уларнинг амалий тажрибаларидан фойдаланилди” [6.1. Б. 7.]. Қисқа вақтда бирин-кетин ўрнатилган бундай ёдгорликлар гарчанд кўп сонли ҳамда бадиий пухта бўлса-да, бироқ уларни маҳобатли соҳа ривожда жиддий аҳамиятга эга, дейиш қийин. Чунки, ривожланиш даражаси ўзининг ижодий куч

⁶ Кейинги ўринларда ташкилий гуруҳ номи билан юритилади.

имкониятлари билан белгиланиши лозим. Юқоридаги ҳайкаллар эса бундан мустасно бўлиб, “ташқи кўмак” воситасида амалган оширилган эди. Шундай бўлса ҳамки улар 1990-йилларга қадар нуфузли мақомда белгиланиб келинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг собиқ сиёсий мафкура ҳукумдорлиги барҳам топиши билан уларнинг миллий муҳитга бегоналиги сабабли бадиий-амалий қиммати ўз кучини йўқотди.

Асосий ривожланиш мезонини эса иккинчи турдаги маҳаллий ҳайкалтарошларнинг фигурали, амалий безакли ва боғ-ҳиёбон ҳайкаллари белгилайди. Бу таркибда ҳозиргача эришилган натижалар даражасини аниқлаш ҳамда устивор тамойилларини кўрсатиш имкони бор. Масалан, О.Коржинскаянинг 1950-йиллар арафасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти биносининг бош фасадига ўрнатилган кўп фигурали, Н.Кримскаянинг Тошкент Хореография билим юрти биносининг ташқи деворига ишлаган бўртма тасвирлари маҳобатли ҳайкалтарошлик янги босқичининг дастлабки намуналаридир. Н.Коржинскаянинг институт биносига бадиий кўрк бериб келаётган ёдгорлиги натуралистик услубда бажарилганига қарамай, ҳамон бадиий қийматини сақлаб келмоқда.

Яна Ф.Грищенко билан А.Капцаннинг “Улуғ ватан уруши ёдгорлиги” (Ҳамза-обод, чугун, бетон, мрамор, 1966), Н.Кримскаянинг “Ғалаба ёки Тинчлик” (Наманган, 1957-60 й., бетон), “Раққоса” (Наманган, 1959-62 й., бетон), “Узумчи қиз” (Наманган, бетон, 1959-1963 й), Ф.Грищенконинг “Уруш курашчилари” (Ҳамза-обод, чугун, бетон, мрамор, 1966), А.Аҳмедовнинг “Абадийликка кетувчилар” (Наманган, бетон, 1960) номли ҳайкаллари ҳам умумий ривожланиш бўйича илк жонланишни пайдо қилди.

Санъатшунос олим Р.Х.Тоқтош Н.Кримскаянинг таъкидлаб ўтилган “Ғалаба ёки Тинчлик”, “Раққоса” асарларининг бадиий пластикасида рус ҳайкалтарошлари В.И.Мухина билан Ф.М.Матвеевларнинг услубий тажрибалари малакали ўзлаштирилганлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат Н.Кримская ўз ижодида уларнинг пластик йўналишларига тақлидан бўлса-да, моҳирона ёндошган. Шу сабабли образни жисмоний мукамал кўринишда

тамошабинга етказиб бера олган. Унинг тошкент “Хореография” билим юрти биносига ишлаган мураккаб ҳатти-ҳаракатли бўртма тасвирларида ҳам шу йўналишнинг таъсири сезилиб туради. Ҳайкалларнинг ифодавий талқинида нафис пластик-анатомия ҳаракатга уйғун бажарилганлиги билан диққатлидир.

Я.Кучис раҳбарлигидаги ташкилий гуруҳ томонидан 1949-йилда Алишер Навоий номли кутубхона биносига ишланган бир неча ёзувчиларнинг бўртма тасвирлари, А.Аҳмедовнинг 1960-йили Наманган вилояти, Чуст туманига ўрнатилган “Абадийликка кетувчилар”, Р.Авакяннинг Андижон ва Фарғона вилоятларида барпо этилган иккинчи жаҳон уруши қурбонларининг ёдгорлик ҳайкаллари ҳам мазкур давр маҳобатли ҳайкалтарошлиги ривожига муносиб ўрни бор. Бироқ, “1960-йилларда бетон ва гипсдан бажарилган кам сонли маҳобатли ҳайкаллар афсуски, ўртаҳол даражадан кўтарила олмади” [2.2. Б. 225.].

Юқоридаги маълумотлар 1950-1960-йиллардан Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигида ижодий силжиш бошланганлигини кўрсатади, унинг жиддий ривожланиш жараёни эса 1970-80-йилларда юзага келди. Ушбу даврда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аскарлар шахсини хотирлаш масаласига эътибор янада ортди. “Бунинг натижасида маҳобатли тарғиботга эҳтиёж кучайиб, ватан уруши воқеаларига аталган ёдгорликларга янги сифат бериш вужудга келди... Бир-неча юзлаб ва минглаб унча катта бўлмаган ёдгорликлар усталар томонидан моҳирона бажарилиб, шаҳар, мактаб, колхоз бошқармаларига ёдгорликларни иштироки фаол қабул қилинди, ҳар-бир янги мемориал нишонларни ноёблигига интилиш – маҳобатли санъатнинг барча таркиби, тузилиши ва характери таъсир қилди” [Қаранг. 2.27. Б. 225.]. 1970-йиллардан иккинчи жаҳон уруши қурбонларига аталган ёдгорликларга буюртмаларнинг кўпайиши мемориал ҳайкалларга талабни оширди. Пировардида ушбу жаҳоннинг изчиллик билан ривожланиши, ҳатто устивор тамойил даражасига қадар етди. Шу боис, ҳайкалтарошлик асарларининг ғоявий хизмат доираси кенгайиб, у чекка қишлоқ ва жамоа ҳўжалиги

бошқармаларигача кириб борди. Мазкур санъат турини, хусусан, меъмориал жанрда бажарилган ёдгорликларни ноёб санъат маҳсули сифатида қабул қилиш шаклланди. Бу омиллар ўз навбатида 1970-80-йиллар Ўзбекистон меъмориал ҳайкалтарошлиги ривожини таъминлашга асос бўлди.

Бироқ ушбу жанрга эҳтиёжнинг ҳаддан зиёд ортиши ва назорати бўйича жиддий чоралар кўрилмаганлиги оқибатида талайгина муаммолар ҳам юзага келди. Масалан, ҳайкалтарошлик ихтисослигига эга бўлмаган хаваскорлар томонидан паст савияда бажарилган юзлаб йирик, минглаб ўрта ўлчамли меъмориал ёдгорликлар Республиканинг кенг географик ҳудудларига ёйилди. “Уларни аниқлаш учун Ўзбекистондаги меъмориал ёдгорликларни уч гуруҳга бўлиб изоҳлаш мумкин. Биринчи гуруҳ таркибига маҳоратли ҳайкалтарошлар ва меъморлар ижодига тегишли ёдгорликлар киради. Иккинчи гуруҳга хаваскор усталар – мактаб ўқувчилари (уюшган), ишчилар, аскарлар, халқ усталари томонидан яратилган ҳайкаллар мансубдир. Учинчи, кўп сонли ёдгорликлар гуруҳига буюртмачиларга муаллиф сифатида ўз номларини сир тутган шахслар ижодига тегишли ҳайкаллар киради” [6.2. Б. 6.]. Биринчи гуруҳдан ташқари қолган икки таркибдаги хаваскор ҳайкалтарошлар ижодий маҳсулидан иборат кўплаб сифатсиз ёдгорликлар юқорида таъкидланган муаммонинг бош сабаби бўлди.

Меъмориал ҳайкалларда эскирган ва маълум қолиб асосида ижодкорлар онгида ўрнашиб қолган ижодий ёндошувнинг ҳукум суриши асосий муаммога айланди. Ҳайкалтарошлар учун меъмориал ёдгорлик анъанавий тарзда жанг сюжетлари билан ҳамоҳанг бўлган аскар сиймоси ёки аёл образи мисолида ватан тимсолини ифодаловчи такрорий ёндошувлар кенг кўламни ташкил этади. Г.Бобожонова шу хусусда: - “Меъмориал жанрдаги уруш ғалабачилари ҳайкаллари, мотамсаро она, шаҳидлар меъморий тош ёдгорликларида вужудга келган ўзгармас таркибий унсурларга эргашиш, бир қолиблик ечимга мойиллик изидан боришга барҳам бериш керак” [6.3. Б. 65.]. деб, ўринли таъкидлаган. Чунки бу тахлитдаги ижодий жараённинг ҳукум суриши – маҳобатли ҳайкалтарошликда услубий

бир хилликни юзага келтириш билан бирга, ранг-баранг ва бетакроп ёндошувлар шаклланишини мураккаблаштирган.

Бундай ёдгорликларга эҳтиёжнинг юқорилиги ва буюртмаларни тезкорлик билан барпо этилиши оқибатида айрим чекка ҳудудларда натуралистик характерли бадиий бўш ёдгорликлар пайдо бўлиб, соҳанинг ривожланиш даражасига салбий таъсир кўрсатди. “Бир томондан, бу нарса ҳайкалтарошлар учун яхшигина тажриба бўлди, иккинчи томондан эса, анашу ёдгорликларнинг шошқалоқлик билан ўрнатилиши ҳайкалтарошларнинг ижодий имкониятларини чегаралаб қўйди” [3.15. Б. 11.].

Юқоридаги ҳайкаллар таркибига Павел Ивановнинг “Рельефли фриз” (Фарғона почта биноси, аллюмин, 1970 й), Рашид Сулаймоновнинг “26 та учувчи - қаҳрамонлар” (Андижон, бетон, медь, 1975 й), “Улуғ ватан уруши ёдгорлиги” (Андижон, бетон, 1985 й), Барно Шодиеваннинг “Мотамсаро Она” (Хоразм, бетон, мрамар, базальт, 1978 й), Виталий Рутчиннинг “Улуғ ватан уруши ёдгорлиги” (Фарғона, бронза, мрамар, бетон, 1976 й), “Улуғ ватан уруши ёдгорлиги” (Бухоро, бетон, бронза, 1976 й), “Улуғ ватан уруши ёдгорлиги” (Зомин, бетон, 1978 й) ва бошқа кўплаб ёдгорликларни киритиш мумкин.

Меъмориал ҳайкалтарошликда гарчанд кам сонли бўлса-да, намунали асарлар ҳам мавжуд бўлганини таъкидлаш керак. Масалан, Чирчиқ шаҳрида улуғ ватан уруши қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик (Ю.Киселев, меъм: С.Сутягин, Ю.Клепиков) ўзига хос ноанъанавий композицион ечими билан ажралиб туради. У мазкур жанрнинг муаммога сабаб бўлган ёндошувларидан тубдан фарқ қилувчи рамзий композицион ҳолатда бажарилган. Асарда самога томон бир тартибда кўтарилаётган турналар ва учишга ожиз ҳолатда талпинаётган жароҳатли ёлғиз турнадан иборат мажмуавий кўриниш тасвирланган. Шунингдек, Фарғона шаҳрида (П.Иванов, М.Иванов), Жиззах вилоятининг Зомин туманида (В.Рутчин, П.Асеев), Тошкент вилоятининг Пойарик туманида (В.Дегтярев), Гулистон

шаҳрида (Ю.Колесников), Ғиждувон туманида (А.Мазитов) барпо этилган йирик ёдгорликлар ҳам шу каби асарлар сирасига киради.

“1970-йилда Маданият Вазирлиги қошида ҳайкаллар ишлаб чиқариш комбинатининг пайдо бўлиши Москва, Ленинград бадий комбинатларига мурожаат этмаган ҳолда, маҳаллий шароитда турли ашёлардан ҳайкаллар яратиш имконини берди” [6.4. Б. 114.]. Бу ҳол Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлиги ривожини учун яна бир енгиллик яратиб, маҳобатли ҳайкалтарошликка бўлган эҳтиёжларни бажаришда муҳим аҳамият касб этди. Пировардида маҳобатли ҳайкаллар мамлакатимизда бажарилиб, соҳа ривожини янада тезлашди.

1970-йиллар маҳобатли ҳайкалтарошлигида тарихий мавзули асарлар ҳам аввалги мавқеъидан кўра ривожлана бошлади. Узоқ ўтмишдаги алломаларимиз образлари бўйича танловлар эълон қилиниб, маҳаллий ҳайкалтарошлар унга жалб этилди. Жумладан, 1970-йили Мирзо Улуғбек ҳайкали учун лойиҳалар танловида биринчи ўринни ҳеч бир ҳайкалтарош кўлга кирита олмади, Мухтор Мусабоев варианти иккинчи ўринга сазовор бўлиб, ғолиб топилди ва 1972-йили Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек обсерваторияси ёнига ўрнатилди. Классик услубда таъсирчан бажарилган мутафаккир образини ички ҳиссий ифодага бой бўлиб, ички ва ташқи жиҳатдан салобатли кўринишда ижод қилинди. Мухтор Мусабоев ижодига мансуб “Ал-Беруний” ҳайкали 1974-йили Тошкент шаҳрига, “Ал-Хоразмий” ҳайкали эса 1975-йили Хоразмга ўрнатилди. Мазкур ёдгорликлар илк маротаба маҳаллий ижодкор томонидан яратилган асар сифатида Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигининг миллий ривожига муносиб хисса бўлиб қўшилди.

Бироқ, бу борада ҳам айрим муаммоли масалалар мавжудлигини айтиб ўтиш жоиз. Чунончи, 1970-80-йилларда яратилган тарихий жанрли ҳайкаллар миллий талқинини бўйича муайян собиқ мафкура назорати остида холис ифодасини топмаганлиги билан бирга, марказий майдонларга ўрнатилиши кузатилмаган. Мамлакатнинг асосий диққатга сазавор

жойларига (сиёсий майдонлар, шоҳ кўчалар ва б.) собиқ иттифок йўлбошчилари ҳайкаллари қўйилган. Шўролар жамиятини мадҳ этиш, унинг етакчи вакиллари улуғлашга қаратилган бундай ҳайкаллар ҳар томонлама – ифодавий бадиий талқини ва ҳудудий ўрнатилиши жиҳатидан устивор бўлган. Иккинчи, яъни, кейинги мақомдаги миллий образлар эса муассасалар бинолари ҳовлисига ўрнатилганлиги [изоҳ 6], бадиий ва пластик ифодасининг мунгли қиёфадорлиги билан фарқ қилади. Уларнинг талқинида улуғворлик, даъваткорлик, пешқадамлик ва раҳнамолик сифатларини ифодалаш етакчи бўлмаган. Балки, умумий кўриниш жиҳатидан маънос ҳолда бошини қуйи эгган тарзда тасвирланган. Кўриниб турганидек, 1970-80 – йилларда сиёсий марказларга миллий образларни ўрнатиш масаласи катта ўрин эгалламаган. Бундан ташқари улар миллий бадиий ифодавий жиҳатидан ҳам ҳолисона ифода этилмаган. Масалан Хоразмнинг Ичан қалъа дарвозаси ёнидаги “Ибн Сино” ҳайкали гарчанд пластик ечими ва бадиий ифодаси бўйича мукамал бажарилган бўлса-да, буюк мутафаккирга хос кўринишда ишланган дейиш қийин. Чунки, унинг ўтирган ҳолатдаги ерга энгашган кўринишида ярим ётган қиёфани ифодаловчи пластик хусусияти образ моҳиятини очиб беришга мос келмайди. Шунингдек, қадимги гирек классик санъати услубларига мойил бўлган алломанинг умумий тасвирий-объектив қиёфаси ўз даврининг миллий либосидан бегона ҳолатда бажарилган. Гоявий-ифодавий жиҳатдан гўё ҳижрон азобида ҳаёт кечираётган шахс сиймоси намоён этилаётгандай таъсурот уйғотади. 1980-йиллари Бухорода ўрнатилган “Ибн Сино” ҳайкалида ҳам шунга яқин ҳолат кузатилади. У Хоразмдаги ёдгорлик каби ярим ётган кўринишдан мустасно бўлса-да, бироқ, ҳайкални пластик ҳаракатида мейёридан ортиқ даражада қаддининг букилиши яққол кўзга ташланиши билан бирга, қадимги грек ҳайкаллариининг услубий ёндошувини эслатади. Бу ҳол томошабин нигоҳида тасвирни биринчи планда қабул қилиниши нуқтаи назаридан мутафаккир образи учун ноҳосликни келтириб чиқаради. Мазкур ёндошувли ҳайкаллар айнан шу жиҳати билан биринчи тоифали ҳайкалларга хос сифатлар

(улуғворлик ва мағрурлик)дан холилиги билан ажралиб туради. Бундай кўринишдаги ҳайкаллар билан собиқ ҳукумат йўлбошчиларининг улуғвор ҳайкаллари қиёсланса, орадаги фарқ яққолроқ кўзга ташланади. Собиқ даҳолар ҳайкаллари ҳеч бир ҳолатда ерга энгашган кўринишда ифодаланмаган, аксинча, мағрур қиёфада тасвирланган. Бироқ, ўрта асарлар жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган ва номи кенг миқёсда тарқалган буюк сиймолар ҳайкали эса қадди кўркамлик, улуғвор қиёфалик кўринишга эҳтиёжлидир.

1970-йилларда уч ўлчамли маҳобатли ҳайкалтарошликдан ташқари, меъморий безакли, боғ-ҳиёбон турлари ҳам ривожланди. Ўзбекистонда шаҳарсозликни ривожланиши безакли ҳайкалтарошликнинг эҳтиёж манбаига айланди. Ўзбекистоннинг шаҳар ва туманларида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари, дам олиш масканлари қурилишини кенгайтириши безакли ҳайкалтарошлик ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, метро бекатларини бадий кулолчилик асосида бўртма тасвирлар билан безаш ишлари кенг йўлга қўйилди. Улар орасида “Алишер Навоий” метро бекати таниқли рассом Чингиз Аҳмаров билан ҳаммуаллифликда [изоҳ 7] ҳайкалтарош Аҳмад Шаймуродовлар томонидан безатилиши алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ишланмалар икки моҳир санъаткор бадий тафаккурида сайқаллангани боис бадий жиҳатдан пухта бўлиб, ранглар уйғунлигида ғоят нафис бажарилган. Шунингдек, А.Навоий номидаги Ўзбекистон адабиёти ва санъати музейининг зали ва деворларини бадий безаб турган А.Шаймуродовнинг (1970 й) устоз ва шогирд мавзусидаги Навоий ва Жомий туркумидаги думалоқ ва бўртма тасвирлари ҳам меъморий безакли ҳайкалтарошлик намуналаридандир.

Мазкур даврдан бошлаб мамлакатнинг истироҳат боғлари, турли сайилгоҳ ва оромгоҳларига анималистик жанрда бажарилган (кўпроқ кийик, буғи, тоғ эчкиси ва б) безакли ҳайкаллар барча ҳудудларга кенг тарқалди. Бундан ташқари турли соҳа биноларининг катта заллари ва ҳовлиларига ҳам ўша жойнинг фаолияти билан ташқи муҳитни ўзаро боғловчи ҳайкаллар

кўйилиши кузатилади. Масалан, Тошкент хирургия шифохонаси ховлисига “Ибн сино” (Ю.Кселев), Намангандаги Алишер Навоий номли театр биноси ташқарисига Навоийнинг Хамса асари қаҳрамонлари (И.Жабборов, 1986 й, мис), Чорбоғ сув омборига “Фарход” (Р.Немировский, бетон, 1971 й) ҳайкалари ва шу каби ижтимоий муассасалар фаолияти билан боғлиқ маҳобатли ҳайкаллар ўрнатилиши ривожланди.

1980-йиллар ўрталаридан ноанъанавий бадиий кулолчиликда замонавий пластик йўналишларнинг шиддат билан ривожланиши ҳам боғ-ҳиёбон безакли ҳайкалтарошлигига ижобий самара берди. Мазкур йўналишли асарлар нафақат ўзининг замонавий хусусияти билан аҳамиятли бўлди, балки ашёларининг хароратга чидамлилиги ва узоқ муддатлилиги билан соҳа ривожига айна муддао бўлди. Айниқса Республика ҳайкалтарошлик ва боғ-ҳиёбон кулолчилиги симпозиумларида сараланиб олинган пластик асарларни Тошкентнинг турли ҳиёбонларига ўрнатилиши шаҳар муҳитини ўзига хос бадиий эстетик воситалар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридаги таъкидлардан анлашиладики, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги ижодий ривожланишнинг муҳим палласига кириб келди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ иттифок халқлари умуммаданий жараёнини шакллантириш, барча миллатларни ягона маданият таркибида жипслаштириш сиёсати натижасида ноанъанавий санъат тури ҳисобланган ҳайкалтарошлик ривожи учун муҳит зўрайди, унинг маданий-ижтимоий ҳаётга алоқадорлиги ортиб борди. Соцреализм услубий характериға эға бўлган дастгоҳли ҳайкаллар кўргазмали фаолиятининг жадаллашиши ҳамда инқилобий ва иккинчи жаҳон уруши воқелигига асосланган ёдгорлик ҳайкалларнинг чекка ҳудудларгача (туман марказлари, жамоа ҳўжалик идоралари, қишлоқ кенгаши бинолари, мактаб ва маданий дам олиш уйлари биноларига) кириб бориши ушбу санъат турини кенг тарғиб этишға ҳамда шу аснода ривожланишиға хизмат қилди. 1950-йиллар ўрталаридан маҳаллий ёшлар томонидан ушбу мутахассисликни ўрганилиши

мазкур санъат тури бўйича жиддий кўникмалар пайдо бўлганлигини англатади. Мазкур омилларга кўра 1960-йиллар охири 70-йиллардан замонавий ривожланиш имкониятларининг кенгайиши сабабли ривожланиш собқичи бошланди. Бу имкониятлар озиғида ҳайкалтарошлик XX асрнинг биринчи ярим йиллигидаги мураккаб кечинмали шаклланиш жараёнидан тамомила халос бўлиб, тасвирий санъатнинг фаол соҳалари қаторидан ўрин эгаллади.

1970-йиллардан шаҳарсозлик ва меъморликнинг замонавий қиёфа касб этиши, маҳобатли-безакли ҳайкалтарошлик ривожининг табиий эҳтиёжини таъминлади. Интерьер ва фасадларини бўртма тасвирлар билан зийнатлашга мойил бўлган қурилиш иншоотларининг кўпайиши натижасида безакли соҳага талаб ортиб, рельефли ҳайкалтарошлик ҳам ўзига хос тезликда ривожланди.

Юқоридаги мулоҳазалар шуни англатадики, 1970-йиллардан Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги жадал ривожланиш босқичига кириб келди. Бу соҳада узоқ йиллардан буён ривожланишга ҳалал бераётган барча муаммолар ўз ечимини топса-да, бироқ ижодий жараёнда мафкуравий омиллар билан боғлиқ айрим муаммолар ўз кучини йўқотмади. Масалан, дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг мавзули жанрида объектив воқеликка нисбатан соцреализм тамойили нуқтаи назаридан ёндошиш, маълум белгили ижодий доирадан четга чиқмаслик ёки коммунистик ғоявийликни мажбурий композицион асосга сингдириш ҳоллари учраб турди. “Социалистик реализм назарияси образли англашнинг чегараланган услубларини тасдиқ этди. Рассом “социалистик” воқеликка мослашиши, ҳаётий ҳақиқатга фақат коммунистик мафкура нуқтаи-назаридан ёндошиши зарур эди. Шунинг учун ҳаёт ҳодисаларини шахсий тафаккурдан ўтказиш шахсиятпарастлик ва ёд фикрлаш деб ҳисобланар эди” [3.14. Б. 24.]. Албатта бу ҳол мавзули ва маиший жанрларда эркин бадиий тафаккурга берилишни маъқулламагани ҳолда бир хил мазмундорликдан иборат торроқ доирада фаолият юритишга ташвиқ этди. Масалан, А.Ивановнинг “Звеночи” (гипс, 1951 й),

А.Бойматовнинг “Октябрга биринчи кадам” (пластилин, 1988 й), “Ғолиб болалар” (бронза, 1985 й), “20-чи йиллар” (гипс, 1980 й), М.Мусабоевнинг “Халқлар дўстлиги” (гипс, 1972-73 й), Я.Шапиро “Кетувчи”(гипс, 1967 й), Ҳ.Ҳусниддинхўжаевнинг “Механизатор-қиз” (бронза, 1980 й), Т.Эсоновнинг “Колхозчилар” (медь, выколотка, 1980 й), Р.Авакяннинг “Октябрга биринчи кадам” (шамот, 1986 й), Н.Банзеладзенинг “20-чи йиллар” (шамот, 1986 й), Л.Рябцевнинг “Шарқ аёллари озодлиги” (бронза, 1987 й), У.Мардиевнинг “Мўл ҳосил” (тош, 1984 й), “Добровольцы” (шамот, 1985 й), Ж.Миртожиевнинг “Ёш бригадир - Аҳмедова” (бронза, 1987 й), “Ёш бригадир - Б.Ибрагимова” (бронза, 1987 й) каби ҳайкалларни шу характер билан баҳолаш мумкин. Бу албатта ривожланган босқич дастгоҳли ҳайкалтарошлиги бўйича жиддий салбий бурилиш ясамади, ички услубий-ифодавий муаммо эканлиги билан эътирозли фикрларга сабаб бўлди.

Умуман айтганда эса:

- 1950-йиллар охири 60-йиллардан ижодий куч имкониятларининг пайдо бўлиши, ҳайкалтарошликни ривожланиш палласига олиб кирди.
- Унинг дастгоҳли турида реализм тамойили устивор бўлиб, портрет ва тўлиқ фигурали асарлар яратиш асосий ўрин эгаллади.
- Маҳобатли турида рус ижодкорлари томонидан яратилиб, сиёсий марказларга ўрнатилган собиқ партия йўлбошчилари ёдгорликлари кенг тарқалди. Миллий мавзулар бўйича ҳам эътиборга лойиқ айрим асарлар ўрнатила бошланди. Бироқ, бадиий маҳоратининг бир қадар сустлиги ва кам сонлилиги билан рус ҳайкалтарошлари асарларидан фарқ қилувчи мазкур асарларнинг миллий ривожланишга жиддий таъсири сезилмади.
- 1970-йиллардан ҳайкалтарошлик ривожланиш босқичига эришди. Бироқ, ижодий жараёнга хос натижаларни бугунги кун нигоҳи билан икки томонлама баҳолаш лозим кўринади: биринчидан – соҳада ўзига хос касбий малака ва техник ёндошув пухта ўзлаштирилди. Жаҳон реалистик мактаби анъаналари бўйича етарли кўникма ҳосил қилинди;

иккинчидан – ривожланиш суръати қанчалик юксак бўлмасин, ижодий жараёнда собиқ мафкуравий ёндошув ҳукумронлиги асарларнинг ғояси ва пластик ечимига ўз таъсирини ўтказди. Шу боисдан ҳам 1970-80-йилларда Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги етарли даражада имкониятларга эга бўлгани ҳолди, миллий мавқеъини мустаҳкамлаши қийин кечди.

- Дастгоҳли турида кўплаб ижодий тамойиллар ва услубий ёндошувлар муносиб ўзлаштирилди. Хусусан, реализм, импрессионизм, классицизм ҳамда янги замонавий йўналишларга мурожаат этиш кузатилди. Масалан, портрет ва тўлиқ фигурали асарлар кўпроқ реализм, айрим ҳолларда эса импрессионизм йўналишида амалга оширилди. Эркин мавзули композицион ҳайкаллар 1980-йиллардан жадаллашди.
- Маҳобатли турида иккинчи жаҳон уруши қурбонларига ёдгорликлар ўрнатишнинг жадаллашуви пировардида мемориал ҳайкалтарошлик тезлик билан ривожланди. Пойтахт, вилоят ва туманлар марказларида шу йўсинли ёдгорликлар ўрнатилди.
- 1970-80-йилларда Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги касбий маҳорат ва малакавий тажрибаларни қўлга киритиб, миллий ривожланиш бўйича дастлабки пойдеворни шакллантириш даврини босиб ўтди.

III БОБ

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ

III.1. Ўзбек миллий ҳайкалтарошлигининг янги ижодий босқичи

XX-асрнинг 90-йилларига қадар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги кўпмиллатли халқлар ҳайкалтарошлиги билан ўзаро диалектик муносабатлар асносида шаклланиб, ўзига хос касбий-ижодий тажриба кучига эга бўлди. Бироқ, ижодий майдонда бу соҳани миллий мактабини тўлиқ шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси ўз ечимини батамом топмаган эди. 1991-йилдан Ўзбекистонни мустақилликка эришиши билан мазкур муаммоларни бартараф этиш имкони юзага келиб, ўзбек ҳайкалтарошлик мактабини ривожлантириш босқичига йўл очилди. Мазкур соҳадаги ижодий изланишлар янги мафкуравий мезонларга мувофиқлиги боис, ҳайкалтарошлик миллий мақоми юксала бошлади.

1990-йилларга келиб Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида муҳим ижодий жараён ўзгаруви рўй берди, миллий ижодий ёндошув устивор бўлган янги босқич бошланди. Бунинг негизида, соҳани миллий мақомини мустаҳкамлаш, келажакда эса маҳаллий мактабини яратиш имконияти қўлга киритилди. Қуйида Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг мазкур тарихий янги босқичи ёритилади.

XX-асрнинг сўнгги ўн йиллигида Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги янги ижодий босқичга эришиши учун қулай вазият юзага келди. Маълумки, ҳайкалтарошлик бу даврга қадар тўла шаклланиб, муносиб даражада ривожланган бўлса ҳамки, ҳанузгача том маънода миллий мақомини мустаҳкамлаб улгурмаган эди. Кўпмиллатли халқлар санъати характеридан мутлоқ айри йўлдан боришига даврнинг сиёсий-мафкуравий ҳамда бадиий-маданий ҳукумронлиги имкон бермаган эди. Гарчанд, 1970-йиллардан тарихий шахсларнинг маҳобатли ҳайкаллари ўрнатилган бўлса-да, бироқ, улар монументал санъатга хос улуғвор бадиий талқинга муҳтож бўлган. Шу

билан бирга: – “Уларда кўпинча юртимизга, халқимизнинг ҳаёти ва кадриятларига мутлақо даҳли бўлмаган, имри бино бўлиб Ўзбекистонга кадам босмаган зотларнинг қиёфаси акс эттирилар эди” [1.7. Б.148.]. Ўзбекистон 1991-йилдан давлат мустақиллигига эришиши билан мана шу вазият тубдан ислоҳ қилинди. Маҳобатли ёдгорликларнинг мазмун моҳияти, пластик шаклу-шамойили ва бошқа ижодий ечимида илк бор миллий туйғу устиворлиги етакчи ўринга кўтарилди. Бу албатта, соҳани янги ижодий тартибда ривожлантириш фурсати пайдо бўлганлигини англатади. Айни пайтдаги бош вазифа собиқ тузум таъсирида ривожланган ҳайкалтарошликни ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ислоҳ қилиб, янги босқичга олиб чиқиш масаласига қаратилди. Шу боис унинг аввалги услубий ёндошувларига барҳам бериб, пластик хусусиятларини янгилаш, шунингдек, унга замонавий қиёфа бағишлаб маҳаллий руҳда ривожлантириш ҳар томонлама долзарблигини кўрсатди.

Натижада истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўзгаришларга бой бўлган, таъбир жоиз бўлса, том маънода ижодий янгиланиш даври бошланди. Жамият ҳаётининг ўтиш даври мураккаблигига қарамай, янги ривожини таъминлаш, миллий санъатимизнинг таркибий қисмидаги ўрнини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

Юқоридаги ижодий имкониятларга асосланиб мазкур тадқиқотда 1990-йиллардан кейинги давр миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичи деб, белгиланди. Бу бежиз эмас, албатта, агар маҳобатли ҳайкалтарошлик тарихий ҳақиқатларга кўра жамиятнинг мафкуравий эҳтиёжлари билан ҳамоҳанг ривожланишини назарда тутсак, 1990-йиллар Ўзбекистон тарихида мустақил давлат номи билан юритилувчи янги даврнинг бошланиши – илгари сурилаётган ижодий босқични кафолатловчи асосдир. 1991-йилга қадар соҳани миллий санъатимиз кесимида тадқиқ этилмаганлиги, собиқ тузумнинг мафкуравий тўсиқлари туфайли жиддий хулосалар чиқарилмаганлиги пировардида унинг аввалги мавқеъи ўз кучини сақлаб келди. Натижада миллий мақомда ривожланаётганлиги

санъатшунослар нигоҳидан четда қолиб, тасвирий санъат турлари орасида эътибор қозониши секинлашди. Зотан, чиндан ҳам жамиятимиз миллий давлатчилик қуриш даврини босиб ўтаётган экан, демак шак-шубҳа йўқки, маҳобатли ҳайкалтарошлик бу жараён билан уйғун ҳолда ривожланади. Зеро, “Ёдгорликлар – умуминсоният наздидаги буюк шахслар, маълум тарихий давр ғоясини белгиловчи воқеалар ифодаси ҳамда ғоявий жиҳатдан юксак ижтимоий-сиёсий мазмундорликни тарғиб этишга хизмат қилади” [2.5. Б. 24.].

Бу босқичнинг дастлабки пайтларида янги истеъдод эгаларини топиш ва ижодий куч-имкониятларни мустаҳкамлаш борасида айрим қийинчиликлар юзага келганлигини ҳам қайд этиш керак. Бироқ, бу масала 1997-йили Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этилгандан кейин ўз ечимини топа бошлади. Камолидди Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида янгича фикрлайдиган, замонавий санъат йўналишларига ўз муносабатларини билдирадиган тажрибали ёш ҳайкалтарошлар секин-асталик билан ижодий жараёнга муносиб куч сифатида қўшилмоқда.

Ҳозирдан қўйилган ижодий пойдевор унинг келажак мавқеъини юксалтиришига муносиб восила бўлади. Бинобарин, эришилган натижаларга тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда мавжуд ижодий кучларнинг маҳорат даражасини аниқлаб олиш лозим. Бу ўринда қуйидаги масалаларга чуқурроқ ёндошиш талаб этилади. Чунончи, 1950-80 – йиллардаги йирик буюртмалар асосан рус ҳайкалтарошлари, айрим ҳолларда эса Ф.Грищенко, А.Бойматов, А.Шаймуродов, М. Мусабоев, Р.Авакян ҳамда бошқа кекса ва ўрта авлодлар томонидан бажарилиши оқибатида миллий кадрларнинг аксарияти оммавий равишда дастгоҳли соҳада фаоллият юритиб келган. Бу ўз навбатида маҳаллий ёшларни маҳобатли соҳада жиддий кўникма ҳосил қилишига ҳалал берган сабаблардан бири эди. Мана шу ҳолат 1990-йиллар учун қуйидаги муаммоли вазиятни юзага келтирди. Ўша пайтда буюртма бажарган кам сонли кекса авлодларнинг ижодий кучдан қолиши дастгоҳли соҳа

вакиллари таянч кучга айлантирди. Пировардида, буюртма вазифалари жиддий тажриба тўплаб улгурмаган ҳайкалтарошлар зиммасига юкланди. Бу жараён 1990-йиллардаги барча ҳайкалтарошларни ижодий синовдан ўтказди. Ҳайкаллар ўрнатиш олдидан ўтказилган лойиҳалар танлови бу борада алоҳида аҳамият касб этди. Танловлар давомида янги истеъдод соҳиблари сараланиб, буюртмалар бажариш имкониятига эришдилар.

1990-йиллар бошидан мамлакат ҳудудини номаҳаллий ёдгорликлардан холи этиб, улар ўрнида миллий ҳайкаллар бунёд қилинди. Пировардида республиканинг шаҳар марказларида буюк мутафаккир-алломалар, адолатли ҳукмдор ва саркардалар, шунингдек бошқа кўплаб миллий мавзули ҳайкаллар ўрнатилиб, янги муҳитни шакллантиришга изчил киришилди. Бу жараён бир йўла янги истеъдод эгаларини ҳам саралаб берди. 1970-80-йилларда маҳобатли ҳайкалтарошлик бўйича ўз тажрибасини синаб кўрган Илҳом Жабборов, Камол Жабборов ва Жалолиддин Миртожиев, Анвар Раҳматуллаевлар эътибор қозона бошлади. Улар соҳанинг даврга хос эҳтиёжи ва масъулиятини қалбан ҳис этдилар. 1991-йилги тарихий воқеадан илҳомланиб, аждодларимиз сиймосини ихлос билан ишладилар. Янги мафкуравий эҳтиёжларга мувофиқ изланиш, образларни ҳалқчил равишда таъсирли, мозий руҳини ҳам ифодали ёритишга интилдилар.

Жумладан, Илҳом Жабборов янги тарихий даврнинг ғоявий йўналишларини бошқаларга нисбатан тезроқ тушуниб етди. Буюртмалар ижроси ўз ичига мустақиллик руҳини қамраб олиши ва миллий туйғуларни уйғотиши лозимлигини теран англаб етди. Натижада бажарган ҳайкалларида миллий кўтаринкилик, тантанавор ўзига хослик, айниқса, монументал ечимга жавоб бериши яққол сезилди. Зиммасидаги ижодий масъулиятга тўғри ёндошиши билан ҳайкалларга янги қиёфа сингдира олди.

Равшан Миртожиев ижоди ҳам бу борада муносиб аҳамият касб этади. У тасвирланувчининг ўтмиш ҳаётида муҳим ўрин эгаллайдиган лавҳалар ҳамоҳанглигида ижод қилди. Бадиий ифода йўлларида раво фойдаланиб,

композицион тузилишда миллий ёндошувни фаолият устуни деб, билди. Шу характер билан йўғрилган “Мирзо Бобур” (Андижон, 1993), “Абдулла Қодирий” (Тошкент, 1994), “Чўлпон” (Андижон, 1997), “Абдурауф Фитрат” (Бухоро, 1997), “Элбек” (Тошкент, 1998) ва бир неча “Мотамсаро она” ҳайкаллари таъкидлаш мумкин. У 1980-йилларда тажрибали ҳайкалтарош Ф.И.Грищенко раҳбарлиги остида бадиий таълимни мукамал эгаллаганлиги асарларида ўз тасдиғини топди. Ижод майдонига 80-йиллардан кириб келган бўлса-да, асосий баркамоллик даври 1990-йиллардан бошланишини амалда кўрсатди. Ҳайкалтарошликнинг ҳар икки соҳаси – маҳобатли ва дастгоҳли тури бўйича баракали меҳнат қилди. Жалолиддин Миртожиев яратган асарлар шеърятга хос ифодавийлик ва енгил “оҳангдорлик” хусусиятларига бойдир. Унинг ушбу фазилатлари хорижий давлатлар эътиборини ҳам тортди, сўнгги пайтларда Россия (“Ҳазрат Навоий” 2002 й, “Мирзо Улуғбек” 2002 й), Япония (“Алишер Навоий”, 2003 й), Хитой (“Қамоллиддин Бехзод”, 2003 й), Миср (“Ал-Фарғоний”, 2007 й) давлатлари учун буюртмалар бажарди. Жалолиддин Миртожиев ижодига мансуб барча асарлар шунинг кўрсатадики, у кенг бадиий мушоҳадаси билан реалистик услуб анъаналарининг ўз ҳиссиётлари билан уйғунлаштириш оладиган ҳайкалтарош сифатида шаклланиб келмоқда.

1990-йилларда этакчи ўринга кўтаришган миллий ғояни ҳайкалларнинг бадиий ифодасига сингдириб, ўтмиш тарихимиз, маънавий-маданий меросимизни моҳиятан асл кўринишда тасвирлашга алоҳида ёндошилди. Алломаларни таваллуд кунларини тантанали равишда нишонлаш, йилларни аجدодларимиз номи билан аталиши доирасида уларга атаб ёдгорлик ҳайкаллар ўрнатиш анъана тусини олди. Натижада маҳобатли ҳайкалтарошликда тарихий жанр олдинги давр ёндошувидан фарқли равишда соҳанинг миллий мақомини ошириш бошланди.

Маҳобатли ҳайкалтарошлик асарларининг мукамаллигида композицион тузилиш ҳамда услубий бадиий савиядорлик масаласи муҳим

омил ҳисобланади. Зеро, ижодкор дастлабки ишни ҳам композицион тузилишдан, яъни умумий кўриниши, сюжет танланишидан бошлайди. Унинг эса ўзига хос назарий ва амалий томонлари мавжуд. Хусусан, ёдгорликнинг умумий пластик кўринишини маълум бир характерга асослаш, ёрдамчи предметларни асос қиёфага мувофиқ жойлаш назарий жиҳатини белгилайди. Бунда даставвал қиёфанинг умумий кўринишидаги контур чизиғи мукамал бажариб олинishi керак. Агар у ўринли топилган бўлса, шаклу-шамойили кўзланган мақсадни бера олади. Кейингина қиёфанинг ҳажмий-фазовий ҳолатини белгиловчи ёруғ-соя ўйинлари турли унсурлар воситасида амалга оширилади. Унинг композицион кўриниши мазкур назарий масалани амалга тадбиқ этилишига қараб баҳоланади”, деган мутахассис фикри ўринлидир. “Маҳобатли ҳайкалларнинг ташқи кўриниши ва шаклларнинг умуммутаносиблик ифодавийлиги уни узоқ масофадан идроклаш имконини беради, шу боис шакллар фазовий бўшлиқда йўқолиб кетмаслиги учун яхлит ва йирик кўринишда моделлаштирилади. Бунда персонажларнинг юз ифодавийлиги, реалистик ва унсурларнинг ишонарли бажарилиши асосий аҳамиятга эга”[2.5. Б. 16.].

Бу даврда ижобий ёндошув асосига қурилган композицион ечимли маҳобатли ҳайкаллар мавжуд, хатто олдинги давр ҳайкалтарошлигидан жиддий фарқланувчилари ҳам учрайди. Масалан, 1993-йили Тошкентда ўрнатилган “Амир Темур”, 1993-йил Андижонда ўрнатилган “Мирзо Бобур”, 1999-йил Термизда ўрнатилган “Алпомиш” ёдгорликлари фикримизни тасдиқлайди. Айниқса, “Мирзо Бобур” ёдгорлигини бу борада юксак композицияли ҳайкал десак, хато бўлмайди. Ҳайкалтарош образ ечими борасида эркин услубий изланиш олиб борганлиги учун у пластик санъатга хос кучли динамик шаклу-шамойилга бойдир. Ўзига хос романтик бадиий ёндошувли мазкур асарнинг композицион тузилиши айниқса диққатга сазавордир. Композицион ечимига кўра суронли воқеликни ифодаловчи бош қиёфанинг пластик талқини Мирзо Бобурнинг ички ҳиссиётларини ғоявий

жихатдан бўртириб кўрсатади. Унинг ватан соғинчи ва руҳий изтироблари шиддатомуз шакллар замирида гавдаланади.

Ёдгорликнинг ёрдамчи шакл воситалари образ ечимига ҳамоҳанг бўлган мазмундор илова хусусиятига эга. Унинг эркин ифода тили, шакл ва мазмун бирлиги маҳорат билан амалга оширилган. “Образ яратиш учун “Бобурнома” ва унинг ҳаётини ифодаловчи бошқа манбалар синчиклаб ўрганилди. бу жараён уч ой давом этди, шу аснода ҳайкал композицияси ижод қилинди.”⁷ Ижодкорнинг образ яратиш жараёнида пайдо бўлган ҳиссиётлари ёдгорликда ўз ифодасини топган.

Маҳобатли ҳайкаллар учун пластик тил равонлиги нечоғли муҳим бўлса, шакл талқинларининг бадиийлиги ҳам шунчалик зарурдир. Чунки, бу – асарлар савиядорлигига даҳилдор таянч кучлардан бири бўлиб, ғоявий мазмундорлик манбаи ҳисобланади.

Услубан реалистик тамойилларга монанд бўлган “Амир Темури” ёдгорлигининг бадиий композицион кўриниши ўзига хос тантанавор қиёфани гавдалантиради, шунингдек ортиқча бадиий ишловлардан ҳоли равишда



Мирзо Бобур. Р.Миртожиев, Андижон, 1993 й.

⁷ Жалолиддин Миртожиев билан ижодий мулоқат, 2002 й., 23-апрел.

ҳаётий кўринишни очиб беради. “Мирзо Бобур” ҳайкали бундан фарқли ўлароқ ўзига хос ноанъанавий шакллар талқинида бадиий ёндошувга бойдир. Асарда образнинг мазмун-моҳиятини “жонлантирувчи” восита, яъни кўшимча шаклу-шамойиллар умумий қиёфа билан вобасталашган. Унда ижодкор образ ифодавийлигида оширишда бадиий ёндошув масаласи ғоят катта куч эканлигини чуқур мушоҳада қилган.

1990-йиллар маҳобатли ҳайкалтарошлигида асосий ўринни реалистик услуб эгаллайди. И.Жабборов ва К.Жабборовлар ижодида бу услуб кўпроқ кўзга ташлансада, баъзи жиҳатдан декоратив ёндошувга хослик ҳам сезилиб туради. Масалан, “Амир Темури” (Шахрисабз), “Жалолиддин Мангуберди”, “Ал-Фарғоний” ҳайкаллари бунга мисол келтириш мумкин.

Ҳайкалтарош Ш.Усмонов ижодида ҳам реалистик услуб устиворлик қилади. Масалан, унинг “Абулғозийхон”, “Мотамсаро она” ҳайкаллари айтиш мумкин, “Абулғозийхон” ҳайкалида отнинг анатомик тузилишида номутаносиб кўриниш мавжуд бўлса-да, реалистик ёндошув бўйича ижобий натижага эришилган. Шунингдек, мотамсаро она ҳайкали ҳам шу мавзуда яратилган бошқа асарлар орасида реалистик аҳамияти билан ажралиб туради. Бухоролик ҳайкалтарошлар Қ.Норхўрозов ва У.Уроқовлар ижодида кўпроқ декоратив услубий ёндошув етакчилик қилади. Хусусан, “Она ва бола” (Бухоро, 1999 й., меъмор Р.Қ.Ахмедов), “Файзулла Хўжаев” (Бухоро, 1996 й., меъмор М.Ахмедов), “Авесто рамзий ёдгорлиги” (Термиз, 2001 й) декоратив услубга хосдир. Уларнинг ижодидаги мазкур ҳолат бежиз эмас, албатта. 1980-йиллардан Бухорода Баҳром Гулов, Ҳамро Зоировларнинг безакли ҳайкалтарошлик соҳасида олиб борган фаолияти улар ижодига ўз таъсирини ўтказган. Шу боис улар мураккаб реалистик шакл сезиш қобилиятидан кўра, шаклан яхлитликка асосланган декоратив ёндошувни ўз ижодларига устивор қўядилар.

Ж.Миртожиев ижодида миллий ўзига хос услуб сезилиши билан бирга, лирик кайфиятли ифодавий ёндошув ҳам кузатилади. Бу хусусиятлар унинг

”Фитрат” (Бухоро, 1996 й) ҳайкалидан ташқари аксарият ҳайкалларида кўзга ташланади, Абдурауф Фитрат ҳайкали эса реализм услубида бажарилган. Ж.Миртожиев ижоди кўпроқ романтик услубда намоён бўлиши билвосита буюртма мавзулари билан боғлиқдир. Масалан, И.Жабборов ва К.Жабборовлар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний каби шахслар буюртмасидан иборатлиги боис, уларнинг шахсиятига мувофиқ реалистик услубда ёндошув лозим топилган. Аҳамият берадиган бўлсак, 1990-йиллар маҳобатли ҳайкалтарошлигида саркардалар ва баъзи ҳукмдор-мутафаккирлар (Абулғозийхон, Мирзо Улуғбек (Тошкент)) образи реалистик, айрим ҳолларда натуралистик услубга яқинлик⁸ ҳамда зиёли ватанпарварлар⁹ ҳайкалларида эса лирик кайфиятга йўғрилиш сезилади. Агар мазкур услубларнинг бадиий маҳорат даражасига тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаш жоиз.

Реалистик услубда бажарилган ҳайкаллар қўйилган ғоявий мақсадларни акс эттиришда янги давр шароити нуқтаи-назаридан кўзланган натижаларни бера олади. Улар миллий ҳайкалтарошликни янги босқичда шаклланаётган дастлабки даври учун хосдир. Бу услубдаги ҳайкалларда жаҳон ҳайкалтарошлик мактаби тажрибаларини ўзлаштириб борилаётганлиги, миллий характер ифодасини пластик талқинда очиб бериш малакаси ўсиб бораётганлиги сезилади.

Соҳада эришилаётган мазкур ижодий ютуқлар билан бир қаторда, маҳобатли ҳайкалтарошликни ривожлантириш учун нафақат реалистик ва бошқа анъанавий йўналишларни мукаммаллаштириш лозим, балки, янги замонавий бадиий жараёнга ҳам мос келувчи услубий изланишларни пухта эгаллаш зарур кўринади.

Услубий масалалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1990-йиллар маҳобатли ҳайкалларида анъанавий ёндошувлар замонавий ғоявий бадиий

⁸ Масалан “Амир Темур” (Самарқанд), “Мирзо Улуғбек” (Нукус) ва кўплаб она ва бола, мотамсаро она ҳайкаллари таъкидлаш мумкин.

⁹ Қатагон қилинган ватандошларимиз.

пластика руҳида ривожлантирилди. Ҳайкалтарошлар реализм талабларига риоя этишлари етакчилик қилгани сезилади. Бу ҳол тасвирланувчининг шахсияти билан боғлиқ тарзда юзага келади. Масалан, саркардалар – реалистик, олим ёки аллома ва бошқа зиёлилар образининг бадиий тадқин негизини лирик ёндошув ташкил этади. Мазкур жараён 1990-2005–йиллар Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигида замонавий эркин пластик ечим тажрибасини ўрганиш, тадбиқ этиш ва ривожлантиришга бир мунча эҳтиёж сезади.

III.2. Маҳобатли ҳайкалтарошликдаги устивор ижодий тамойиллар

1991-йили Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши тасвирий санъатнинг муҳим таркибий қисми бўлган маҳобатли ҳайкалтарошликда туб ижодий ислохатлар даврини бошлаб берди. Бунда, ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи ва унинг азалий маданий-маърифий меросини шарафлаб, улардан фахрланиш туйғуларини кенг жамоачилик тафаккурига сингдиришни илгари сурувчи янги сиёсий маданият тартибининг қарор топиши катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, мазкур сиёсий маданият жамият ҳаётида етакчи ғоявий-мафкуравий даража касб этиб, санъат соҳаларини ҳам ўз таъсирига олди. Бу борада айниқса маҳобатли ҳайкалтарошликка кучли эҳтиёж пайдо бўлди ва тез орада иттифокдош миллатлар санъати тобелигида шаклланган ижодий ёндошувлар ўрнини соф миллий тамойиллар эгаллай бошлади. Хусусан, бу давр маҳобатли ҳайкалтарошлигининг янги ижодий тамойиллари қуйидаги таркибда намоён бўлди:

- буюк сиймолар шахсини шарафлаш;
- шахидлар номини хотирлаш;
- рамзий композициялар.

Буюк сиймолар шахсини шарафлаш тамойили – тарихий мавзули барча ҳайкаллар учун хос бўлиб, образлар тавсифига кўра турли характерга эгадир. Масалан, саркардалар образи – мардонавор қиёфали ва реалистик ифодали,

аллома ҳукмдорлар образи эса комил шахс сиймоли ва мумтоз ифодали кўринишда бажарилди. Ҳар икки характерли асарлар ўзининг муайян пластик услуби, композицион тузилиши ва образлар руҳий оламига хос хусусиятларига эга.

Чунончи, жаъсур саркардалар – “Амир Темур” (И.Жабборов, К.Жабборов, Тошкент (1993), Самарқанд ва Шаҳрисабз (1996)), “Жалолиддин Мангуберди” (И.Жабборов, К.Жабборов, Урганч, 1999) ҳамда афсонавий халқ қаҳрамони “Алпомиш” (У.Мардиев, А.Раҳматуллаев, Қ.Норхўро-зов, У. Уроқов, Урганч, 1999) ёдгорлик ҳайкалларида шун-дай фазилатлар мавжуд бўлиб, улар олдинги давр пластик ёндошувидан кескин равишда фарқ қилади. Бундан йигирма беш ўттиз йил олдинги тарихий мавзули образ-ларнинг пластик шаклу-шамойили шахс улуғворлигини холис ифода-лашга эҳтиёж сезган бўлса, энди-ликда бу масалада кескин бурилиш пайдо бўлди. Тасвирланаётган бу-юк сиймолар образида шахс улуғворлигини кўрсатилиши аввало пластик ёндошув орқали очиб берилди.



АмирТемур.И.Жабборов. Тошкент. 1993 й.

Тошкентдаги “Амир Темур” ҳайкалида [изоҳ 8] буюклик сиймоси унинг умумий композицион характерида ўз ифодасини топган. Амир Темур ҳайкалини от устида тасвирлаш ижодкордан кўплаб нодир намуналар билан



АмирТемур ҳайкали. Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов.Тошкент. 1993 й.

танишишни талаб этган. Чунки, отнинг пластик ҳолатини ифодалаш масаласи қийин жараёндир. Муаллифлар образга хос пластик ифодавийликни излаш жараёнида буюк санъаткорлар ижодига, тажрибасига мурожаат этиб, улардан олган таъсуротларини ўз ижодига сингдириб боришга ҳаракат қилди. Бу борада қадимги ва уйғониш даври классик ҳайкалтарошлиги намуналарининг пластик ечимини кузатиб, ўз ижоди билан уйғунлаштиришга интилганлиги сезилиб туради. “Амир Темур ҳайкалини яратишда мавжуд нодир намуналардан ижодий таассуротлар олинса-да, айнан фойдаланилмади. Чунки, бош образ талқини билан отнинг пластик ифодаси ўзаро уйғунлик талаб қилади. Бу уйғунлик от пластикасини ижодий изланиш орқали мустақил равишда ўзгача кўринишда талқин қилишга ундайди. Шу жараёнда эса кузатилган намуналарнинг қайсидир деталлари ҳизмат қилиши мумкин.”¹⁰

Ҳайкалнинг (олдидан кузатилганда) ўнг томондан кўриниши пластик шакл мутаносиблиги, ёруғ-соя ўйинларининг [изоҳ 9] характерли нуқтаси дейиш мумкин. Чунки, бундай кўринишидаги шакл ифодавийлиги кўзланган ғояни ёритиб беришда ўзига хос композицион тузилишга эга. Шунингдек, ҳайкални олд ва чап томонлама ярим кўринишларида ҳам образга хос ифодавийликнинг шаклан эътиборли ечимини кўриш мумкин. Уни фронтал ракурсдан кузатилишида образга хос дабдаба ва улуғворликни яққол сезиш мумкин. Айниқса, ҳайкалнинг умумий контур чизиқларида композицион тузилишнинг ютуқли жиҳатлари яққол сезилади. Ёдгорликнинг контур чизиқ бўйлаб ҳосил бўладиган ўзига хос бадиий хусусиятлари тунги чироқлар воситасида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Шу ўринда, 1993-йили мазкур ҳайкални ўрнатиш учун тақдим этилган лойиҳа муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримов ҳайкалнинг шаклу-шамойили, ғоявий ифодаси ҳамда монументал характери юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари катта аҳамиятга эга

¹⁰ К.Жабборов билан суҳбат. 2005-йил, 18-март.

эканлигини таъкидлаш керак. Чунончи, “Ҳайкалтарошлар тақдим этган вариантда Соҳибқирон қўлига найза тутган ҳолда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, “Соҳибқирон бобомиз қўлида найза эмас, отнинг жоловини тутиб тургани маъқул”, – деган фикрни билдирдим. Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки, салтанатда найза қўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жолов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туришни англатади” [1.7. Б.152].

Лойиҳа муҳокамасида яна: – “буюк аجدодимизнинг иккинчи қўлини баланд қўтариб, дунёдаги барча инсонларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилаётган аснода акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди” – деган тавсия ҳам инобатга олиниб, маҳорат билан амалга оширилган[1.7. Б.152-б.].



Амир Темур. И.Жабборов. Самарқанд, 1996й.

Амир Темур ҳайкалининг бадий ифодасида шунингдек, яна бир неча қиёсий маънолар мужассамдек туюлади. Жумладан, тинчлик ва осойишталик, адолат ва бунёдкорлик тимсолини ҳам англатади. Буюк шахс сиймосида аجدодларимиз руҳий мадади билан мустақил давлатда осойишта ҳаёт ҳукумронлигини акс эттириш билан бирга, собиқ совет ҳукумати даврида

Соҳибқирон шахсига нисбатан олиб борилган ноҳақ ташвиқотга барҳам берувчи ифодавий куч гавдаланган.

У мана шу хусусиятлари билан 1990-йиллар янги тарихий-мафкуравий руҳида яратилган маҳобатли ҳайкалларнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Зеро, умумий шакл талқинида миллий тикланиш, аجدодларимизга хос ванатпарварлик фазилатлари, шунингдек, улар руҳиятидаги комил сифатларни халқимиз руҳиятига сингдириш, ўтмиш билан янги даврнинг рамзий боғланишлари акс эттирилган. Амир Темурунинг дабдабали кўринишида шахсга хос хусусиятлар очиб берилган.

1996-йили Самарқандда ўрнатилган “Амир Темуру” ҳайкалида [изоҳ 10] соҳибқироннинг буюк ҳукмдор сиймоси пластик ифодасини топган. У таниқли мусаввир Малик Набиевнинг эталон (аслига яқин деб тасдиқланган) сифатида қабул қилинган асари асосида бажарилган. “Шу ўринда айтиш жоизки, Самарқанд шаҳрида ўрнатилган ҳайкалнинг дастлабки варианти ҳам ҳозиргидан биров бошқача эди. Унда соҳибқирон кўлида қилич ушлаган қиёфада тасвирланган эди. Мен бу масалага бағишланган сўнгги муҳокамаларнинг бирида бундай бадиий ечимга эътироз билдириб, “Тўғри, Амир Темуру давлат бошқарувида ҳарбий кучга ҳам таянган, аммо унинг ўнта ишдан тўққизтасини кенгашу машварат билан, қолган биттасини қилич билан битирдим, деган сўзларини унутмаслик керак”, деб, қилични Соҳибқироннинг ёнида қинига солинган ҳолатда акс эттириш лозимлигини таъкидладим. Чунки шунда унинг сиймосида, мен халқимнинг ҳимояси, юртимнинг мудофаси учун ҳар лаҳзада курашга тайёрман, лекин дунёда тинчлик-барқарорлик ҳукумрон бўлишини истайман, деган ғоя ўз ифодасини топган бўлар эди” [1.7.Б.154-б.].

Дарҳақиқат, ҳайкал лойиҳаси юзасидан билдирилган мазкур фикр-мулоҳазалар 1996-йили Самарқандда ўрнатилган Амир Темуру монументининг ғоявий-мафкуравий савиясини белгилаб берди. Шунга кўра ёдгорликнинг бадиий талқинида қудратли салтанатни ақл-идрок ва

донишмандлик билан бошқарувчи ҳукмдор сиймоси тасвирланган. Бу хусусият қаҳрамоннинг шоҳ курсида ўзига хос самимий ва теран кайфиятда ўтирган ҳолатида ёритилган. Ёдгорликда буюк Жаҳонгир қиличи устига икки қўлини алломаларга хос хассага таяниш ҳолатида қўйиб туриши бежиз эмас.

Бунда ўзига хос рамзий ва ҳикматли маънолар илгари сурилган. Чунончи, мазкур кўриниш аҳли дониш алломаларига мансуб хислатни акс эттиради. Масалан, худди шу каби мумтоз пластик кўринишни Маҳмуд Музаҳиб мўйқаламига мансуб “Алишер Навоий” мўъжаз асарида ҳамда Абдулҳақ Абдуллаевнинг “Алишер Навоий” картинасида ҳам кузатиш мумкин. Ҳазрат Навоийнинг бундай ҳолатдаги хассага таяниши донишмандлик белгисини англатади. Демакки, бу каби ифодавийлик Амир Темур сиймосида ҳам ўз аксини топган дейиш мумкин. Бундан ташқари,

Саркарданинг либосларидаги бежирим безакли тасвирлар унга хусун бағишлаш



Амир Темур. И.Жабборов. Шаҳрисабз, 1996 й

билан бирга, темурийлар даври санъати ва маданиятининг юксак даражада тараққий этганлиги, унинг бош ҳомийси соҳибқирон шахсияти билан боғлиқлигини ҳам англатади. Шунингдек, Шаҳрисабздаги “Амир Темур” ҳайкалида [изоҳ 11] ҳам мустақиллик даври маҳобатли ҳайкалтарошлигида устивор тамойил-га айланган буюклик сиймосини очиб

бериш ёндошуви мавжуд. “Соҳибқи-роннинг улуғвор ҳайкали айнан Оксарой олдида қад рослагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор” [1.6. Б. 36.]. Бинобарин, мазкур ёдгорлик Темурий-лар даври меъморлигининг энг муҳта-шам ва нодир намунаси ҳисобланади. Шу

боис, мустақиллик даври

анъана-сига кўра

обиданинг теварак

атрофини

ободонлаштириб, унинг

қаршисида жаъсур

саркарда ҳайкали

ўрнатилган. У

ҳам Тошкентдаги ҳайкал

сингари улуғвор

кўринишли бўлиш билан

бирга, реалистик услуб

талабларига мувофиқ

бажарилган. Амир



Амир Темури. У.Мардиев. Қарши, 1996 йили

Темурнинг Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги учта йирик ҳайкалларда турлича кўриниш ва ғоялар илгари сурилган бўлиб, ёдгорликларни яхлит кўринишда такрорлайдиган жиҳатлари уларнинг портрет қисмида сезилади. Шунингдек, ҳар бири ўзига хос бадиий ифодавий хусусиятлари билан алоҳида аҳамият касб этади. Амир Темурнинг мазкур ҳайкалларида образга хос буюклик жиҳатлари яққол кўзга ташланиб, унинг биз авлодларга ҳикматли боқаётган нигоҳида гўёки – юртга қайтиш, тарихнинг қора саҳифаларида битилган ноҳақ фикрлар зулмидан озод бўлиш руҳияти сезилиб туради.

1996-йилда Қаршида ўрна-тилган “Амир Темури” ҳайкалини [изоҳ 12] композицион жиҳатдан икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи - Амир

Темурни учкур от устида тасвирлаш, иккинчи – темурийлар авлодини горелъеф услубида акс эттирилишидир. Амир Темурнинг навқирон ёшини ифодаловчи мазкур ҳайкалда от билан образ уйғунлиги ва унинг динамик ҳаракати маҳоратли ижобий бажарилган. Шаклан умумий яхлитликка асосланиб яратилган бўлиб, образнинг ички ифодавийлиги чинаккам баҳодирларга хос фазилатга бой. Бироқ иккинчи композицион кўриниш биринчисидан бадий маҳорат бўйича кескин ажраб қолган. Улар пластик-анатомиясида касбий саёзлик сезилиб туради. Бу композицион қисм гарчи бош образни тўлдирувчи фон сифатида фойдаланилган иккинчи даражали восита бўлса-да, ҳайкалнинг умумий бадий савиясига таъсир кўрсатади. “Жалолиддин Мангубердининг табаррук сиймосини тошга тушириш, ҳайкал ўрнатиш учун кўпгина ишлар амалга оширилди. Унлаб муаллифлар лойиҳалар яратиб, ҳайъат аъзоларига кўрсатишди.”¹¹



*Жалолиддин Мангуберди. Р. Миртожиев.
Хоразм, 1999 й.*

¹¹ Хоразм ҳақиқати.. 1999 йил, октябр, байрам сони. Б.4.

Ҳайкалтарошлар Илҳом
 Жабборов ҳамда Камол
 Жабборовлар томонидан бажарилган
 лойиҳа тасдиқланди ва шу асосида
 ҳайкал яратилди [изоҳ 13]. Унинг
 бадиий ифодаси бўйича буюртма
 талабларидан бири – моҳир саркарда
 қиёфаси рамзий маънода бургутдай
 учқур кўри-нишда бўлиб, тоғ
 чўққисида тас-вирланиши эди.
 Ҳайкалтарошнинг ижодий изланиши
 шу талабдан келиб чиқиб амалга
 оширилган. Шунинг учун ҳайкал
 композицион тузилиши
 жиҳатидан бамисоли бургутдай
 учқур қиёфада тасвир-ланган. Унинг
 саркардаларга ман-суб плашининг
 [изоҳ 14] шамол-даги ҳаракатланиши
 куш парвозига хос кўринишни
 тасвирлайди. Ҳайкал пластикаси
 шакл мутано-сиблиги билан уйғун
 ҳолда образ-нинг ички ифодасига
 бўй синди-рилиб, бош ғоя бўлган
 жасорат тимсолини ифодалашга
 хизмат қилади. Ҳайкалнинг орқа
 планида кўхна Урганчнинг рамзий
 меъморий обидалари тасвирланиши
 ҳам бежиз эмас. Рамзий тимсолга
 таяниб ифодаланган она ватан



Алпомиш. Термиз. А.Рахматуллаев,
 П.Подасинников, У.Мардиев,
 Қ.Норхўрозов, У.Уроқов, 1999й.

каршисида Жалолиддин Мангубердининг музаффар киёфада гавдаланиши мамлакат халоскори ғоясини очиб беради.

Ҳайкалнинг ушбу мазмундорлиги жамиятимизнинг ватан ҳимоясига масъул барча шахслар учун рамзий киёфадир, дейиш мумкин. Ҳайкал ватан ҳимоячиларимизни руҳий ва маънавий камолотга эга бўлиб, тарихий қаҳрамонларимизга хос фазилатларни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий восита вазифасини ўтайди.

Албатта ёдгорлик бундай хусусиятларини узоқ вақт сақлаши учун, унинг ашёси мустаҳкам манбадан қайта ишланишини тақозо этади.

1999-йили Термизда ўрнатилган “Алпомиш” ҳайкали [изоҳ 15 Мустақиллик] даври маҳобатли ҳайкалтарошлигидаги намунали асарлардан биридир. У янги давр муҳити, соҳанинг эса янги ижодий ёндошу-ви асосида амалга оширилган. Бойсуннинг кўҳна меъморий



Мирзо Улуғбек. Ш.Усмонов, Урганч, 1994й.

манзаралари уйғунлигидаги бўртма тасвирлар марказида Алпомишнинг кўкка томон юксалган кўриниши тасвирланган. Бу ҳайкалтарошлик мажмуасининг ўзига хос композицион ечими – Қўнғирот салтанатининг юқорисида Алпомишнинг парвози афсонавий тарзда мукамал ёритилганлиги билан боғлиқдир.

Салтанат тасвирининг бетакрор шаклу-шамойили ҳам ижодкорлар томонидан ўринли ҳал этилган. Хусусан, равоқсимон дарвоза юқорисида

Алпомиш, унинг икки ёнида эса меъморий лавҳалар бадий ифодали бажарилган. Шу лавҳалар орасида Алпомишнинг ёри Барчиной ва ўғли Ёдгорларнинг образи (чап томонда) горельеф [изоҳ 16] услубида бажарилган. Ўнг томонда эса Алпомишнинг доимий ҳамроҳи бўлмиш учкур тулпори рельеф асосида ишланган. Салтанат дарвозасининг устида думалоқли хайкалтарошлик услубида тасвирланган куч-қудрат рамзи бўлмиш иккита шерлар ўрин олган. Дарҳақиқат, Алпомиш мажмуавий ёдгорлиги бош образ ечимини бойитувчи қўшимча бадий воситалар кўмагида намоён бўлиши, бу давр маҳобатли хайкалтарошлигининг ягона характерга эга бўлишини таъминлайди.

Буюк сиймолар шахсини шарафлаш тамойилига мансуб ҳукмдор алломалар - “Мирзо Улуғбек” (Тошкент, А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев, 1994 й), “Алишер Навоий” (Ўз. мил., боғи, Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтяров), “Мирзо Бобур” (Андижон, Р.Миртожиев, 1993 й), “Мирзо Бобур” (Наманган, М. Раҳмонбердиев, 1999 й), “Абулғозийхон” (Урганч, Ш.Усмонов, 1994 й) образида яратилган хайкаллар қуйидаги бадий, услубий-композицион аҳамиятга эга.

“Мирзо Улуғбек” ёдгорлиги [изоҳ17] бошқа жойлардаги (Самарқанд, М.Мусабоев 1974 й, Нукус, А.Раҳматуллаев, 1994 й., Урганч 1995 й., Ш.Усмонов) хайкаллардан касбий маҳоратининг афзаллиги билан жиддий фарқ қилади. Буюк олимнинг 600 йиллик таваллудини нишонлаш дои-расида ўрнатилган ушбу образ жисмо-нан баркамол қиёфада тасвирланиши билан бирга, бар-камол қиёфада тал-қин этилган. Унинг постаменти фалак-киёт кўринишидаги рамзи мовий ярим шардан иборат бўлиб, хайкалнинг композицион ифодавийлигини бойитишга ҳизмат қилади. 1994-йили Хоразмнинг Урганч шаҳрида ўрнатилган “Мирзо Улуғбек” (Ш.Усмонов) хайкали рамзий постамент ҳамоҳанглигида бунёд этилган. Хусусан, Улуғбекнинг Самарқанддаги машҳур обсерваториясига монанд тус берилган тўрт томонли рамзий зиналарнинг бирлашиш нўқтасига ушбу хайкал

ўтирган ҳолатда ўрнатилган. Бу эса бош қиёфани мазкур постамент билан ўзаро уйғунлашуви композицион жиҳатдан муаммоли туюлади. Бизнингча, бундай таглик улуғвор кўринишли тик турган қиёфага кўпроқ мос бўлиб, ўтирган фигурани тўлақонли бадиий ҳис этишга монелик қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ушбу соҳанинг миллий ҳайкалтарошликка хос хусуси-ятлари шубҳасиз, дастлаб 1991-йили Тошкентнинг Ўзбекистон Миллий боғига ўрнатилган “Алишер Навоий” ёд-горлигида сезилди [изоҳ 18]. У таниқли мусаввир Абдулҳақ Абдуллаевнинг бадиий тафаккурида сайқал топган лойиҳа асосида ижод қилинганлиги боис ҳам бадиий ифода-сида ушбу асарга мувофиқлик сезилиб



Алишер Навоий. Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтяров, Тошкент, 1991й.

туради. Ҳайкалнинг умумий композицион қиёфаси алломанинг ички дунёсига урғули бўлиб, шакл пластикасида мумтоз маъноли ҳаракат очиб берилди. Шунингдек, ғоявий мазмундорлигини оширишда умумий ташқи чизиқлари (слуэти) унинг бадиий ифодавийлигига даҳилдор бўлган муҳим жиҳатини белгилади. Ҳайкални композицион асосида меъморий гумбазнинг ним сояси¹² ўзига хос бадиий восита бўлиб хизмат қилади. Унинг ёрдамида ҳосил бўлган умумий ташқи кўринишининг яхлитлиги, пластик ечимини ҳис этишда муҳим аҳамият касб этади. Ёдгорлик мумтоз услубда ишланган


¹² Соянинг кучсизроқ қопланиши.

бўлиб, юқори касбий маҳорат асосида амалга оширилган. Ҳайкалтарошлар алломанинг руҳий оламига алоҳида эътибор бериб, ички дунёсига хос нурафшонликни рўёбга чиқаришга интиланлар ва маълум натижага эришганлар. Бу борада улар ҳайкалтарош Аҳмад Шаймуродовнинг “Алишер Навоий” (1967) буюсти ва Маҳмуд Музахиб асарларига ҳам намуна сифатида мурожаат этганликлари сезилиб туради.

2001-йил Навоий вилоятида ўрнатилган “Алишер Навоий” ҳайкали [изоҳ 19] умумий тузилиши бўйича миллий боғдаги ҳайкалга яқин олинган. Уларнинг пластикаси деярли бир-бирини такрорлайди. Ўнг оёқ ва қўл ҳаракатлари, ҳассаларининг жойлашу-ви, ноҳос ташланган салавалари портретининг юз мимикаларида ўхшашликлар мавжуд.

Аллома қошларини бодом-қовоқ тарзда ёйсиз кўринишда тасвирланиши ҳар икки ҳайкал учун хосдир. Бироқ, миллий боғ-даги ҳайкал қош ифодаларининг маънодорлиги мутафаккир оламига яқин ҳолатда бажарилганлиги билан ижобий фарқ қилади.

Мажмуа марказига Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали, атрофида эса шоирнинг ҳаёт фаолияти ва ички оламини намоён этувчи тўрт фаслдан иборат рамзий ҳайкаллар [изоҳ 20] ўрнатилган. Булар ўз навбатида марказий образнинг бадиий ифодасини тўлдиришга ҳизмат қилади. Уларда Навоийнинг турли ёшидаги маънавий юксалий даври ифодаланган. Мазкур асарлар ҳайкалтарошларнинг Навоий шеъриятидаги фасоҳатини тушинишга бўлган илк интилиш сифатида баҳоланиши мумкин. Наманганда “Машраб” ҳайкали [изоҳ 21] боғ дарвозасидан ичкарига ўрнатилган бўлиб, дарвозага қарама-қарши тарзда жойлаштирилган. Унинг бундай ҳолатда ўрнатилишида ўзига хос рамзий маъно мужассам. Чунончи, мутафаккирнинг тез орада ушбу дарвозадан чиқиб кетадигандек таассурот уйғотувчи ҳаракатчан қиёфаси, комилликка эришиш учун кечирган ҳаёти она диёридан олисларда ўтганлигини англатади.



*Алишер Навоий. Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтяров, Тошкент, Ўзбекистон
Миллий боғи, 1991й.*



Алишер Навоий. А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев, Навоий вилояти, 2001 й.

Ҳайкалтарош унинг либосини жиддий эътибор билан ишлаб, шамолнинг ғойибона ҳаракатларини акс эттирган. Унинг олд кўриниши, ён ва орқа томонлари ҳам алломанинг ботин оламига мойил равишда амалга оширилган. Қатъият билан шахдам қадам босиши ва либосларининг шамолда хилпираб туриши ёдгорликка кучли динамик хатти-ҳаракат бағишлайди. Бу эса асарни асосий шаклу-шамойили алломанинг дашту-чўллар аро дарбадар кезиб, олий мақсад сари дадил боришини очиб беришга хизмат қилади. Ҳайкал умумий композицион тузилиши, деталлаштирилиши ва пластик ҳаракатларни ифодаланиши нуқтаи назаридан маҳоратли бажарилган. Унинг кўл панжалари пластик хусусияти бўйича мувофиқ ечимга эга. Умумий шакл композицияси жиддий изланиш натижасида юзага келганлиги сезилиб туради. Ҳайкал ҳар томондан кўриниши бўйича образга хос характерни очиб беришга хизмат қила олади.

1998-йили Фарғонада ўрнатилган “Ал-Фарғоний” ҳайкали [изоҳ 22] ўрта асрларда Шарқ Аристотели номи билан танилган буюк аллома ал-Фарғоний образини гавдалантирди. Меъморий унсурлар ҳамоҳанглигида бунёд этилган ушбу ҳайкалда мутафаккирнинг илмий мероси жамият истиқболига рамзий тухфа тарзида талқин этилди. Образда руҳан енгиллик, ақлий комиллик ҳамда мутафаккирлик даражалари ўз аксини топган. Унинг ғоявий мазмундорлиги олимнинг илмий меросини илм-фан ривожига муносиб манба эканлигини таъкидлашдир. Ҳайкалнинг 1990-йилларда ўрнатилган бошқа ёдгорликлардан фарқи шундаки, у ғоят кўтаринки кайфият билан жамият тараққиёти комил илм асосига қурилиши лозимлигини уқтираётган бадиий ифодавийликка йўғрилганлигидадир. Унинг умумий кўринишида ўз илмий кашфиётларини оламга жар солаётган шахс сиймоси акс эттирилган. Шакллар талқини ҳам шу кўринишни идроклашга йўналтирилган.

Ал-Фарғонийнинг Қувада [изоҳ 23] қад кўтарган ҳайкалида алломанинг илмий фаолият жараёни тасвирланган. Фарғонийни ҳаёл уммонига чўмган қиёфада тасвирловчи ушбу ҳайкалда ватандошимиз бутун умрини илм машаққатларига бахши-да этганлиги асосий ғоя сифатида очиб берилган.

Ҳайкал ишланиш жиҳатидан классик тамойилга асосланган бўлиб, Фарғонийнинг кекса-лик даврини ифодалайди. Қўл ва бармоқ ҳаракатлари образнинг ички оламига уйғун ҳолда топилган.

Ҳайкал умумий шаклика кўра “Мирзо Улуғбек” (М.Мусабоев, 1994 й., Самарқанд) ҳайкалига ўхшашлик касб этса-да, бироқ ўзига хос бадиий аҳамиятга эга. Алломанинг Бу икки ёдгорлиги ташқи тузилиши ва ички оламидаги



Ал-Фарғоний. И.Жабборов, Қува, 1998 й.

ифодавийлиги бўйича қарама-қарши йўсинда тасвирланган. Фарғонадаги ҳайкал эҳтиросли кайфиятда бўлса, Қувадагиси вазмин ва ўйчан қиёфада бажарилган.

Хоразмда ўрнатилган “Абулғозий Баҳодирхон” ҳайкали [изоҳ 24] юртимиздаги отлик ҳайкалларнинг учинчи йирик намунаси ҳисобланади. “Абулғозий Баҳодирхон” одан тушганича юртдошларига миннатдор боқиб,

гўё ўз юртининг буюк келажагига пойдевор қўйишга ҳозирланаётгандай”.¹³ Мазкур ҳайкал бошқа отлик ҳайкаллардан фарқли равишда қаҳрамон от устида эмас, балки алоҳида ҳолатда тасвирланган. “Мен Урганч асосчиси Абулғозий Боҳодирхон сиймосини яратиш устида узок изландим.

Улардан бирида Абулғозийнинг от устида турган пайти ҳам тасвирланган эди. Лекин мен кўп ўйланиб бу фикримдан воз кечдим. Ўзбекистонда ва бошқа юртларда от устида турган инсонлар сиймоси гавдаланган ҳайкаллар бор. Шулардан нусха бўлиб қолмасин дедим. Бу бадиий кенгаш аъзоларига ҳам раҳбарларимизга ҳам маъқул тушди.”¹⁴ Ҳайкалнинг умумий композицион тузилиши ўзига хослиги билан мамлакатимиздаги бошқа отлик ҳайкаллардан фарқ қилади. Ижодкорнинг ютуғи – бу давр маҳобатли ҳайкалтарошлиги услубий хилма-хиллигини бойитиш бўйича бетакрор композицион қиёфа яратишга эришганлигидир.

Нукусдаги бунёд этилган “Ажиниёз” ҳайкали [изоҳ 25] гарчанд атроф муҳит бадиий эстетикаси билан мукаммал уйғунлашмаган бўлса-да, ҳайкалнинг ўзгача композицион пластикаси мавжуд. Агар атроф муҳит манзарасини ҳам ҳайкал билан ҳамоҳанглигига катта эътибор берилса, унинг мумтоз бадиийлиги ортиб, образга хос хусусиятларини томошабинга етказиб берилиши ҳам осонлашади. Аллома мутафакирларга аталган ҳайкаллар орасида “Маҳтумқули” (Қосим Толипов, 1994 й., Хива) асарини бадиий мукаммаллик, касбий маҳорат жиҳатидан тажрибали истеъдод соҳибига хос ижод маҳсули дейиш мумкин. Чунки, асар оддий кўриниш, яъни ўтирган ҳолатда тасвирланишига қарамай бадиий маҳорат жиҳатидан юксак савияда бажарилган. Ҳайкалда сўфий шоирга мансуб бўлган қиёфа ички туйғулар билан моҳирона уйғунлаштирилган.

¹³ Бойжонов И. Ҳумо қўнган шаҳар. Урганч, 1994 й., 27,б.

¹⁴ Бойжонов И. Ҳумо қўнган шаҳар. Урганч, 1994 й., 27-28,б.



Ал-Фарғоний ҳайкали. И.Жабборов, Фарғона, 1998 й.

Таъкидланаётган маҳобатли ҳайкалтарошлик тамойиллари орасида миллий меъморий воситалардан асар композициясини очишда фойдаланилган услубий изланишлар ҳам борки, бу янги даврда кенг қўлланилган ижодий ёндошувлар сирасига киради. Чунончи, ёдгорликларни меъморий мажмуавий қурилмалар остига ўрнатиш бу йилларда анъанага айланди. Бунда асосан гумбазли, равоқли, ярим айланасимон ҳамда рангли ёритгичлардан тузилган Ўзбекистон панорамаси тасвирларидан иборат меъморий унсурлар кенг қўлланилди. Гумбазли ҳайкалларга: “Алишер Навоий” (Тошкент, Ўзб. мил. боғи), “Ал-Фарғоний” (Кува), “Она ва бола” (Нукус), “Шаҳидлар ёдгорлиги” (Тошкент), “Ал Марғилоний” (Марғилон) асарлари мансубдир. Мазкур тамойилнинг характерли жиҳати – Темурийлар даври меъморлигига хос қовурғасимон мовий гумбаздан фойдаланиб, миллий муҳитни таъсирчан кўринишини гавдалантириш, ҳайкалга мумтозлик ва салобат бахш этишдан иборатдир. Ҳайкал ифодаси ва бадиий ҳис этилишига жиддий хизмат қилувчи бу меъморий воситалар шунчаки безак учунгина эмас, балки ҳаққоний кўҳна обидалар каби жиддий эътибор билан бажарилди. Мазкур восита айниқса Ўзбекистон Миллий боғига ўрнатилган “Алишер Навоий” ҳайкалида ўта вобаста кўриниш касб этган. Маҳорат билан ижод қилинган ҳайкал меъморий унсур билан бадиий уйғунлик касб этган. Буюк алломага алоҳида ҳурмат-эҳтиром сифатида илк бор қўлланилган бу тамойил кейинги йиллардаги аксарият мутафаккирлар ҳайкалини яратишда ҳам анъанага айланди. Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” меъморий мажмуаси ҳамда Кувадаги “Ал-Фарғоний” ҳайкалида айнан шу тамойил давом эттирилди.

Юқорида таъкидланган шу йўсинли ёдгорликлар – ҳайкал, меъморий восита ва халқ амалий безак санъати (наққошлик, ганчкорлик) комбинацияларидан ташкил топган ва бу учликни бир ғоя асосида мужассамлаштирувчи янги тамойилни юзага келтирди.

Ярим айланасимон меъморий қисм бирлигида бажарилган ҳайкаллар жумласига “Ал-Фарғоний” (Фарғона), “Мотамсаро она” (Нукус) ҳайкаллари киритиш мумкин. Улар ярим айлана устунли композицион курилма ҳамоҳанглигида ўрнатилган. Жумладан, “Ал-Фарғоний” ҳайкалидаги меъморий унсур Фарғоний таълим олган Боғдоднинг “Байт ал-ҳикма” илмгоҳи муҳитини яратишга йўналтирилган. Айниқса, байрам кунлари орқа планда жойлашган давлат рамзлари панорамасини ифодаловчи ёритгичлар билан уйғунлашувида ҳайкалнинг сунъий ёруғлиғликдаги таъсирли ҳолатини кўриш мумкин.

Меъморий тамойилли ҳайкаллар орасида равоқли восита билан бажарилганлари ҳам бир мунча кенг ўрин эгаллайди. Бундай асарлар кўпроқ “Она ва бола”, “Она”, “Мотамсаро она” ҳамда нисбатан бошқа мавзуларда кузатилади. Масалан, “Мотамсаро она” (Жиззах, Ж.Миртожиев, 1999 й), “Она ва бола” (Фарғона, Ж.Миртожиев, 2001 й), “Мотамсаро она” (Андижон, Р.Миртожиев, 2001 й), “Мотамсаро она” (Урганч, Ш.Усмонов, 1999 й), “Огаҳий” (Хоразм, Ш.Усмонов, 1995 й) каби ёдгорликларни шу ўринда таъкидлаш мумкин. Асосан Ж.Миртожиев ижодидагина кўзга ташланаётган бу услубий йўналишни шаклланиши билвоситали бўлиб, у 1999-йилни “Она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Республиканинг кўплаб ҳудудларида Тошкентдаги “Мотамсаро она” (И.Жабборов, 1999 й) ҳайкалига тақлидан бажарилаётган ҳайкаллардан фарқли равишда услубан ранг-баранг ижод қилишнинг самараси дейиш мумкин. Ж.Миртожиев ижодида шаклланган мазкур ёндошув Урганчлик ҳайкалтарош Ш.Усмонов ижодида ҳам учрайди. У ҳам бир ҳил кўринишли ва ифодали ёндошувдан кўра янги талқин йўллари афзал кўриб, “Мотамсаро она” ҳайкалини тик турган ҳолатда меъморий равоқсимон унсур мужассамлигида бажарди.

Юқорида келтирилган меъморий воситали асарларда мустақиллик даври Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигининг янги услубий тамойили шаклланди.

Шаҳидлар номини хотирлаш тамойили – шўролар даврида катағон қилиниб, бу йўлда шаҳид бўлган Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек, Абдурауф Фитрат каби адибларимиз номини хотирлашга йўналган. Бу йўсинда бажарилган ёдгорликлар олдинги тамойилдаги асарларнинг ишланиш услубидан фарқли равишда рухий истиробга учраган, ғам-ғуссага чўмган ва жабру-ситам остида қийналган шахслар образидан ташкил топган.

Мемориал характерли бундай асарлар жумласига Жалолиддин Мир-тожиевнинг “Абдулла Қодирий” (Тошкент, 1994 й) ҳайкали эътибор-лидир. Ҳайкалда Абдулла Қодирий-нинг ватан истиқболи йўлидаги аянчли қисмати ва ҳаётидаги мудҳиш манзара тасвирланган.

Асар композицион ечимига кўра, қаҳрамон шаҳид этилган бино ҳаробасининг тасвирлари билан уйғунлашиб кетган. Унинг юз тузилишига мунгли нигоҳ ва сўниқ кайфият ифодалари сингдирилган. Аниқ манбалар асосида ижод қилинган ёдгорликнинг бадиий ифодаси шўролар тузумида миллий давлатчилик келажаги учун жонқидо бўлган ҳурфикр шахс сиймосини очиб беради.

Ж.Миртожиевнинг яна “Чўлпон” (Андижон, 1997 й.) ёдгорлиги ҳам шу каби ифодали асарлардан биридир. “У ғоявий мазмунига кўра рамзий



Абдулла Қодирий. Р.Миртожиев,

маънони англатувчи кесилган улкан чинор устига ўтирган кўринишда тасвирланиши - қатағон йиллари топталган халқимизнинг миллий маданияти, меъроси ва ғурури тимсолини билдиради.”¹⁵ Томошабин бадиий унсурларга йўғрилган шоирнинг ўйчан нигоҳида таъқиб этилган маҳзун чехрали шахс сиймосиё идрок этиши мумкин. Шунингдек, Ж.Миртожиевнинг “Аб-дурауф Фитрат” (1997 й), Элбек (1999 й), Қ.Норхўрозовнинг “Фай-зулла Фўжаев” (1994 й) мемориал ёдгорликлари ҳам ўзига хос бадиий ғоявий хусусиятлар уйғунлигида бажарилган.

Реалистик услубда ишланган “Абдурауф Фитрат” ҳайкалида ўткир нигоҳ ва маҳзун тафаккур белгилари портрет қисмларига (кўз, пешона кенглиги) сингдирилган. Қўл панжа-ларининг пластикаси ҳам ҳаётий кўринишга жуда яқин топилган. Ҳайкалдаги либослар талқинида Фитратнинг нозик дидли, замонавий маданиятли шахс бўлганлиги сезилиб туради.

Жалолиддин Миртожиевнинг “Элбек” ҳайкалида журъатли ва маънавиятли ўзбек ўғлони гавдалантирилган. Унда шоир ўзининг шеърий битикларини қўл остига олган ҳолда бир оз ҳайратланиш аломатлари таъсирида акс эттирилган. Бу асарда ёд мафкура ҳукум сурган даврда ўз



Чўлпон. Р.Миртожиев, Андижон, 1997 й.

¹⁵ Ж.Миртожиев билан суҳбат. 2002 йил, 16 январ.

ижодини парокандаликка учрашидан хавотирда қолган зиёли шахс образи очиб берилган. Шундайки, унинг ҳайратланиши ва безовталиги юз мимикаларидан ташқари, пластик ҳаракатлари, либос талқинидаги хос бурмалари ҳамда образнинг ички кечинмаларида сезилади. Ҳайкалнинг бош ғояси қатағонга учраш сабаблари бўлмиш ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор, эркин ҳаётга интилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги маънавий ва мафкуравий ноҳос тангликларни акс эттиришдан иборат.

Рамзий композицияли тамойил – 1990-йиллар ўзбек маҳобатли ҳайкалтарошлигида тарихий шахс ва алломалардан ташқари янги даврнинг ғоявий-мафкурасини ифодалашга хизмат қилади. Шу ўринда Мустақиллик майдонидаги “Мустақиллик ва эзгулик арки” (меъмор Р.Турсунов), Давлат ва жамият қурилиши Президент академияси биносининг ҳовлисига ўрнатилган “Озодлик” (У.Мардиев, мис) ҳамда Республиканинг айрим вилоят ва туман (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қўқон ва б) ларига ўрнатилган “Хумо куши” асарини мисол келтириш мумкин. Булар орасида “Мустақиллик ва эзгулик арки” рамзий ҳайкалтарошлик мажмуасининг бадиий-ғоявий афзаллиги беқиёсдир. Ёдгорликда Мустақиллик рамзи янглиғ Ўзбекистон ҳаритасини ер қобуғидан ажратиб кўрсатилиши янги давр мафкурасининг мазмунан энг аҳамиятли томонини ифодалайди. Унинг бу хусусияти – Ўзбекитоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган катта воқеани акс эттиришдир. 1991-йилдан кейин Ўзбекистон ўзининг мустақил ҳудудий чегарасига, моддий ва маънавий бойликларига, қолаверса эркига эришганлиги қурраи-заминнинг маҳобатли тасвирида ўз ифодасини топган. Яна шундай ғояга асосланган “Озодлик” ҳайкали ҳам Она-ватан озодлигининг рамзий тимсоли маъносида ижод қилинган. Ёдгорликда ҳурриятга эришган аёл образи тасвирланган. Маълумки, адабиёт ва санъат наздида она талқини ватан тимсолига қиёсланади. Ҳайкалтарош шу рамзийликка таяниб, ватан мустақиллигини ифодалашга эришди. Қўлларини ғурур билан самога кўтариб, шамол тезлигида парвоз қилаётган аёл сиймоси,

қалбига истиқлол шамоли теккан шахс сифатида умумжамиятимиз учун хос мазмунда гавдалантирилди. Ҳайкал пойи қуриган кекса дарахтнинг нотекис танаси тарзида тасвирланган бўлиб, Она – аёл шу дарахт илдизидан ўзган ёш ва мустақил ниҳолга қиёсланган. Романтик ёндашишнинг устиворлиги сезилиб турувчи бу ҳайкал, янги давр ғояларини моҳирлик билан сингдирилганлиги боис, катта таъсурот қолдиради. Айнан шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳайкалларни очиқ жойларда ҳам ўрнатиш масаласининг амалий ечими бу давр ғояларини ижтимоий ҳаётимизга сингиб боришини янада жадаллаштиради.

III.3. Шаҳар муҳити ва ҳайкалтарошлик

Юқорида қайд этилган тамойиллар ва улар доирасида юзага келган янги ёндошувлар шаҳар муҳити миллий софлигини таъминлашда аҳамияти катта. Ҳайкалларнинг шаҳар марказларига ўрнатилиши минглаб томошабинлар қалбида миллий ифтихор туйғусини уйғотиб, ўтмиш аجدодларимизга эҳтиром фазилатини мустаҳкамлайди. Масалан, пойтахт марказида бунёд этилган “Амир Темур” ҳайкали омма тафаккурида эски тузумдан сақланиб қолган ғайри тушунчаларни ислоҳ қилиб, Амир Темур шахсиятининг ҳаққоний қадир-қийматини англашда ёрдам беради.

Миллий меъморий унсурларни замонавий йўналиш билан уйғунлаштирувчи янги услубдаги бинолар шаҳар муҳитига янги қиёфа бағишлаб, маҳобатли ҳайкалларни бадиий ҳис этишга хизмат қилади. Бинобарин ҳозирги шаҳарсозликнинг эстетик хусусиятлари олдинги кўринишидан кескин фарқ қилади. Янги услубда яратилган серхашам замонавий бинолар ва улар билан ўзаро уйғун бўлган магистрал йўл четларида йирик ҳажмли миллий “лавҳа”ли паннолар ҳам ҳайкалларнинг шаҳарлар муҳити билан бадиий яхлитлигини таъминлайди.



Т.Тожиҳўжаев. “Тошкент герби”, 1997 й.



Қ.Норхўрозов, У.Уроқов. “Авесто” рамзий ёдгорлиги, 2001 й. Урганч.



Мустақиллик майдони. Езгулик арки ёдгорлик мажмуаси

Маҳобатли ҳайкалларнинг шаҳар муҳити билан бадиий-ифодавий муносабати таъкидланган тамойиллар бўйича турли хусусиятга эга. Масалан, буюк аждодлар шахсини шарафлаш тамойилига мансублари серкатнов автотранспорт шовқинларидан ҳоли бўлган сокин боғ-ҳиёбонлар ичига ўзига хос мумтоз кўринишда ўрнатилишидир. Бундай ёдгорликларнинг бадиий талқини теварак атроф билан бир яхлитликда амалга оширилган. Шу хусусда Тошкентдаги “Алишер Навоий”, “Абдулла Қодирий”, “Ғафур Ғулом”, Намангандаги “Машраб”, “Мирзо Бобур”, Урганчдаги “Жалолиддин Мангуберди”, Самарқанддаги “Амир Темур”, Бухородаги “Фитрат”, Андижондаги “Чўлпон” ва бошқа кўплаб ёдгорликларни мисол келтириш мумкин. Айниқса Ўзбекистон Миллий боғидаги “Алишер Навоий” ҳайкали диққатга сазовордир. У Тошкент шаҳридаги энг сўлим жойга табиат билан уйғун ҳолда ўрнатилган. Боғнинг сокин нуқтасига ўрнатилишига қарамай, атрофдаги гавжум ҳаётдан батамом ажралиб қолмаган, балки, тантана билан нишонланувчи миллий байрамлар соҳнасига монанд жойлаштирилган. Анъанавий “Мустақиллик” ва “Наврўз” умумхалқ байрамларини кўтаринки кайфият билан файзли ўтишида етакчи воситага айланган. Ўрнатилишининг композицион ечимига кўра кўкаламзор боғ ва байрам сахнаси билан мутаносиб бадиий яхлитликда бажарилган. Шунингдек, ҳайкалнинг мовий қовурғасимон гумбази узоқроқда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносининг шу услубдаги гумбази билан ҳам ўзаро уйғунлик касб этади.

Таъкидланаётган тамойилдаги миллий меъморий воситали ёндошувига оид ҳайкаллар ўзининг умумий тузилиши билан шаҳар муҳитига янги давр руҳини сингдира олади. Миллий услубининг яққоллиги, талқин йўлларининг равонлиги ҳамда мустақиллик йиллари мафкуравий йўналишларига мойиллиги бунинг бош омили ҳисобланади. Масалан, Фарғонадаги “Ал-Фарғоний” ёдгорлигида алломанинг илмий кашфиётлари мажмуининг она ватанга инъом этилаётганлиги – мустақил давлат учун илму-маърифат дастурини рамзий ифодаси талқин этилганидек, таассурот уйғотади. Бундай

ғоявий-мазмундорлик шубҳасиз шаҳарда янги муҳитни намоён этади. Ҳайкалнинг орқа томонидан ярим айлана шаклида ўраб турувчи рамзий меъморий унсурлар фигуранинг хаво бўшлиғида ўз мувозанатини сақлаш ва бойрам майдонига кўрк беришда катта аҳамиятга эгадир.

Аксарият ҳайкалларнинг меъморий унсурлар бирлигида яратилиши – ҳайкалтарош билан меъморларнинг ижодий муносабат ўрната олишининг маҳсулидир. Чунки, меъморий унсурлар ҳайкалларга ёрдамчи восита янглиф қўлланилса-да, бироқ муносиб ва жиддий композицион режа асосида барпо қилинган. Шу боисдан ҳам бу қўшимча унсурлар бош образ билан бир нуқтада мазмунан бирика олган. Уларни одамлар билан гавжум хиёбонларда барпо этилиб, атрофида дам олиш жойларини ташкил қилиниши эса ҳайкал билан томошабин “мулоқат”ини таъминлайди.

Композицион тамойилли ёдгорликлар юқоридаги ҳайкаллардан фарқли равишда ўрнатилиш жойи ва композицион жиҳатидан шаҳар муҳитига ўзгача таъсир этади. Бу тамойилдаги асарлар гарчанд кам сонли бўлса-да, бироқ мавжудлари ўзининг бадиий савиядорлиги билан эътибор тортади. Масалан, мустақиллик майдонидаги “Мустақиллик ва эзгулик арки” ҳайкалтарошлик мажмуаси майдон теърағидаги сиёсий бошқарма бинолари ва уларнинг замонавий меъморий ечимини бир яхлитликда мужассамлаштиради. Мажмуанинг биринчи планида ғоят салобатли ва замонавий йўналишда қурилган эзгулик дарвозаси ўрин олган. Фазовий кенгликни гавдалантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳобатли устунлар ва юқоридаги рамзий лайлақлар тасвири кузатувчи эътиборини жалб этади. Дарвозанинг марказий нуқтасида ўрнатилган лайлақлар парвози – хурлик, шодлик, эзгулик, эркинлик ва озодлик рамзидир. Лайлақларнинг ер шари бўйлаб ҳаракатланаётганлиги мустақиллик йилларида Республикамизнинг жаҳон миқёсидаги имкониятларини ифодалайди. Ҳар икки устун тепасига тинч ва сокин кўринишда ўрнатилган лайлақлар – она ватан тинчлиги ва осойишталигининг рамзий белгисидир. Мазкур композиция қоршисидаги меъморий бинолар билан ўзаро уйғунлик касб этади. Иккинчи планда

тасвирланган Курраи замин ва Ўзбекистон ҳаритаси ҳамда меҳир-муҳаббат тимсоли бўлмиш она ва бола ҳайкали ҳам мажмуанинг бадиий яхлитлигини тўлдирувчи асосий воситадир.

Шаҳар меъморий ҳайкалтарошлиги соҳанинг бу йиллардаги кам мурожаат этилган йўналиши ҳисобланади. Шу боисдан унинг салмоғини юқори баҳолаш қийин, бу борада айрим қуйи савияли асарлардан бўлак, жиддий ижод намуналари кузатилмайди. Бу борада ижодий фаоллик сезилмаса-да, баъзи доирада ижод қилинганлигини эътироф этиш керак. Масалан, Тошкентдаги “Туркистон” маданият саройи (“Хумо” ёдгорлиги), Ўзбекистон давлат консерваторияси (деворий безакли ҳайкалтарошлик тасвири) ҳамда замонавий услубда қурилган кўплаб давлат банклари учун анималистик жанрли, шунингдек айрим савдо марказлари биносининг бадиий беағига хизмат қилди.

Чунончи, Сайидолим Турсуновнинг Туркистон саройи биноси фасадига ишлаган бўртма ҳайкалтарошлик асари меъморий биноларни замонавий услубда безаш бўйича учрайдиган ўзига хос ижод намунаси ҳисобланади. Бироқ, унинг бино фасадида эмаслиги, балки орқа кириш томонига ўрнатилиб, фон билан бир хил оқ рангга бўялганлиги, кубизм услубида ишланган мазкур композицион тасвирларни бадиий ҳис этишга монелик қилади.

Меъморий ҳайкалтарошлик бўйича ижод қилинган асарлар сирасига Наманган Давлат Университетининг “Бадиий графика” факультети биносидаги бўртма тасвири ҳайкалларни мисол келтириш мумкин. Бино фасадида буюк алломаларимиз Ҳазрат Навоий, Ибн Сино, Беруний, Машраб, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур портретлари (М.Раҳмонбердиев, 1997 й) акс эттирилган. Бироқ, таъкидланганлар шаҳар меъморий ҳайкалтарошлиги ривожига жиддий аҳамият касб этиши истиснолидир. Чунки, биринчидан, улар бадиий юксак маҳоратдан ҳоли бўлиб, янги давр бадиий маконига уйғун

эмаслиги, иккинчидан эса, кўламининг озлиги ривожланиш асосини белгилай олмаслигига сабабдир.

Миллий ривожланиш йўлидан бораётган замонавий Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлиги ижодкорлар томонидан миллий бадиий ёндошувни янада мустаҳкамлашни ҳам талаб этмоқда. Зеро, ҳайкалтарошлар турли буюртмаларни бажаришда тасвирланаётган шахс образини тарихий манбалар асосида синчковлик билан ўрганиб, жаҳоннинг соҳага оид нодир асарларини яратилиш услублари ва пластик даражаларини таҳлил этиш орқали ўз фаолиятларида қиёсий ўзлаштиришлари ижобий самара беради. Бу жараён кўп йиллик даврий синовлардан ўтган асарлар оламига кириб бориш пировардида ижодлар учун фойдали натижаларга эга бўлиб, миллий ҳайкалтарошликнинг барқарор ривожини янада тезлаштиради.

Ҳиёбон ва сайилгоҳлар кўркини ошириш, атроф муҳит нафосатини очиш борасида безакли ҳайкалтарошликни ривож топиши муҳим аҳамиятга эса. 2003-йили Ўзбекистон Бадиий Академияси майдонига Дамир Рўзибоев ижодига мансуб “Фаришталар” номли безакли ҳайкаллар ўрнатилди. Ушбу ҳайкалтарошлик намунаси шакл ва ранглар уйғунлигидан иборат ўзига хос замонавий-бадиий ёндошув асосида ишланиши билан атроф муҳитга кўрк бериб турибди. Ҳозирда тез ривожланиб бораётган шаҳарсозлигимиз ҳам шу каби безакли пластик асарларга эҳтиёж сезмоқда. Зеро, шундай замонавий асарларнинг кўпайиб бориши жараёнида шаҳар ва ҳиёбонларимиз манзарали ҳайкалтарошлик асарлари билан кўркамлашади.

Жаҳон миқёсида безакли ҳайкалтарошлик замонавий санъат ютуқларининг сўнгги тажрибалари билан бойиб бораётган айни пайтда, юртимиз ҳайкалтарошлари ҳам анъанавий ижодий ёндошувлар билан бир қаторда, янги бадиий-инновацион ёндошувларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Айтиш мумкинки, 1990-йиллар ўрталари, айниқса унинг сўнгги чорагидан маҳобатли ҳайкалтарошликнинг умумий кўрсаткичи бўйича

ижобий натижалар кўлами бирқадар кенгайди. Бу йилларда яратилган асарларда аجدодларимиз сиймосини улуғлаш билан боғлиқ ижодий изланишлар самараси сезилмоқда. Уларнинг барчасини умумий баҳолайдиган бўлсак, образни руҳий оламига чуқурроқ кириб бориш, шаклу-шамойилларнинг ноанъанавий томонлари бўйича жиддий изланишлар лозимлиги ижодкорлар олдида муҳим вазифалигича қолмоқда.

Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлиги ривожини янада юқори кўтариш, айрим касбий муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим кўринади.

Биринчи – ижодий кучларни фаол ҳаракатга келтириш бўйича:

- ҳайкалтарошларни ижодий жараёнга кенгроқ жалб этиш учун ижодий меҳнат таъминотини чуқурлаштириш;

- Маълум сабабларга кўра юзага чиқа олмаётган ҳайкалтарошлар ижодини санъатшунослар томонидан оммавий ахборот воситалари, турли журналларда ёритиб бориш каби долзарб вазифаларни амалий ҳал этиш.

Иккинчи – бу даврда ижод қилаётган ҳайкалтарошлар фаолиятида қуйидаги хусусиятларни ривожлантиришга доир:

- Реалистик услубдаги ҳайкалларни нисбий ўлчам мутаносиблиги билан пластик характерини мувофиқлаштириш;

- Тасвирланаётган образнинг шакл ифодавийлигини ошириш ҳамда портретларни руҳий ҳолатларини тасвирлашга чуқурроқ кириб бориш;

- Ижодий жараёнда бетакрор композицион кўриниш, бадиий талқин ва воқелик кечинмаларини бадиий бўрттириш.

Янги давр шароитидаги маҳобатли ҳайкалтарошликнинг ривожланиш жараёни бўйича қуйидаги ҳулосага келиш мумкин.

1990-йилларда Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлиги жамиятнинг янги таркибдаги ислоҳатларига мувофиқ ривожланиши асносида миллий мавқеъи олдинги босқич даражасидан бир қадар мустаҳкамланди. Услубий

ёндосуви бўйича маюс ва маҳзункор қиёфада ишланган 1970-80-йиллардаги миллий ҳайкалларга нисбатан, бу даврдаги ёдгорликлар авваломбор, мағрур ва улуғвор бадиий талқинга йўғрилганлиги, қолаверса, шахсиятни хотирлашдан ташқари ўзига хос тарбиявий аҳамиятга йўналтирилган композицион ечим асосида ижод қилинди. Шунга асосан ижодий жараёнда миллий мафкуравий ёндосувни жадаллашуви оқибатида янги босқич юзага келди. Бу миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, у янги маданий-сиёсий ҳаётдаги бадиий эҳтиёжлар асосида вужудга келди. Ҳозирга қадар босиб ўтилган ижодий жараён шуни кўрсатмоқдаки, миллий ҳайкалтарошликни ривожлантириш бўйича қўйилган мазкур қадам дастлабки босқич нуқтаи назаридан ижобий аҳамиятга эга бўлди. Унинг салмоғини янада ошириш ўтиш даври билан ҳамоҳанг ҳолда босқичма-босқич давом этмоқда. Шунга қарамай, бу қисқа вақт ичида юқорида таъкидланган янги тамойиллар шаклланди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ифодавий характери, композицион хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, буюк аجدодлар шахсиятини шарафлаш билан мемориал тамойил шулар жумласига киради.

Бу давр маҳобатли ҳайкалтарошлигининг кўзга кўринарли натижалари сирасига асарларни композицион ўзига хослиги, меъморий ва бошқа унсурлар билан уйғун ҳолатда тасвирланишини киритиш мумкин.

Тошкентдаги “Алишер Навоий”, “Амир Темур”, “Абдулла Қодирий”, “Мирзо Улуғбек”, “Ғофур Ғулом”, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги “Амир Темур”, Термиздаги “Алпомиш”, Фарғона ва Қувадаги “Ал-Фарғоний”, Андижондаги “Мирзо Бобур”, Урганчдаги “Жалолиддин Мангуберди”, “Абулғозийхон” каби ҳайкаллар бу борада намунали асарлар сирасига киради.

Юқоридагиларга таяниб айтиш мумкинки, 1991-йилдан буён Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигининг миллий ривожланишида қуйидаги муҳим хусусиятлар кузатилди:

- 1990-йилларнинг янги мафкуравий шарт-шроитлари таъсирида миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичи бошланиб, ўтиш даврига хос йўсинда ривожланиб бормоқда.
- Қуйидаги устивор тамойиллар асосида ҳайкаллар яратилди:
буюк сиймолар шахсини шарафлаш бўйича – узоқ ўтмишдаги мутафаккир-алломалар ва забардаст саркардалар образи; шахидлар номини хотирлаш борасида - собиқ тузум даврида қатағон қилинган зиёли ватанпарварлар образи; рамзий композицияли тамойилда эса – янги тарихий воқеликни бадиий тимсолларда акс эттирувчи ёдгорликлар ижод қилинди.
- Соҳада мутахассис ижодкорларнинг фаол вакиллари ажралиб чиқди. Чунончи, Илҳом Жабборов, Камол Жабборов, Жалолиддин Миртожиев, Анвар Раҳматуллаев, Эйнула Алиев, Нодар Бандзеладзе, Василий Дегтяревларни шу ўринда таъкидлаш мумкин. Айниқса, Илҳом Жабборов билан Жалолиддин Миртожиевларнинг ўрни аҳамиятли бўлиб, ижодларида реалистик малака муносиб ўзлаштирилди.
- 1990-йилларда эришилган янги ижодий босқични истиқболда юксак бадиий ва маънавий тафаккурга эга бўлган янги авлод ҳайкалтарошлари томонидан мустаҳкамлаш, уни янада юқори босқичга кўтариш талаб этилмоқда.

III.4. Янги давр дастгоҳли ҳайкалтарошлик ижодиёти

1990-йиллардан маҳобатли ҳайкалтарошликка талабнинг ортиши билвосита аксарият ижодкорларни ўзига жалб этгани боис, дастгоҳли турига эҳтиёжг бир мунча камайди ва жадал ривожланишга эришиши қийинлашди. Шу туфайли аксарият ижодкорлар маҳобатли соҳада имкониятларини синаб кўришга ва бу борада касбий кўникма тўплашга интилдилар. Мазкур вазият албатта кўргазмали ҳайкалтарошлик фаолиятини батамом чеклаб қўйгани йўқ, балки ўзининг ижодий дасҳатига эга бўлган Дамир Рўзибоев, Азамат Ҳотамов, Жалолиддин Миртожиев, Жўлдасбек Қуттимуродов, Тўлаган Тожиҳўжаев, Туркман Эсонов, Тўлаган Ёркулов, Қурбон Норхўрозовлар янги ёндошувларни шакллантиришда муносиб фаолият юритдилар. Улар бажарган ҳайкаллар мисолида анъанавий-реалистик йўналишлар давомийлиги билан бирга, замонавий тамойиллар ҳам ўзлаштирилганлиги кузатилди. Чунончи, тарихий, портрет ва мавзули ҳайкаллардан ташқари, эркин пластикага мансуб кўникмалар ҳам ўзлаштирила бошланди.

Янги тарихий давр дастгоҳли ҳайкалтарошлигида бажарилган асарларнинг маълум қисми 1970-80-йилларда эришилган анъанавий услубий тамойилнинг давом этаётганлигини кўрсатади. Хусусан, портрет, мавзули ва тарихий асарлар шу ўринда кенг кўламни ташкил этади. Масалан, портретчилик бўйича А.Раҳматуллаевнинг “Ал-Хоразмий” (гипс, 2004 й), “Ибн Сино” (гипс, 2004 й), “Ким пен хва” (гипс, 2006 й), Л.Рябцевнинг “Автопортрет” (гипс, 1996 й), М.Алиевнинг “Эркак портрети” (гипс, 2006 й), А.Ҳотамовнинг “Автопортрет” (гипс, 1996 й), “Майрам” (шамот, 2003 й), М.Бородинанинг “Восит Воҳидов” (бронза), “Алишер Навоий” (гипс) У.Мардиевнинг “Тилаб Маҳмудов” (бронза, 2002 й) каби реалистик ижод намуналарини таъкидлаш мумкин.

Кекса авлод ҳайкалтарошлари орасида Мухтор Мусабоев ва Аҳмад Шаймуродовларнинг портрет бўйича бажарган айрим асарларини учратиш мумкин. Бу ҳайкалларда янги даврга хос изланишлар сезилмаса-да, реалистик ёндошув бўйича ижобий аҳамиятга эгадир. М.Мусабоевнинг шу услубда

ишланган “Спитамен” (гипс), Охунбобоев (гипс), “Хоразмий” (гипс), “Н.Мусабоев”, “Немис композитори Бах” (гипс) каби ҳайкаллари орасида “Спитамен” портрети афсонавий миллий қаҳрамон қиёфасининг ғоят сезгир, зукко ва довурак тарзда очиб берилганлиги билан ажралиб туради.

Маҳоратли ижодкор Аҳмад Шаймуродов 1990-йилларда “Усто Парда” (мис), “Япон кишиси” (фарфор), “Ўзбек-Япон дўстлиги ассоциацияси Президенти” (керамика), “Сисидосан” ва “Окубо Чехеро” каби қатор портрет асарлар бажарди. Шунингдек, 2000-йилларда бир неча бор АҚШда бўлиб, ушбу жанрга тегишли йигирмадан зиёд хорижлик инсонлар ҳайкалини ишлади. “Оддий пластик ечим – Шаймуродов ижодининг асосий характерли жиҳатидир” [5.9. Б. 3.]. Аҳмад Шаймуродов 1993-йили буюк саркарда Амир Темур образи бўйича ўзига хос бадиий ифодали дастгоҳли асар яратди. Бу борада ўрта асрлар мўжаз китобот санъати намуналаридан манба сифатида унумли фойдаланиб, улуғ саркарда образини икки кўринишда ижод қилди. Биринчиси тахт тепасида салобатли қиёфада гавдалантирилган бўлса, иккинчиси от устида тасвирланди. Ҳар икки ҳайкал ўзига хос пластик талқин ва улуғвор бадиий ифодага йўғрилган ҳолатда амалга оширилди.

Анъанавий тамойил бўйича тасвирий ифода объекти жиҳатидан талай имкониятларга эга бўлган мавзули ҳайкалтарошлик кенг қамровли бўлмасида, бироқ, Азамат Ҳотамов ижодида янги ижодий изланишлар мавжудлиги сезилади. Шу хусусда унинг образлар ғоявий-шаклий уйғунлигига оид ўзига хос услубий ёндошуви намоён бўлганини айтиш мумкин.

Унинг мазкур услубда яратилган асарлари ҳайкалтарошликка хос шакл сезиш ва образ оламига кириш хусусиятлари билан эътиборлидир. Зеро Азамат Ҳотамов анъанавий услубий йўналишларни замон руҳи билан суғора олиш ва бадиий ғояларни равон ифодалаш фазилатига эгадир. [3.23.Б.55-56]. Тасвирий ифода жиҳатидан талай имкониятларга эга бўлган мавзули ҳайкалтарошлик бўйича Азамат Ҳотамов ижодида янги изланишларнинг зоҳирлиги кузатилади. Хусусан, образни унсурлаштиришдан ҳоли бўлиш ва яхлит шаклдорлик асосида кучли ҳиссий қиёфаларни намоён этиш унинг

ижодига хос фазилатга айланди. Унинг мазкур йўналиш борасида эришган касбий ютуғи – инсоннинг турли ҳо-латдаги кечинмаларини ҳиссий иф-далашда ҳажм юзаларининг майда унсурларига ишлов беришга ошиқ-май, балки умумлашма кўриниш замирида асар ғоясига сайқал бера олишидадир. Шу боис ҳам ҳайкалта-рошликка хос шакл сезиш ва образ оламини шаклий ёритиш хусусият-лари унинг ижодида изчилик билан ривожланиб бормоқда.

Ҳайкалтарошнинг “Хотира” (гипс, 2003 й), “Улоқ” (гипс, 2004 й), “Олдиндан сезиш” (гипс, 2003 й), “Дуэт” (гипс, 2004 й), “Гўзаллик кўриқчиси” (гипс, 2004 й), “Бахтли оила” (гипс, 2003 й), “Тўрт ижрочи” (гипс, 2004 й), “Тўйга” (гипс, 2004 й), “Ҳаёт илдизи” (гипс, 2004 й), “Шеробод мусиқачилари” (гипс, 2003й), “Шум бола” (гипс, 2003 й) каби асарларида шу хусусиятлар мужассамлашган.

Хусусан, улар орасида кучли импрессион таъсуротга бой

бўлган “Улоқ”, “Гўзаллик кўриқчиси”, “Ҳаёт илдизи” номли ҳайкаллари алоҳида эътиборлидир. Масалан, ички пластик ҳис-ҳаяжонга йўғрилган “Гўзаллик кўриқчиси” номли асари реалистик услуб сингари шакл аниқлигидан мустасно ҳолатда, эркин услубий ёндошув асосида ижод



**Мутафаккир. Ҳайкалтарош
М.Аблоқулов**

килинган. Ҳайкалтарош ҳамиша эзгулик ҳамроҳи бўлган муқаддас руҳларни ўз бадиий тафаккурида тасаввур этишга уринган. Одам қиёфасидаги фаришта сиймосининг баркамол кўриниши умумий яхлит ҳиссий маъноли пла-стик қиёфада гавдалантирилган. Асар-га чуқуррок разм солинса, инсон ор-тида эргашиб юрувчи фаришта сий-моси яққол кўзга ташланади. Муқад-дас деб аталган мазкур руҳ инсонга доимий ҳамроҳ бўлмиш ўз фариш-тасидир. Асар мавзуи ва унинг маз-мунига кўра эътироф этилаётган гўзаллик эса имондир. Чунки, дунё-даги энг гўзал нарса имон бўлиб, барча ноёб фазилат ва сифатларни ўз ичига оланлиги боис ўзи ҳам гўзал ҳисобланади. Бу ҳолни ёвуз кучлар-дан сақловчи фаришта – гўзаллик қўриқчиси сифатида очиб берилган.



Азамат Хотамов Гўзаллик қўриқчиси.

Унинг “Ҳаёт илдизи” мавзусидаги дастгоҳли ҳайкали ҳам ўзининг чуқур фалсафий мазмун-моҳиятига эга. Ижодкор ушбу асар орқали инсонни дунёга келиши, улғайиб насл-насабини давом эттириши ва бу узвий кетма-кетликни эса ҳаёт илдизининг рамзий маъноси деб билишини ифодалаган. У гарчанд узоқ муддатга чидамсиз гипс ашёсидан бажарилган бўлса-да, бироқ кучли бадиий маҳорат даражасида амалга оширилган.

Ҳозирга қадар реализм мактаби анъаналарини мукаммал ўтаб, ижодда ўз дасҳатини топишга муваффақ бўлган Азамат Хотамов 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлиги ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг

фаолиятида инсон рухий олами билан боғлиқ масалалар эркин услубий ёндошув асосида пластик жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Мавзули ва композицияли асарларидан ташқари анъанавий реалистик услубда бажарилган “Қария” (гипс, 1990), “Қизча” (гипс, 1993) каби портретларини шу ўринда мисол келтириш мумкин. Мазкур намуналар унинг жиддий ҳайкалтарошлик мактаби анъаналарини юксак савияда эгаллаганлигидан далолат беради.

М.Мусабоевнинг “Ўсма” (1995 йил, гипс) номли ҳайкалида миллий аро-пардоз ҳисобланмиш ўсма қўйиш жараёни ўзбек қизининг ўзига хос файзи сифатида улуғланади. Мазкур асар ҳозирги маданий ҳаётимиз учун бегоналашиб бораётган анъаналаримизни қумсаш туфайли яратилган.

Дамир Рўзибоевнинг мавзули композицияларида инсон ички борлиғи, ундаги хос фазилатларини мукаддас руҳларга (фаришта) қиёсловчи лавҳалар катта ўрин эгаллайди (“Фаришта”, 1991 й., Шамот, ангоб, мой). “Бундай ҳолатлар ва жараёнларнинг юзага келишида ижодкорнинг рухий қудрати ва салоҳияти муҳим аҳамият касб этди. ...Асарларининг турли туманлиги, услуби ёки ечимлари бир-бирини такрорламагани ҳолда ажиб бир ўхшаш, муштарак томонлари кўзга ташланди” [3.16. Б. 21.].

Дамир Рўзибоев ижодида қадимги ҳайкалтарошлик услуби-га мурожаат этиш анъанасининг янги кўринишда давом этиши мавзули жанр ривожига муносиб ўрин эгаллайди. “Унинг ижоди ўтмиш унсурларини фақат тиклашга ҳизмат қилмайди, балки улардан озиқланиб, бетакрор, янгича услуб ва идрокни талаб этадиган санъат тамойилларига асосланади. У яратган бадиий ва ҳаётий қиёфалар, авангард руҳидаги турли композициялар, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик жўрлигидаги изланишлар шуникўрсатиб турибди” [3.17. Б. 25.]. Ижодкор асар қаҳрамонларини ранг ва шакл уйғунлигида гавдалантириб, бетакрор замонавий йўналишни илгари сура бошлади. Бу борада шамотдан ишлаб, ранг билан бойитилган асарлари сирасига “Фаришта” (1991й., шамот, ангоб, мой), “Фаришта” (2003 й., шамот, ангоб,), “Икки Фаришта” (2003 й., шамот), “Жаз оҳангига ҳамоҳанг

бадиҳалар” туркум асари (1998 й., шамот, сир, левкас, гуаш) кабиларни киритиш мумкин. Дамир Рўзибоевнинг мазкур йўналишли асарлари дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг янги намуналаридан ҳисобланади. Бундай характерга эга бўлган асарларда иссиқ-совуқ рангларнинг ўзаро тазод ҳолида кўлланиши ҳажмий фазовий аҳамият касб этувчи ёруғ-соя мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади. Унинг ижодида аксарият ҳайкаллар шамот лойидан ишланиши бежиз эмас албатта. Чунки, “Ҳайкалтарош таъкидлашича, лой ҳаёт инъикосини, ҳаёлотни ўз бағрига кенг кўламда сиғдира олишдек олижаноб хусу-сиятга эга. Шу боисдан ҳам унинг илк асарлари – “Созандалар”, “Сайрамлик қиз”дан тортиб, сўнгги яратилган “Жаз ижросига ҳамоҳанг ба-диҳалар” айнан шу имкониятлар-нинг самарасидир” [3.17. Б. 23.].



Д.Рўзибоев. Фаршита, 2003 й.

Бадий Академиянинг Мар-казий кўргазмалар залида бўлиб ўт-ган “Наврўз 2001” ва “Наврўз 2002” кўргазмасида Д.Рўзибоев-нинг “Наврўз маликаси” номли ян-ги асари ҳавола этилди. Баҳорий ҳис туйғуларга йўғрилган мазкур асарнинг ифода воситаларини ҳар-бири, узок ўтмишга доир анъа- навий унсурлар асосида яратилди. Асар ечими учун танланган кулоҳий бош кийим, баҳор элчиси сифатида олинган лола гули, миллий либос (енги калта нимча) каби унсурлар ифодавий вазифасига кўра тўғри йўналтирилган. Ушбу оддий унсурлар замирида асар гоясини ёритиб маъна ва рамзий тимсоллар яширинган. Маликанинг бош

кийими куло;Ий тарзда тасвирланиши, ўзбек маданияти ва давлатчилиги узок даврларга бориб тақалишини англатади. Унинг композицион тузулиши ўнг ва чап томонлама мутаносиб ҳамда ҳаракат жиҳатидан вазминлиги бир карашда грек курослари ҳайкаллари эслатади. Курос ҳайкалларида комил шахс фалсафаси илгари сурилганлиги маълум, бу каби ғоялар “Наврўз маликаси” асарида ҳам ифода этилади. Унда ўзбек аёллари доимий равишда маликаларга хос гўзал ва байрамона кайфиятда орзу қилинади.

2001-йилдан бошлаб Д.Рўзиев ижодида шаффоф ашёлар ҳам қўлланила бошланди. Мазкур ашёда яратилган “Фаришта” (2001 й) номли асари рамзий тимсол ва шартли қисмлардан иборат. Ҳайкалтарош образ учун шаффоф ашёни танлаганлиги унинг ечимига мос бўлиб, фариштага хос жисмоний латофатни сингдиришда қулайлик туғдиради. Жисми нурдан яратилган фаришта тимсоли ҳайкалтарош томонидан ўзига хос талқин этилади. “Дамир Рўзиев яратган рельефлар, кичик ҳажмдаги пластик шакллар ёки маҳобатли асарлар улар хоҳ хорижда (Венгрия, Жанубий Корея) хоҳ Ўзбекистон шаҳарларида (Тошкент, Навоий) ёки хусусий коллекцияларда бўлсин, замонавий ўзбек миллий ҳайкалтарошлик намуналарини намоён этади” [3.16. Б. 21.].

Анъанавий реалистик тамойилга тегишли тарихий мавзули дастгоҳ ҳайкаллар айрим ижодкорларнигина ўзига жалб эта олди, холос. Кам сонли гуруҳни ташкил этувчи Т.Тожиҳўжаев, А.Шаймуродов, Т.Ёркулов ва Жалолиддин Миртожиевлар ижодига мансуб тарихий шахслар образи ушбу жанр салмоғини кўтариш учун бир қадар кучсиз эканлиги сезилади. Улар томонидан бажарилган буюк сиймолар асосан маҳобатли соҳада ўтказилган танловларда қатнашган лойиҳалардангина иборатдир. Чунончи, А.Шаймуродов, Т.Ёркулов, Т.Тожиҳўжаевларнинг 1993-йилда амалга оширилган “Амир Темури” образи, шунингдек, Т.Тожиҳўжаев (1998, 2005 йй) ва А.Шаймуродовнинг (1996) “Алишер Навоий”, Ж.Миртожиевнинг “Темури Малик” (бронза, 1990 й), “Ғофур Ғулом” (бронза, 2002 й), “Фитрат” (бронза, 2002 й) каби ҳайкаллари мисол келтириш мумкин.

1990-йиллар мавзули ҳайкалтарошлигида назмий пластик услубий ёндошув айниқса кенг ўрин эгаллайди. Бу ёндошув майин оҳангдор ифодавий талқинга асосланиб, академик йўналишдан фарқли ўлароқ нозли тасвирларни ўз ичига олади. Унда мавзуга мос латиф ҳаракатни намоён этувчи шаклу-шамойиллар ижод қилиниб, маълум даражада ҳаловатга эришган руҳий ҳолатлар тараннум этилади.

Бу борада Тўлаган Тожихўжаев, Жалолиддин Миртожиев, Улаш Уроқовлар талайгина ижодий ютуқларга эришдилар. Т.Тожихўжаевнинг “Тўлқин бўйлаб ҳаракат” (бронза, 2002 й), “Донишманд” (шамот, 2003 й), “Кураш” (1998 й, бронза гранит), “Кўза кўтарган қиз” (2000 й, гипс), “Алишер Навоий” (1999 й, гипс), “Хур қиз” (2000 й, гипс), “Мулойимлик” (1991 й, тош, илон изи), “Оналик” (1991 й, тош, оникс) номли ҳайкаллари шулар сирасига киритиш мумкин. “Замонавий жараёнларга қизиқувчанлик, шунингдек, ҳамкасабалари ва дўстлари билан мулоқатда бўлиш, уларнинг тажрибаларидан ўрганиш ҳамда маъқул томонларини сингдиришга уриниш ҳайкалтарош ижодига хосдир” [3.43. Б. 26].

Т.Тожихўжаевнинг алло-малар образига доир ҳайкаллари ҳам мумтоз қиёфали, енгил ру-ҳий ҳолатларда амалга оширил-ганлиги билан характерланади. Ўрта аср миниатюра санъати-нинг йирик намояндаси “Камоллиддин беҳзод” (1998 й., бронза) ҳамда “ҳазрат навоий” (1999 й., гипс) асарлари ҳам айнан мана-шу ёндошувнинг маҳсулидир.

Шунингдек, “Тўлқин бўй-лаб ҳаракат” номли пластик ҳайкали ўзгача шеърый ифодавий кўринишда тасвирланган. “Т.Тожихўжаев асарларини кузатар эканмиз, у ҳайкалтарошлик санъатида ўзига хос услубига эга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз” [2.38. Б.32.]. Унинг ижодий йўлини шартли равишда икки йўналишга бўлиш мумкин: биринчи – реалистик услуб; иккинчиси – рамзий ва мавҳумлашма услуб.

Т.Тожихўжаев реалистик услубда образ яратар экан, биринчи навбатда тананинг пластик хусусиятларини табиий кўринишга яқин ифодалашга интиилади. Унинг “Тонг”(1998 й., гипс) “Кўза кўтарган қиз”(2000 й., гипс),

“Амир Темур”(1998 й., бронза) ҳайкаллари бунга мисол бўлиши мумкин. “Амир Темур” асарида куч-қудрат ва тажрибали шахс сиймоси очиб берилган. Унда тасвирланган от қанчалик шаддот бўлмасин, Саркарданинг катъий бошқаруви олдида ожиз эканлиги тасвирланган. Иккинчи услуби, ифодаланаётган шаклларни умумлашма ёки рамзий белги ва мавҳум шакллар асосида яратилган асарлардан иборатдир. Шу хусусда унинг “Хур қиз”(2000

й., шамот) деб номланувчи ҳайкалини эътироф этиш лозим. Бу асар қирғиз халқ оғзаки ижодида оид ривоятлар асосида яратилган. У айнан ўзбек халқ оғзаки ижодида машҳур бўлган “Ёрил тош” эртаги билан бир хил воқеликка эгадир. Ушбу эртактаги кўриниш (тош ичидан қизнинг чиқиши) мазкур композициянинг бош ечими сифатида гавдаланади.

Унинг “Кураш” композицияси ҳаётий аҳамиятга эга бўлган фалсафий маъноли ижод маҳсулидир. “Асарда икки



Т.Тожиҳўжаев. Кураш, 1998 й.

ўспи-рин ўзаро куч синаётган пайти акс эттирилган бўлиб, ҳаракат жуда нисбий тарзда содир бўл-моқда: ҳали вояга етиб улгур-маган ўспиринларнинг нозик, эгилувчан таналари – ингичка, мувозанатда муаллақ, қалтис турган кўприкка мазмун жиҳат-дан қарама-қарши олинган. Композицияда ингичка кўприк ҳаёт сахнаси-ю, ўсмирлар унда ўзаро

курашмоқдалар, кураш эса иштирокчилардан матонат, сабр-бардош, зийраклик шунингдек, ақл-фаросат талаб этади” [3.43. Б. 26.].

Асардаги воқелик таранг жисмоний кўринишга мойил бўлса-да, бироқ ҳаракат динамикаси майин ва сокин ифодаланган. Чунки, унинг мазмунини белгиловчи келажак учун кураш фалсафийтаълимоти амалда қайсарликни эмас, балки руҳий сокинлик, ахлоқий вазминликка кўпроқ муҳтожлигини таъкидлашдир.

Т.Тожихўжаев

таниқли мусаввир
Б.Жалолов билан ўзаро
фикр алмашиш орқали
юзага келтирган
“Иккилик”(1998 й.,
пластилин) номли асарида
ижтимоий ҳаётнинг
муҳим муаммоли жараёни
таҳлил этилади. Унда
икки кўриниш (инсон
қиёфаси) тасвирланиб,
улар айна пайтда ҳаёт



Т.Тожихўжаев “Иккилик”, 1998 й.

машаққатларига жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёр ҳолатда ифода этилади. Асарнинг асосий ғояси – инсон ҳаётда ўз ўрнини топа билиши, турли жараёнларда зарур муво-занатни сақлаш олиши ва бардош-ли тарзда ўзини тарбиялаши ло-зимлиги ўқтирилади. Шу хусуси-ятларни Т.Тожихўжаев ушбу аса-ри орқали қуйидагича очиб бера-ди. Ҳайкалтарош ер шари тасви-рини ҳаёт рамзи сифатида олиб, унинг устида жисмонан баркамол ва ақлан комил инсон қиёфасини тасвирлайди. У икки қўлини шар устига қўйган ҳолатда бутун гавда қисмининг оғирлигини кўтариш билан орадаги мувозанатни сақлаб турибди. Унинг мустаҳкам пайлари ҳам



Сайёр Бобур. Ж.Миртожиев. 2000 й.

ижтимоий ҳаётдаги турли тўсиқларни енгиб ўтиш учун ҳар томонлама (руҳан ва жисмонан) тайёр эканлигидан далолат беради.

Назмий пластикали услубий ёндошувда Жалолиддин Миртожиевнинг тутган ўрни ҳам аҳамиятга моликдир. У тарихий ва портрет асарларида шерий характерга мувофиқ тимсолларни жўшқин ифодавий шаклларда акс эттирди. Ж.Миртожиевнинг “Темур Малик” (1990 й., бронза), “Бобур – Ватан соғинчи” (1996 й., бронза), “Сайёр бобур” (2000 й., бронза), “Ёмғир” (1995 й., бронза), “Беҳзод” (2000 й., латун) каби ҳайкаллари бу даврда яратган сара асарлари ҳисобланади. Бобур образи орқали ҳайкалтарош тарих саҳифаларида чуқур из қолдирган темурийзодалар наслига ўзининг самимий муносабатини билдиради.

Бобурнинг ватан соғинчида кечган мураккаб ҳаётини ифодалаш ҳайкалтарош томонидан бош мақсад этиб олинган. “Бобур – Ватан соғинчи” номли ҳайкалида она табиатидан олисда чеккан азоблари, унга бўлган руҳий

талпиниши гавдалантирилган. Асарда қаҳрамоннинг ватанидаги нозинъматларга илҳақлиги,¹⁶ шу орқали туғилиб ўсган диёрига бўлган ҳурмат эҳтироми баён этилган. Ж.Миртожиев тўрт йилдан сўнг ушбу образга қайта мурожаат этиб, “Сайёр Бобур” асарини ҳам яратди. Унда Бобур от устида тасвирланиб, сайёрликнинг руҳий қийноқлари билан кечаётган кураши ифодаланган.

Улаш Уроқов 1990-йилларнинг биринчи ярмига қадар образларни кўпроқ шаклан яхлит тасвирлаган бўлса, эндиликда уни поэтик руҳ билан суғоришга катта эътибор бермоқда. Инсон қиёфасини гоҳо ҳайрат, гоҳида эса ишқий лаҳзаларда ифодалаб, мураккаб шакл талқинларидан ҳоли қатор асарлар яратди. “Ҳаёл” (1992), “Шоир” (1993), “Миллий либосдаги аёл” (1994), “Севишганлар” (1996), “Кутиш” (1997) каби ҳайкаллари шулар жумласига киради. Ҳозирги дастгоҳли ҳайкалтарошликда ғоя ифодавийлигига эришишда ҳаёлий қувватга эрк бериш, хилма-хил ижодий ёндошувларни қўллаш кенгайиб бораётган айни пайтда, унинг ижоди ҳам муносиб аҳамиятга эгадир.

Бу йилларда орттирма даражали ва композицион эркин пластикали ёншошув замонавий тамойиллар ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда инсон руҳий оламидаги қалтис ҳолатлар ҳамда ҳаётий кўринишга айри бўлган пластик ифода йўллари шакллантирилди. Шу боис, айрим ҳайкалтарошлар ижоди замонавий йўналиш услубларига хос равишда, академик мезонлар раддияти ўлароқ орттирма пластик воситалардан эркин фойдаланишга асосланди. Улар образ ғоясининг ҳиссий таъсирини ошириш воситаси сифатида шаклан нотабий ҳаракатга таянувчи ифода йўлларини изладилар. Хусусан, Қ.Норхўрозовнинг “Ҳайқирик” (1990 й), “Қалб йиғиси” (2001 й), “Қалб садоси” (1994 й), А.Ҳотамовнинг “Сурхондарё гўзали” (2003 й), М.Бородинанинг “Аёл дизайни” (1997 й), “Манекен ҳайкали” (1998 й), “Масхарабозчилар” (1999 й), Т.Ёрқуловнинг “Автопортрет” (1996 й), А.Абраевнинг “Улоқ” (2000 й), А.Алиевнинг “Бибиҳоним” (2006 й) номли

¹⁶Яъни, ҳаддан зиёд муштоклиги, интизорлиги таъкидланган.




У.Улашев. Миллий либосдаги аёл. 1994 й.

хайкаллари шулар жумласидан. Услубий мумтоз йўналишнинг зидди бўлган мазкур композицияларнинг ғоявий мазмуни эркин шаклу-шамойиллар асосида бўртти-риб ифодаланди. Қурбон Нор-хўрозов фаолияти бу борада эътиборли шакл талқинлари билан катта аҳамият касб этади.

Алалхусус, унинг “Хайқирик”, “Қалб садоси”, “Хайрат”, “Келинчак” каби намуналари-ни эътироф этиш мумкин. Айниқса, ногиронларга бағиш-лов сифатида яратилган “Хай-қирик” асари ички пластикани яққолроқ кўрсатишга асосланган. Шунингдек, унинг “Қалб йиғиси”, “Қалб садоси” номли композициялари ҳам ташқи гармоник ифодавийликдан ҳоли равишда, руҳий кечинмаларга маълум ҳаракат шаклини беришга қаратилган.

Хайкалтарош фаолиятида образлар ғайритабиий ҳолда номутаносиб шакллар вобасталигида тасвирланиши хос




Қ.Норхўрозов. Қалб садоси”, 1994 й.

фазилатдир. У асосан азалдан инсоният эътиборини жалб этган руҳий ҳолатлар, айниқса изтиробли кечинмалар устида кўпроқ ишлагани учун орттирма шакллардан кенг фойдаланди. Масалан, “Тажоввуз-зулм” асарида инсон табиатидаги салбий сифатларни иллат даражасида ифодаланиши учун оддий шакллар кифоя қилмай, балки ижодкор мурожаат этганидек, орттирма даражали ифода йўли зарурий омил ҳисобланади. Чунки, бу мавзу маълум бўрттириш ва мажозийликка таянишни тақозо этади.

Булар албатта пластик ҳаракатларнинг ҳиссий ифода кучини зиёдрок кўрсатувчи янги ёндошув сифатида анъанавий тамойилларга замонавий

сайқал бериш борасида муносиб ўрин тутди. Улар мисолида 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида ноанъанавий тамойиллар асосида янги ҳажм хусиятлари ўзлаштирилгани кузатилади. Унинг ўзига хос томони инсон тана тузилиши вобасталигига ҳайрихоҳлик билан бўлса-да, руҳий кечинмаларни бўрттириб кўрсатишдан иборат. Бу шубҳасиз замонавий тамойилларда юзага келган янги ёндошувлардан бири сифатида белгиланиши мумкин.

Бўрттирма даражали ифода йўли А.Алиевнинг “Бибиҳонинг”, А.Абраевнинг “Улоқ”, А.Ҳотамовнинг “Сурхондарё гўзали” ҳайкалида ҳам ўзига хос касбий даражада ҳис этилган. Уларнинг шакл ҳаракатлари



Азамат Хатамов
«Сурхондарё» 2003, шамот.

Азамат Ҳотамов. Сурхондарё, шамот, 2003 й.

Қ.Норхўрозов ижоди сингари дағал кўринишдан ҳоли бўлиб, кўтаринки кайфиятни ифодалайди. Умумий қиёфа яхлитлигига хизмат қилувчи шакл ва ғоя уйғунлигининг бадиий пластикаси биринчи планда идрок этилади. Юқорида таъкидланган дастгоҳли ҳайкаллар эркин пластик ёндошувли ифода йўллардан бири сифатида анъанавий тамойилнинг янги бадиий талқини янглиғ юзага келди.

Композицион ижодий ёндошув ҳам ўз талқин хусусиятларига кўра олдинги босқич янги тамойилларининг узвий давоми ўлароқ дастгоҳли

хайкалтарошликда муносиб ўрин эгалламоқда. Гарчанд бу борада ижодий жадаллик юқори даражада кўзатилмаса-да, бироқ замонавий бадиий жараёнга оид жиҳатларининг бадиий салмоғи билан аҳамиятлидир.

Агар хайкалтарошлар 1990-йилларга қадар инсон тана ҳаракатлари ва унинг хусусиятларини ифодалашни мақсад этган бўлсалар, эндиликда бундай қиёфалар тимсолида композицион умумлашма кўринишларни тасвирлай бошладилар. Азамат Ҳотамовнинг “Сурхондарё” (шамот, 2003 й), “Санъат олами” (гипс, 2004 й), “Устун” (гипс, 2003 й), Т.Тожиҳўжаевнинг “Рамзий кушлар” (шамот, 2000 й), У.Мардиевнинг “Ратха-Кришна” (бронза, 2003 й), Д.Рўзиевнинг “XXI-аср композицияси” номли намуналарини шу ўринда таъкидлашмумкин. Бундай ифодавий ёндошув орқали ижодкорлар инсон сиймоси билан ҳамоҳанг бўлган маълум бир воқеликнинг пластик ҳолатини топишга эътибор бердилар.

Масалан, А.Ҳотамовнинг “Сурхондарё” хайкали бутун борлиғи билан табиат манзарасини ифодаласа-да, лекин унинг асосий кўриниши баланд қоялар устига жойлашган тепалик шаклида аёл сиймосини тасвирлаб, инсон ва табиат уйғунлигини акс эттиради. “Санъат олами” композициясида ҳам аёл образи уйғунлигида мавҳум пластик шаклларни қамраб олувчи қиёфа гавдалантирилди. Зеро асарнинг пластик хусусияти, уч ўлчамли хайкалтарошликка хос жиҳатлари – замонавий хайкалтарошликнинг янги ёндошуви асосида бажарилганлигини кўрсатади. Мазкур композицион асарлар мисолида дастгоҳли хайкалтарошликнинг бош объекти, яъни инсон тасвирига кўчма маънода мурожаат бошланганлиги кузатилади. Шу хусусда А.Ҳотамовнинг юқоридаги асарлари 1970-80-йиллардаги айрим хайкалтарошлар (А.Овсепян (“Ер” 1983 й), М.Гасимов (“Меърож” 1986) ва б) фаолиятига хос йўналишни муносиб давоми сифатида намоён бўлади. Т.Тожиҳўжаевнинг “Рамзий кушлар” номли композициясида меъморий ҳаробалар кўриниши замирида кушлар парвози гавдаланган. Янги давр дастгоҳли хайкалтарошлигида асарнинг ғоявий ечимини услубий жиҳатдан эркин ёритиш, кўпроқ ҳаёлот оламига эътибор қаратиш, миллий ўзига хос

фикр юритиш каби изланишлар ижодий жараённинг етакчи хусусиятига айланди.

1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида аёл образи аввалги ёндошувдан фарқли ўлароқ, аксарият ҳайкалтарошларнинг (У.Мардиев, Д.Рўзиев, Т.Тожиҳўжаев, Қ.Норхўрозов ва б.) ижодида қиёфани реал кўринишда қабул қилиш хос бўлмади. Аксинча у нотабий ва рамзий шаклларда талқин этилиб, ҳайкалтарошларни образга бўлган ҳиссий муносабатлари янги дунёқараш асосида намоён этилди. Ижодкорлар пластик ҳаракатларнинг янги шакл талқинларини кашф этиш билан бирга, аёл образини нозик рухий кўринишларига қизиқиш билан қарадилар. Ҳайкалтарош Улуғбек мардиев бу мавзуда шаклни умумий кўринишда тасвирлаб, унинг характерли томонларинигина деталлаштириш билан образ ечимини топишга эришди.

Дамир Рўзиев бу образни ифодалашда жисмоний баркамолликни эмас, балки образ мисолида инсон танасининг бир-бирига мутаносиб яратилганлигини изоҳлашга интилди. У аёл образини содда ва умумлашма кўринишда тасвирлаб, икки ён томонини ясси тарзда текислаш орқали ҳосил қилинган чизикларда ўз фикрини баён этди. Ҳайкалтарош ифодаламоқчи бўлган ғоя – инсоннинг тана тузилишида ўзига хос мутаносиб шакл ва чизгилар мавжудлигидир.

Таъкидлаш жоизки, бу давр дастгоҳли ҳайкалтарошлигида бадиий кулолчиликнинг айрим хусусиятлари билан ўзаро уйғунлашуви жиҳатлари ҳам бадиий кўргазмаларда кузатилмоқда. Бироқ, мазкур йўналиш бу давр учун аслида янгилик эмас, бу каби ҳолат 1970-80-йилларда С.Карлихонов (“Йигит ва қиз” (1982 й)), С.Султонмуродовлар (“Эски Тошкент” 1991 й., “Аёл” (1990 й)) ижодида ҳам кузатилган. Мазкур анъанага 1990-йиллар охиридан Н.Қўзиева ижодида мурожаат этилди. 2002-йили бўлиб ўтган “Муסיқа, пластика, ранг” кўргазмасида ҳавола этилган “бухоролик қиз” (2001 й), “Яхуда” (1993 й), “Кулдан пайдо бўлувчи қуш” (1999 й) номли бадиий кулолчилик асарлари шундай характерга эга.

1991-2005-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида анъанавий услубни сақлаб қолиш У.Мардиев, А.Ҳотамов, М.Мусабоев, У.Улашев ижодида кузатилса, Қ.Норхўрозов, Т.Тожиҳўжаев, Ж.Миртожиев, Д.Рўзибоев каби ҳайкалтарошлар замонавий бадиий жараён анъаналарини уйғунлигида чуқур изландилар.

Кўп ҳолларда улар ўз услубига содиқ қолишга ва такрорий ўхшаш жиҳатлардан сақланишга интилдилар. Образлар устида ишлаш борасида пластик янги шакл талқинларини кашф этиш, мавзу ғояларини шаклларда мавҳумлаштириш орқали фалсафий фикрларни ифодалашга катта қизиқиш билан қарадилар. Бу ҳол ҳайкалтарошлар томонидан мавзу талқинларини шаклан мавҳум тарзда тасвирлаш, ижодий жараёнда ҳаёлий туйғулар оламига берилиш натижасида хилма-хил ёндошувлар кўламини кенгайтирди. Ҳайкалтарошлар фаолияти замонавий тасвирий санъатнинг бадиий жараён хусусиятлари асосида кўринаётган бўлса-да, пластик имкониятлардан кенг ва моҳирона фойдаланиш таъқозо этилмоқда. Ижодий жараёнида пластик “тил” равонлиги билан бойитувчи асарларни бажарилиши муҳим вазифага айланмоқда. Шунингдек, ижодий жараёнда анъанавий услубий йўналишлар ҳамда замонавий санъат услубларига мурожаат этиш изга тушиб борди.

Бироқ, айрим ҳайкалтарошлар ҳорижий сайёҳлар ёки баъзи мулкдор шахслар эҳтиёжи учун ижод қилишга киришиб кетиши кузатилади. Бу вазият муаллифларнинг бадиий савия ҳиссини пасайиши ва ижодий салоҳиятига салбий таъсир этиши мумкин. Чунки савдо учун бажарилувчи дастгоҳли ҳайкаллар ижодкорларни бадиий кўргазма масъулиятдан ҳоли этиб, талабгор истагини таъминлашгагина мойил этади. Бундай асарлар оқибатида ҳайкалтарошликни санъатнавислик савияси тушиб кетиши, шунингдек ижодкорларнинг илғор оммавий ғоялар, умуминсоният маданияти доирасидаги бадиий фикрлаш қуввати сусайиб боришига олиб келиши мумкин.

1990-йилларнинг ўтиш даври шароитига қарамай Дамир Рўзибоев, Азамат Ҳотамов, Жалолиддин Миртожиев, Жўлдасбек Қуттимуродов,

Тўлаган Тожихўжаев, Туркман Эсонов, Тўлаган Ёрқулов, Қурбон Норхўрозов каби тажрибали ҳайкалтарошлар Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигида фаоллик кўрсатдилар. Улар замонавий бадиий жараён анъаналарига мурожаат этиб, пластик “тил” равонлигидан кенгрок фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шунингдек янги пластик талқинлар яратиш ҳамда ҳаёлий композициялар ғоявий асосини шаклан ёритиш борасида жиддий изландилар.

Шу боисдан 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида анъанавий ва замонавий тамойиллар асосида янги композицион ёндошувлар зухур этди. Анъанавий-реализм томоили бўйича портрет, тарихий, мавзули жабҳаларда сермахсул ижод қилинди. Унинг доирасида шаклланган назмий пластикали услубий ёндошув ўзига хос ифодавий шакл талқинлари билан ижобий аҳамият касб этди. Оҳангдор талқинларга асосланувчи мазкур ёндошувда шеърый характерга эга бўлган нозли тасвирлар ижод қилинди.

Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлигида зоҳир бўлган янги пластик хусусиятлар соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Айниқса, эркин ижодий ёндошув оқибатида орттирма даражали ва композицион ифода йўллари равонлашуви мазкур тамойилнинг янги натижаларидан бўлди. Ушбу ёндошув гарчан кенг кўламда бўлмаса-да, бироқ замонавий ижодий изланишлар самараси ўлароқ аҳамиятлидир. Уч ўлчамли ҳайкалтарошликка хос пластик тил ифодавийлиги айниқса, Қ. Норхўрозов, А. Хотамовлар ижодида пухта ўзлаштирилди. Маълум бўлмоқдаки, 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлиги анъанавий ва замонавий тамойиллар асосида янги тарихий даврнинг дастлабки жараёнида муносиб ўрин тутмоқда.

III.5. Дастгоҳли ҳайкалтарошликдаги янги услубий изланишлар

1997-йили янги ижодий имтиёзларга асосланган Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши ўтиш даврида нисбий ривожланаётган дастгоҳли ҳайкалтарошликда янги ижодий уфқларни очиб берди. Мазкур тизимнинг кўргазмали фаолияти соҳада шаклланиши қийин кечаётган замонавий фаол санъатнинг фалсафий ёндошувларини ўзлаштириш жараёнини ҳаракатга келтирди.

Чунончи, Республика ва Тошкент Халқаро Биеннале кўргазмаларини мунтазам ўтказиб борилиши ижодкорлар тафаккурида сезиларли ўзгаришлар ясаб, янги йўналишларни амалга тадбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди.

1990-йиллар бошларидан шу кунга қадар кузатилмаган

постмодернизм доирасида фикрлаш ва ижодий кўллаш амалиёти аста-секинлик билан ўз ечимини топа бошлади. Эндиликда ҳайкалтарошлар орасида

анъанавий ёндошувлардан кўра замонавийликка катта



Б.Мухторов. Кўриқчи кўнгиروقлар.

эътибор берадиганлари кўрина бошлади. Пировардида айрим пешқадам ҳайкалтарошлар томонидан ташаббускор ижодий ёндошувларнинг илгари сурилиши натижасида замонавий ривожланиш босқичи вужудга келди. Бу ҳол янги даврда кутилган муҳим натижалар сифатида ўтиш даври босқичидан бир давон кўтарилиш бошланганлигини кўрсатади. Айни пайтда янги бадиий жараёнларга қизиқувчилар сони ортиб борди. Алалхусус, Баёт Мухторов ва шогирдлари Рисдавлат Абдуллаев, Зиннур Гайфуллин, Ақром Тўраев, Алексей Торопов ҳамда Алексей Протопоповларни мисол келтириш

мумкин. Улар постмодернизм изланишларида ижод қилиб, соҳада туб ислохотларни қарор топишига муносиб хисса қўшдилар, шунингдек кўргазмали ҳайкалтарошликда янги ашёлар билан ишлаш техникасини жорий қилиб, умумий ривожланиш мавқеъини замонга мувофиқлаштирдилар.

Замонавий пластик санъат жабҳасида мустаҳкам ўрин тутаётган устоз-шогирдлар қисқа вақт ичида кўп ашёли услубий ёндошувлар бўйича талайгина малакавий натижаларга эришдилар. Масалан, анъанавий ҳайкалтарошликка хос бир ёки икки ашёвийликдан фарқли равишда рангли ойна, смальта, ёғоч, метал ва тери материалларини битта асарни ўзида уйғун ҳолда қўлладилар. Муаллифлар сифатли ва пухта



Амударё ҳақида дoston, Б.Мухторов. 2001 й.

ашёларни ноанъанавий пластик воситалар билан бирлаштириб, буткул янги ифодавийликни намоиш этишди. Бу уйғунлик шунчаки бўлмай, балки маълум ғоявий мақсадларни амалга оширишга хизмат қилди. Уларнинг композиция унсурлари ўз фазовий бўшлиғига эга бўлгани боис уч ўлчамли кўринишни бир нуқтадан кузатиш имконини берди. Хусусан, Б.Мухторовнинг “Кўриқчи кўнғироқлар” (смальта, метал, рангли ойна), “Амударё ҳақида дoston” (смальта, метал, рангли ойна) “Сижжакка саёҳат” (смальта, метал, ёғоч, тери) каби асарлари шулар жумласидан.

Баёт Мухторов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ композициялари замонавий тамойил анъаналарига асослангани боис, янги пластик кўринишга бой бўлди. Турли ашёлар йиғиндисидан ташкил топган майда унсурларни умумий шаклга бўйсиндириш каби ноанъанавий услубий ёндошувлар амалиётга олиб кирилди. Натижада академик ёндошувдан тамомила фарқ қилувчи мураккаб идрокли асарлар намоён бўлди. Бу турдаги асарларнинг динамик тузилиши сер ҳаракат аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, кучли тазод (контраст) жўрлигида бажарилди. Ҳозирга қадар бош мақсад сифатида мурожаат этилган инсон қиёфаси улар ижодида иккиламчи ўринга эга бўлиб, мавзули композициялар



Сиҷжасакка саёҳат, Б.Мухторов 2001 й.

устувор даража касб этди. Агарда инсон қиёфасига мурожаат этилса ҳам тана тузилишидаги гармоник хусусиятлари эътибор тортмай, аксинча умумий слует кўринишида олиниб, ғоявий жиҳатига урғу бериш билан кифояланилди.

Баёт Мухторов бошчилигида шакллантирилган янги тамойил анъанавий ҳайкалтарошликдан фарқли равишда асос қиёфага кўп ашёли

унсурларни бириктириш билан (метал воситасида ёпиштириш, пайванлаш) рангли композицион асарлар ижод қилишда кўзга ташланади.

Бу ижодкорлар эришган яна бир муҳим натижа соҳада муаммога айланаётган асарлар ҳажми кичра-йиб боришининг муқобили ўлароқ, катта ўлчамли ҳайкалларни тақдим этишида кўринади. “Негадир сўнгги пайтларда намоиш этилаётган кўр-газмали ҳайкалларнинг ҳажми кич-райиб кетмоқда, улар гўёки даст-гоҳли хусусиятларини йўқотиб, майда пластика ва амалий безакли ҳайкалтарошликка мансублашиб бормоқда. Аслида ҳаққоний дастгоҳ асарлар бир натурага якин ўлчамда бўлиши лозим.”¹⁷ Дарҳақиқат, 1990-йилларда ўтказилган кўргазмалар ҳайкаллар ҳажми бир неча баробарига кичрайганлигини исботлайди. Айрим ҳайкалтарошлар, жумладан Ж.Миртожиев (“Алишер Навоий” 2 м.), Аҳмад Шаймуродов (“Алишер Навоий” 1м., 10 см), М.Облақулов (“Ўсмир”, 1 м., 15 см) лардан ташқари, деярли аксарият ижодкорлар асарлари кичик ўлчамни ташкил этади. Шу маънода Баёт Мухторов бошчилигидаги ҳайкалтарошларнинг йирик ҳажмли ҳайкаллари юқоридаги масаланинг амалий ечими бўйича эътиборлидир.

Баёт Мухторов ташаббусидаги янги услубий ёндошувлар замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошликда эришилган энг катта ўзгариш сифатида баҳоланса арзийди. Ижодларида шаклу-шамойилларнинг замонавий талқин этилиши ва касбий маҳоратлари янги техник услубда камол топаётганлиги фикримизга асос бўлади.

2003-йилда Баёт Мухторов-нинг шахсий кўргазмасида кўзга ташланган юқоридаги хусусиятлар замонавий Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлиги ривожига муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Чунки унинг шогидлари ҳам янги бадиий жараён ижодий-фалсафий хусусиятларини жиддий ҳис қила бошлаганликлари шу кўргазмада яққол намоён бўлди.

Бу ёш ҳайкалтарошларни постмодернистик изланиш асосида ижод қилишлари замонавий ижо-дий ёндошув тамойилларига мос келиши мумкин,

¹⁷ Ҳайкалтарош Аҳмад Шаймуродов билан ижодий суҳбат. 2007 йил, апрел.

бирок, мумтоз ҳайкалтарошлик касбий таълимини пухта эгаллаш, бу борада назарий ва амалий кўникмаларни мукаммал ўрганишга ҳам катта эътибор беришлари лозим. Зеро назарий қонуниятлар доирасида чегара билмайдиган ва касбий малакага кучли эҳтиёж сезмайдиган бундай йўналишлар ёш ҳайкалтарошлар ижодини тўлиқ қамраб олмаслиги керак. Чунончи, ноанъанавий пластик кашфиётларга берилишлари янги бадиий жараён ўзлаштируви жиҳатидан ижобий кўринса-да, бирок бу, мумтоз анъаналар бўйича кўп йиллик тажриба тўплаб улгурмаганликлари боис, ижодий фаолиятларида жиддий “ўзгаришлар” ясаши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан янги йўналиш билан бирга, реалистик услуб бўйича пластик ҳиссиётларини доимий назоратда тутиб, уни янги изланишлар билан бойитиб боришлари лозим кўринади.

XX-аср охиридан жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган техник тараққиёт ва маданий ҳаётда содир бўлаётган замонавий бадиий жараёнлар тасвирий санъатда бўлгани каби, ҳайкалтарошликда ҳам янги ёндошувларни таъминлай бошлади. Умумжаҳон маданияти ва санъатида рўй бераётган глобаллашув жараёни, электрон алоқа алмашинуви (интернет тармоғи ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши) муносабатлари, шунингдек Халқаро кўргазмалар доирасининг кенгайиши ижодкорлар онгида ҳам кескин ўзгаришларни пайдо қилмоқда.

Бинобарин, 1990-йиллар охиридан ўтказила бошланган Тошкент Халқаро Биеннале кўргазмаларида намойиш этилган пластик характерли инсталляция қурилмалари ҳайкалтарошларнинг бадиий тафаккурини четлаб ўтмади. Аксинча, айрим ижодкорлар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиб, замонавий тамойиллар доирасини янада кенгайишига сабаб бўлди. Чунончи, бундай ижодий эркинликдан унумли фойдаланиб, пластик санъат ёндошувларини қабул қилаётган рангтасвирчилар В.Охунов, Ж.Усмоновлар ижоди ҳайкалтарошлар дунёқарашларида ҳам талайгина ўзгаришларни шакллантира бошлади.



А.Навоийнинг Қуш тили достонига бағишлов. Жамол Усмонов. 2001 й.

Дарҳақиқат, Жамол Усмонов ва Вячеслав Охуновнинг ижодий фаолиятида кенг омма учун янгилик бўлган уч ўлчамли пластик воситаларни муайян фонда акс эттирилиши аҳамиятли бўлмоқда. Вячеслав Охуновнинг “Унитилган кум” (2001й., “Рух ва ҳаёл” кўргазмаси), Жамол Усмоновнинг “Қуш тили”, “Ташналик”, “Баҳор”, “Шахмот доналари” ҳамда “Сароб” (2001й., “Рух ва ҳаёл” кўргазмаси) номли инсталляция туркум асарларини шу хусусда таъкидлаш мумкин.

Бу борада айниқса Жамол Усмоновнинг ижодий ёндошуви катта аҳамият касб этмоқда. У “Рух ва ҳаёл” кўргазмасида Алишер Навоийнинг “Қуш тили” асари асосида рухий камолотга эришиш босқичларини шаклий талқин қилишга интилди. Ҳазрат Навоий илгари сурган ғоявий мақсадлар шаклан рамзий унсурларда ифодаланди. Масалан, машаққат ва риёзатсиз ҳаётда мурасасиз яшаётган ўрмон қушлари¹⁸ раҳбар¹⁹ ёрдамида Қоф тоғига

18 Мазкур қушлар нафс исганжасида бўлган инсонлар тимсолини билдиради.

ихтиёрий сафар қилиб, одил Подшо талабида йўлга юришлари давомида кечадиган оғир синовлар ифодаси ижодкор томонидан бир қадар англаб етилгани сезилади. Бу туркум асарда ям-яшил хушманзара маконнинг ранг ва ашёлар асосида босқичма-босқич ўзгариб бориши содир бўлаётган йўл машаққатларини ифодалайди. Композиция якунидаги мовий матонинг



А.Навоийнинг Қуш тили достонига бағишлов. Жамол Усмонов.2002 й.

коинот рамзи сифатида олинishi, Қоф тоғи сиймосини англатади. Албатта ижодкор бу ҳолатларни кўрсатишда ҳайкалтарошлик унсурларига эҳтиёж сезиб, маълум пластик даражада амалга оширган.



Рух ва ҳаёл кўргазмасида намоиши этилган “Оролга бағишлов” инсталляцияси. Ж.Усмонов. 2001 й

Жамол Усмоновнинг “Қуш тили” асосида бажарилган ожизлар баҳси ҳам ифодали очиб берилган. Филни турли аъзоларини ушлаб ўз сезгилари орқали уни турфа хилда изоҳлаётган ирфоний образлар соф ҳайкалтарошлик воситасида амалга оширилган. Мазкур инсталляциянинг таъсирчан чиқиши билвосида чироқлар билан ёритилган тўлиқ фигураларнинг маълум бир сирли муҳитини юзага келтириши билан белгиланади. Шунингдек, мазкур

19 Худ-худ тимсолида турли сўқмоқлардан соғ-омон мақсад сари олиб борувчи муршиди комилни англатади.

кўрғазмадаги “Оролга бағишлов”, “Сароб”, “Рухнинг келиб чиқиши”, “Баҳор”, “Шахмот доналари” каби асарлари ҳам ҳайкалтарошлик жўрлиги асосида ўзига хос ечимда бажарилган. 2000-йилларда грант асосида хорижда таълим олган янги авлод ижодкорлари ҳам замонавий бадиий жараён ёндошуви оқибатида пластик имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Чунончи, Италия бадиий таълимини олган Камол Бобоевнинг ижодини шу ўринда тилга олиш мумкин. Унинг кўрғазмасида намойиш этилган “Қиёфалар”, “Захириддин Муҳаммад Бобур” номли асарлари янги пластик санъат сифатида таъсурот қолдирди. У инсон қиёфасини метал ленталари орқали маълум силуэт тарзида гавдалантириб, ҳайкалтарошликка хос маҳоратни намойиш этди. Шу каби замонавий шакл талқинлари бошқа ҳайкалтарошлар ижодий ёндошувига ҳам сингий бошлади. Кейинчалик ўтказилган Халқаро миқёсдаги кўрғазмаларда бу ҳолат яна-да кенг ўзлаштирилгани кўзга ташланди.

Масалан, 2007-йили (Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида) бўлиб ўтган “Консталляция P.S” номли кўрғазмада замонавий жараёнда ривожланаётган илғор тамойиллар намойиш этилди. Унда айниқса, ёш ижодкорларнинг чуқур фалсафий мазмундорликка мойил ноанъанавий композиция намуналари кенг ўрин эгаллайди. Хусусан, Д.Юлдашевнинг “Фазовий жараёнини англаш” қурилмаси фалсафадаги билиш назариясининг моддий ва ҳиссий услубда тушуниладиган мавжудликнинг икки қонунини ифодалашга қаратилган. Ижодкор моддийликни қора квадрат орқали, ҳиссий билишни эса оқ-шаффоф нурланиш кўринишида тасвирлайди. Қора квадратнинг моддийлик рамзи сифатида олиниши – мазкур билиш назариясига салбий муносабат белгиси бўлмай, балки, унинг амалий аҳамиятини бўрттириш мақсадида фойдаланилган. Чунки, қоралик – энг тўқ ва аниқ ранглардан саналади. Аниқлик билан кўзга яққол ташланувчи бу ранг орқали моддийлик ҳақиқатига чуқурроқ ёндошиш рамзи ифодаланган. Ҳиссий билиш эса бунга кучли тазод ҳолида нур-зиё тимсолида

тасвирланиб, бу ҳам моддалар ҳақиқатини кучли ҳиссиёт нури билан ёритиш маъносида ижод қилинган бўлиб, юксак маънавий онг камолини англатади.

Елена Камбина тақдим этган ўта йирик ҳажмли қоғоздан ясалган кема тасвири томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки залнинг экспонат девори юзасини ҳайбат билан ёриб чиқаётган бу улкан кема, кўргазма иштирокчиларининг деярли барчаси учун таниш кўринишдир. “Ёриб ўтиш” деб номланган мазкур асар инсонга доимий ҳамроҳ бўлган орзу-истаклари, ўй-хаёллари ифодаси ҳисобланади. Ижодкор таъкидига кўра: - “Болалар эрмаги – қоғоздан ясалган кема ёшлик орзу-умидларининг тимсоли сифатида тўсиқни ёриб ўтади. Кимлар ўз қўли билан кема ясаб, узоқ жозибаларга бой сафарга юбормаган? Шундай болалардан бири, катта бўлгач ҳам ҳавас билан яшашни унутмайди, барча орзулари рўёбга чиқишига ишонади, бошқаларни ҳам эргаштиради. Унинг назарида енгиб бўлмайдиган тўсиқ, ғов йўқ, фақат жасорат даркор. Кунт-қайсарлик олдида барча машаққат чекинади. Енгиш равиши мароқли туюлади.”²⁰ Елена Камбина ўз ғоясини кузатувчи ҳиссий туйғуларини жумбушга келтира оладиган даражада бадиий талқин эта олган. Мазкур асарнинг шаклу-шамойили ва ишланиш услубида янги кашфиётнинг йўқлиги тўғри, бироқ оддий ва тушунарли кўринишга эга бўлган бу ижод маҳсули ҳаётийлиги билан бирга, ғоявий талқини жиҳатидан муҳим бадиий қиймат касб этади.

Мазкур кўргазма воқеликка нисбатан ижодкор онгида шаклланаётган янги замонавий ёндошувлар намоишига хизмат қилди, дейиш мумкин. Асарлар орасида Фаррух Аҳмадалиевнинг “От” (гипс, ранг, 2007 й) номли ҳайкали эътиборга лойиқдир. Ёш ҳайкалтарош инсонда меҳр-шавқат фазитларини улуғлаш нақадар олий вазифа эканлигини таъкидламоқчи бўлади. “Мен йиртқич ҳайвонларнинг ўз ўлжаларига ташланиб уни тилка пора қилганларини кўп кузатганман. Лекин биз ҳайрон бўлмаймиз. Негаки улар йиртқич ҳайвонлардир. Инсончи? У онгли-ку. Нега у ўз нафси йўлида

²⁰ ЎзБА Консталляция кўргазмаси. 02.02.2007 й., Тошкент, асар иловасида келтирилган изоҳдан олинди.

севимли отини бамайлихотир сўйиб ейди... Мен бу отни худди сизу-биздек қилиб қийинтирдим. У янада гўзал бўлди. Мақсад: инсонлар диққатини яна бир бор унга қаратмоқчи бўлдим.”²¹ Ф.Аҳмадалиев ўз хоҳиш истаклари йўлида иккиланмай инсонлар жонига қасд қилувчи одамлар учун отнинг рамзий тимсолида гўзаллик, вафо ҳамда меҳр мурувватни маҳв этилаётганлигини баён этади. Тасвирий ифода йўлида мазкур ғоянинг амалга оширилиши реалистик услуб билан замонавий ёндошув уйғунлигида кузатилади. Реал қиёфани жозибали ранглар ёрдамида нотабиий кўринишда акс эттиради.

Фанис Аҳмедзянов ва Виладимир Елизароларнинг “Юксалиш” номли асари тошлар дунёси замирида рамзий ўхшатмалар мавжуд. Масалан, ижодкорлар жонли мавжудодлардан кўра узоқ вақт ўз жисмида яшай оладиган қаттиқ ашёларни тараққиёт тимсолига тенглаштиради. Чунки улар бер неча даврий босқичларни гувоҳи ҳисобланади. Қадимги дунё санъатига тегишли нодир тош ёдгорликлари ҳали-ҳануз сақланиб келиниши ижодкорда мазкур тушунча уйғотган бўлиши мумкин. Зеро табиатдаги барча моддий борлиқ ўзининг маълум ўлчамдаги фоний ҳаётига эгадир. Шундай бўлса-да, улар ушбу манбада ғояга мансуб рамзий қиёс топа олганлар. “Кимдир тошнинг инсониятдан ҳам узоқ азалий қисматини фараз қилар, тош одам ҳақида чўпчак айтиб бериши мумкин. Фақат тикилиш, разм солиш лозим.”²²

“Тарих. Қаҳрамонни излаш” номли Ўктам Саидовнинг буюст ҳайкалари ноанъанавий йўналишда янги ғоявий-бадиий ечимларни ифода этди. У оқ мато билан ўралган бир неча буюстларни турли масофаларда жойлаштириб, улар орасидан тарихий қаҳрамон – Муқаннани излаш кузатувчи эътиборига ҳавола этилади. “Яъни ҳаётда ҳам ўз ватандошларимиз

21 Шу кўргазмадаги асар иловасида келтирилган изоҳдан олинди.

22 ЎзБА Консталляция кўргазмаси. 02.02.2007 й., Тошкент, асар иловасида келтирилган изоҳдан олинди.

ичида Муқаннага ўхшаган мустақиллигимизни, озодлигимизни кадрига етадиган халқ қаҳрамонини топишга томошабинни чорлайди.”²³

“Консталляция P.S” кўргазмаси – сўнгги йилларда пластик санъат “сахнасида” рўй бераётган энг янги ижодий изланиш самараларини ўз ичига камраб олади. У орқали ҳайкалтарошлик инсталляция оқими таъсирида гарчанд куйи кўрсаткичда бўлса-да, муносиб ривожланётганлигини англаш мумкин.

2006-йили замонавий санъат марказида бўлиб ўтган “Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги 1991-2006” номли мустақилликнинг 15-йиллигига бағишлаб ўтказилган махсус кўргазма замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошлик ривожини бўйича аниқроқ маълумот беради. Унда профессионал маҳоратга эга бўлган ҳайкалтарошларнинг деярли аксарияти иштирок этдилар. Янги тарихий даврда илк бор ўтказилган мазкур кўргазма ўтган ўн беш йил давомида шаклланган ижодий тамойиллар ва айрим муаммоларни намойиш этди. Тақдим этилган асарларга асосланиб айтиш мумкинки, дастгоҳли ҳайкалтарошликда анъанавий йўналишлар билан бирга замонавий тамойиллар ҳам ривожланиб бормоқда. Агар А.Раҳматуллаев, Ж.Миртожиев, Т.Тожиҳўжаев, У.Мардиев, А.Шаймуродов каби маҳоратли ижодкорлар фаолиятида анъанавий реализм ва айрим эркин шаклий ёндошувлар кузатилса, Қ.Норхўрозов, А.Ҳотамов, У.Уроқов, Т.Тожиҳўжаев, М.Аблокуловлар ижодида Шарқ назмий пластик услубиёти, шунингдек, М.Бородина, С.Шарипов, Б.Мухторовлар фаолиятида эса янги услубий ташаббускорлик сезилади. Кўргазманинг умумий даражаси – дастгоҳли соҳада жанрли ёндошувлар амалиёти ўз салмоғидан тушиб бораётганлиги ва замонавий янги тамойиллар унинг ўрнини тўлдириб бораётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, С.Турсуновнинг “Муסיқачи” (2004), Т.Тожиҳўжаевнинг “Ўйчи” (2006), “Донишманд” (2003), “Тўлқин бўйлаб ҳаракат” (2002), А.Абраевнинг “Улоқ” (2004) каби асарлар 1990-йиллар

²³ Шу кўргазмадаги асар иловасида келтирилган изоҳдан олинди.

дастгоҳли ҳайкалтарошлиги ривожда муносиб ўрин эгаллайди. Шунингдек, А.Раҳматуллаев, У.Мардиев, Л.Рябцевлар тамойиш этган реалистик услубли портретларлар ҳам анъанавий йўналишлар борасида эришилаётган ижодий ютуқлардан саналади.

Моҳир ҳайкалтарош Марина Бородина ижоди сўнгги йилларда постмодернистик ёндошув билан бирга, инсталляция шакли доирасида кўзга ташланмоқда. Унинг “Мазҳарабозчилар” (метал), “Манекен” (метал), “Аёллар дизайни” (шамот), “Илҳомланиш” (гипс) ҳамда “Энг яхши шифокор”, “Тарона рекордс”, “Ўзбегим таронаси” каби соврун асарлари постмодернизм тамойилига хос кўринишда амалга оширилиши, дастгоҳли ҳайкалтарошликда замонавий бадиий жараён анъаналари муносиб ўзлаштирилиб борилаётганлигини англатмоқда.

Инсталляция асарлари сирасига “Мягкое и острое” (1998 й., пўлат сетка, латунь), “Ўсимлик шовқини” (пўлат, алюмин, 1999 й), “Қишнинг туғилиши” (гипс, 2004 й) номли пластик қурилмаларини киритиш мумкин. Мазкур инсталляциялар ўзининг мақсадли топилган илғор ҳажмий хусусияти билан 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида катта ўрин эгаллайди. Унинг “Қишнинг туғилиши” номли инсталляцияси бежиз яратилмаган. Ижодкорнинг ҳаётий кузатувида кўзга кўринган оддий воқелик асар ғоясини белгилаган. Қишнинг изғирин чилласида ювилган кийимларнинг ажиб кўринишда музлаб, қизиқ шаклу-шамойилга кириши ижодкор эътиборини тортган ва бу ҳолатни гипс воситасида амалга оширишга эришган.

Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлигида Сайидолим Шарипов ҳам ўз йўналиши устида изланиб, бадиий мукаммал асарлар ижод қилди. У хаттотлик ёзувларининг пластик ечимини қидириб, бу борада ижобий натижаларга эришди. Масалан, буюк калом – Аллоҳ ва Муҳаммад (саллоллоҳи алайҳи васаллам) ёзувларини тўрт ўлчамли кўринишда ҳар тамондан тўғри ўқиладиган пластик шаклни кашф этди. Мазкур композицияни компьютер воситаси ёрдамида мовий фон билан уйғунлаштириш орқали ифодавий таъсирчанликни оширишга эришди.

Ҳайкалтарош бундан ташқари майда пластик бўртма тасвирлар устида ҳам самарали ижод қилди. Шулар замирида унинг замонавий ҳайкалтарошликни ривожлантириш бўйича ўзига хос ижодий йўналишини шаклланаётгани сезилди.

1990-йиллар замонавий ҳайкалтарошлигида образни бадиий ҳис қилиш ва унинг ички сийратини очиқ беришда олдинги тамойиллардан фарқли томонлари шакллантирилди. Ҳозирдаги замонавий услубга эга бўлган ҳайкалларни алоҳида портрет, маиший ва бошқа кесимда ўрганишга ҳожат қолмади. 1990-2007-йилларда яратилган дастгоҳли ҳайкалларда инсонни табиий кўринишдаги руҳий оламини ёритиш эмас, балки умумий қиёфалари замирида ғайритабиий шамойиллар ижод қилинмоқда. Шунингдек, бу турдаги асарларга баъзан образ доирасидан ташқари, ижодкор руҳий оламига оид ҳиссиётлари ҳам сингиб бормоқда. Уларнинг эркин ижодий фаолиятлари шу даражага етмоқдаки, бадиий ифодавийлик образ талқинига доир ёндошувларни кўпёқламалик шаклларга асосламоқда (У.Мардиев “Кришна”, 1998, Азамат Ҳотамов “Аёл талқини”, 2003).

Хулоса қилиб айтганда, 1991-2005-йиллар Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтаошлиги ижодий жараёнининг мураккаб шароитга тўғри келиши, ривожланиш суръатига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Кам сонли ҳайкалтарошлар ижодига таянган мазкур соҳа замонавий ривожланишни таъминлаш борасида мураккаб жараёни бошдан кечирди. Чунончи, дастгоҳли асарларга эҳтиёжнинг тушиб кетиши пировардида ҳайкалтарошларнинг ижодий меҳнат манфаатдорлиги камайди. Бу албатта кўرғазмали ҳайкалтарошлик ижодий фаоллигига монелик қилиши билан бирга, соҳа ривожига жиддий таъсири сезилмади. Натижада янги тарихий даврда мазкур соҳа географик ҳудудлар бўйича ривожланишдан бир мунча ортда қолди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро мактабларидан бошқа ҳудудий ҳайкалтарошлик амалиётдан четта қолди. Ҳанузгача бадиий кўрғазмаларда намоиш этилаётган асарлар орасида Республикамиз вилоятлари ҳайкалтарошлари иштирокининг учрамаслиги ҳам шундан далолат беради.

Ҳолбуки, вилоятлар бўйича касбий жадалликни қўлга киритишга хизмат қилувчи ижодий кучларни (Камолиддин Бехзод номидаги МРДИда) етиштириб чиқиладиганига ҳам кўп йиллар бўлди. Лекин, айти пайтда соҳанинг ижодий жараёнини юқоридаги мактаблар авлодларигина белгилаб келмоқда. Аксарият ижодкорлар педагогик фаолият билан чекланаётган бўлса, айримлари соҳадан йироқлашиб қолмоқда. Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигидаги мазкур муаммони тамомила ҳал этиб, ундан ривожий фойдаланиш долзарб масала сифатида ўз ечимини кутмоқда. Бу ҳол соҳа мутасаддилари янги авлод ижодкорларини касбий фаолликка олиб кириш бўйича ижодий раҳбатлантириш билан боғлиқ вазифаларнинг амалий ечимини таъминлашлари тақазо этилади.

Албатта, бу каби мураккаб ижодий вазиятга қарамай, эришилган натижалар орасида ривожланишнинг маълум даражасини белгиловчи ижобий томонлари ҳам мавжуд бўлди. Жумладан, Дамир Рўзиев, Азамат Ҳотамов, Жалолиддин Миртожиев, Жўлдасбек Қуттимуродов, Тўлаган Тожиҳўжаев, Туркман Эсонов, Баёт Мухторов, Тўлаган Ёркулов, Қурбон Норхўрозов каби ҳайкалтарошлар фаолиятида анъанавий ва замонавий янги тамойилларга хос эркин пластикали услубий ёндошувлар шакллантирилди. Улар ижодида постмодернизм услубий ёндошувлари бўйича пластик шаклдорлик ривожига эришилди.

1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг анъанавий-реализм тамойили бўйича портрет, тарихий, мавзули жабҳалар давом эттирилиб, бу борада назмий пластикали услубий ёндошув бир қадар миллий йўсинда ривожлантирилди. Бироқ, анъанавий-реализмда эришилган натижалар олдинги ривожланиш босқичидан қуйи даражада белгиланишини таъкидлаш керак. Инчунун, амалда қўлланилган портрет, мавзули ва тарихий жабҳалар ички услубий ва касбий маҳорат бўйича янги пластик талқинларга муҳтож эканлиги сезилади. Мавзули йўналишда эса ҳамон эски тасвирий-ифодавий воситалардан ҳоли ижод қилишга барча ҳайкалтарошлар ҳам эришган дейиш қийин. Тарихий асарда ҳам маҳобатли ҳайкалтарошлик бўйича ишланган

ёдгорлик лойиҳаларини инобатга олмаганда, махсус бажарилган асарлар учрамайди. Қайд этилган бу ҳолат анъанавий ёндошувларни 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида долзарб эканлигини англатади.

Янги давр анъанавий тамойили негизида назмий пластикали услубий ёндошув бир қадар ривожланиши, кўргазмали ҳайкалтарошликнинг ижобий ютуғи сифатида баҳоланиши мумкин. Зеро Т. Тожиҳўжаев, Т. Ёркулов, Ж. Миртожиев, У. Уроқовлар ижодига хос мазкур ёндошувли шакл талқинлари 1990-йилларнинг янги натижаларидан бири ҳисобланади.

Анъанавий ҳайкалтарошлик бўйича йирик муаммолардан бири – дастгоҳли асарлар ҳажмининг кичрайиб боришида кузатилди. Сўнгги йилларда намойиш этилган кўргазмали ҳайкаллар майда безакли пластикага хос кўриниш касб этиб, дастгоҳли соҳага тегишли хусусиятлардан бегоналашиб бораётганлиги долзарб масала сифатида кўринди. Бунинг оқибатида соф анъанавий ҳайкалтарошлик салмоғининг сақланиб қолиши кафолатсизланиб қолмоқда.

Замонавий бадиий жараёнда зоҳир бўлган эркин пластик ёндошувга оид орттирма даражали ва композицион ифода йўлларининг пайдо бўлиши ҳам янги ижодий натижалар жумласига киради. Гарчанд ушбу ёндошувнинг фаоллик кўлами кенг бўлмаса-да, Қ. Норхўрозов, А. Ҳотамов, Т. Тожиҳўжаевлар ижодида янги самараларни қўлга киритилиши аҳамиятли бўлди.

1990-йиллар охиридан Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг ривожланиш жараёнида янги натижаларга эришиш бошланди. Бу борада Баёт Мухторов ва шогирдлари ижоди катта ўрин элаллади. Уларнинг фаолияти орқали ҳайкалтарошликда замонавий пластик услублар ва янги ашёлардан кенг фойдаланиш амалиётга олиб кирилди. Шунингдек, инсталляция оқими таъсирида ҳам янги ҳажмий-ғоявий тузилишлар кашф этилди. Рангтасвирчилар ижодида жадалроқ кўринаётган мазкур оқим таъсири Марина Бородина ижодига сингий бошлади. У 2006-йилда ўтказилган “1991-2005-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги” кўргазмасида жиддий

инсталляцияли композицияси билан иштирок этиши муҳим воқеа бўлди. Бундан ташқари, тасвирий санъат галереясида 2007-йилда тақдим этилган “Констеция P.S” ва “Пилланинг ўғирланиши” номли кўргазлар ҳам янги бадиий жараён анъаналарини ёшлар томонидан ўзлаштирилаётганини асослайди.

Юқоридаги мулоҳазаларга кўра айтиш мумкинки, 1990-2007-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигини умумий кўринишда икки даврий характерга ажратиш мумкин. Биринчи - янги шароитдан ўтиш даври бўлиб, у 1990-йиллар сўнгги чорагига кечган жараёнларни камрайди. Бу даврда Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги янги шарт-шароитдаги бир қадар мураккаб босқичдан ўтиши асносида дастгоҳли ҳайкалтарошлик ривожига жиддий натижа бериши қийин кечди. Шунга қарамай, анъанавий мавзули йўналишда юқорида айтилган ёндошувлар муносиб равишда ўзлаштирилди. Биринчи давр учун ноанъанавий ёндошув бўйича кузатилган ижодий хусусиятлар муҳим ҳисобланади. Жумладан, ҳайкалтарошликка хос талқин усулида ғоявий мақсадни шаклан равоқ ифодалаш, ҳажмий ҳаракат тасвири билан бирга, ички пластик ҳолатларни ҳам муфассал ёритишга эришилди. Шунингдек, мавзули композицияли асарлар бадиий талқинида ҳам мураккаб ифодавийлик намоёниш этилди. Иккинчи - Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилгандан кейинги йиллардан сезила бошлаган замонавий янги тамойилларни шаклланиш даври. Мазкур даврда замонавий бадиий жараёнга мурожатнинг ортиши постмодернизм билан боғлиқ ижодий изланишларни чуқурлаштириб, ўзига хос ривожий тўлқинни юзага келтирди. Бу ҳол 1991-2005-йиллар Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг замонавий тамойиллар асосида ривожланиш жараёнига кириб келганлигидан далолат берди. Дастлабки жараёнда Дамир Рўзиев, Баёт Мухторов, Марина Бородина ҳамда Сайидолим Шарипов сингари кам сонли ҳайкалтарошлар томонидан ҳаракатга келтирилган бўлса, сўнгги пайтларда Жамол Усмонов, Елена Камбина, Камол Бобоев, Ўктам Саидов каби ижодкорлар фаолияти

билан янада баландроқ даражага кўтарилиши янги ижодий йўналишларни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади.

Ҳотима сифатида айтиш мумкинки:

- 1990-1996-йилларда портрет асарлар билан бирга, мавзули ҳайкалтарошлик гарчанд анъанавий хусусиятини сақлаб турган бўлсада, айрим жиҳатдан янги ёндошувларни ҳам намоён этди. Масалан, назмий пластикали ва бўрттирма даражали услубий ёндошувлар шулар жумласидан. 1997-2005-йиллардан умумжаҳон бадиий жараёнида кечаётган янги ижодий йўналишлар кўрина бошлади.
- Анъанавий реализм йўналиши 1970-80-йилларга нисбатан сезиларли даражада сусайиб, мавзули композицияли ва бадиий кинояли услубий ёндошувлар билан уйғунлаша бошлади.
- XXI аср бўсағасидан дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг умумжаҳон пластик санъати таъсирида замонавий бадиий жараёнга мойиллиги ортиб борди.
- 1990-йиллар охиридан бирқатор ижодкорларнинг янги, умумжаҳон бадиий кашфиётларига асосланган йўналишга мурожаат этишлари замонавий дастгоҳли ҳайкалтарошлик ривожини қувватлади.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда ҳайкалтарошликнинг шаклланиш жараёнида қуйидаги ижодий босқичларни шаклланганлигини қайд этиш лозим:

биринчи – илк ҳайкалтарошлик намуналарининг пайдо бўлиши (мелоддан олидинги II-I-минг йилликларга хос ибтидоий ҳайкалтарошлик);

иккинчи – мелоддан олдинги IV-аср охири мелодий IV-асрлардаги кадимги ва антик ҳайкалтарошлик (Аҳоманийлар, греклар, кушонлар бадиий маданияти таркибидаги давр);

учунчи – илк ўрта асрларда Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Термиз худудидаги ҳайкалтарошлик;

тўртинчи – XIX-аср охири XX-аср Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги;

бешинчи – 1991-йилдан бошланган мустақил Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги даври.

XX аср Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида – 1950-60-йиллардан зухур этган ривожланишнинг бошланиш даври; 1970-80-йилларга хос ривожланиш даври йирик ижодий босқич ҳисобланади. Айни пайтда реалистик мактаб анъаналарини миллий ёндошув асосида ўзлаштириш, ижодий куч ва касбий тажриба тўплаш жараёнларини босиб ўтди. Бироқ, собиқ партия йўлбошчилари ҳайкалларининг кенг тарқалиши маҳаллий муҳитга мос асарлар мавқеъига, қолаверса соҳанинг миллий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Шунга қарамай маҳоратли ижодкорлар сафи кўпайди, ижодга рағбатлантирувчи омилларнинг пайдо бўлиши – дастгоҳли ва маҳобатли ҳайкалтарошлик тезлик билан ўзига хос томонларини мустаҳкамлашига туртки бўлди.

Хусусан, дастгоҳли соҳа ижодкорлари эндиликда анъанавий реалистик ёндошувдан ташқари, рангтасвир усталари каби мавҳум (абстракцион) композицияли ижодий изланишга интилдилар. Натижада мумтоз тасвирий

санъат қонуниятларидан узоқлашган ижодкорлар фаолиятида ўзига хос рангбаранг услубий ёндошувларнинг намоён бўлиши, ҳайкалтарошликка янги қиёфа бағишлади. 1970-йилда Маданият Вазирлиги қошида ҳайкаллар ишлаб чиқариш комбинатининг пайдо бўлиши маҳаллий шароитда турли ашёлардан ҳайкаллар яратиш имкониятини кенгайтирди. Бу ҳол соҳага бўлган эҳтиёжлар (буюртмалар)ни қондириш борасида қулай шароитни юзага келтирди. Айни пайтдан маҳобатли турида мемориал ҳайкаллар сонинг ҳадданзиёд кўпайиши ва айрим тарихий шахслар образи яратилганлигини назарда тутсак, миллий ҳайкалтарошликка маълумқадар янги қадам ташлангани сезилади.

1990-йилларнинг янги мафкуравий шароити миллий ҳайкалтарошлик мавқеъини мустаҳкамлаш босқичини юзага келтирди. Эндиликда мазкур соҳа аввалги ижодий анъаналардан фарқли равишда, биргина миллий йўсинда ривожланиш (кўпроқ маҳобатли турида) жараёнига эришди. Мазкур ҳолат унинг олдинги босқичидаги муаммоли масалага малҳам бўлиб, соф маҳаллий маконга мувофиқлиги таъминлана бошлади. Тўғри, бу жараён янги тарихий шароитнинг ўтиш даври учун хос бўлган айрим муаммолардан ҳам ҳоли эмас, албатта. Бироқ эришилган янги имкониятлар ва миллий ривожланишнинг дастлабки синовли жараёнида қўлга киритилган илк натижалар кесимида баҳоланса, соҳа истиқболи учун таҳликали эмаслиги, балки, вақт давомида ижобий ечимини топишига ишонч уйғотади. Муҳими эса ҳайкалтарошликда ҳам санъатнинг бошқа турлари сингари миллий салмоғининг ортиши, халқчил даражага кўтарила бошлаши ва замонавий тасвирий санъат миқёсида ҳам ўз мавқеъини мустаҳкамлаш босқичига ўтишидир.

Янги тарихий давр Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг ижодий тамойиллари қуйидаги таркибда шаклланди:

- Маҳобатли турида шўролар тузуми санъатининг ижодий-услубий асоратлари бутунлай тозаланиб, янги андозавий ривожланишга қувват берувчи ижодий туб янгиланиш юзага келди; - эндиликда кўпмиллатли

халқлар санъати анъаналарига тобе йўналиш барҳам топиб, биргина миллий йўналиш ҳукумронлиги собит бўлди; - бу шарафли йўлда маълум мураккабликларга қарамай янги натижалар қўлга киритилди. Хусусан:

- буюк аждодлар шахсини шарафловчи ҳайкаллар қад кўтарди;
- қатағон қурбонларини хотирлашга қаратилган сиймолар бунёд этилди;
- рамзий композицияли ижодий тамойиллар шаклланди.

Асосан тарихий жанрли ҳайкаллардан иборат буюк аждодлар шахсини шарафлаш тамойилида бир неча янги ёндошувлар юзага келди. Чунончи, унинг доирасида шаклланган гумбазости, равоқли, ярим айланасимон меъморий воситали ёндошувлар маҳобатли ҳайкалтарошликнинг янги натижаларидан ҳисобланади. Гумбазости ҳайкалларнинг характерли жиҳати Темурийлар даври меъморлигига хос қовурғасимон мовий гумбаз воситасида миллий муҳитнинг таъсирчан кўринишини гавдалантириш, ҳайкалга мумтозлик ва салобат бахш этишда кузатилади. Ҳақли равишда бу йўсинли ёдгорликлар – ҳайкал, меъморий восита, амалий безак санъати²⁴ комбинацияларидан иборат учликни бир ғоя асосида мужассамлаштирувчи ўзига хос бадиий характерга эга бўлди.

Ярим айланасимон меъморий воситали ёдгорликлар орасида уларни тунги манзарага мослашган рангли ёриткичлардан иборат давлат рамзлари панорамаси қаршисига ўрнатиш ҳоллари ҳам кузатилдики, улар байрам кунлари ўтказиладиган тантанали томоша лавҳаларини файзли кечишига хизмат қилди. Сирасини айтганда, мазкур меъморий воситали асарлар замирида мустақиллик даври Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигининг янги услубий тамойили шаклланди.

²⁴ Меъморий воситаларни наққошлик ва ганчкорлик билан безатилиши.

Шунингдек, янги даврнинг ғоявий-мафкурасини ифодаловчи рамзий композицияли ижодий тамойилли ёдгорликлар бошқа ҳайкаллардан фарқли равишда мустақиллик мафкурасини ифодалашда етакчи аҳамият касб этади.

Янги босқич ривожини И.Жабборов, К.Жабборов, Ж.Миртожиев, А.Рахматуллаев, Л.Рябцев каби санокли ҳайкалтарошлар томонидангина амалга оширилаётганлиги – уни қўшимча ижодий кучлар билан таъминлаш масаласининг ғоят долзарблигидан далолат беради. Бизнингча, бу борада соҳа буюртмаларини барча географик ҳудудлар бўйича янада кўпайтириб, вилоятлардаги ижодкорларни ҳам бунга жалб этиш лозим кўринади. Бу масаланинг амалий ечими соҳа ривожига ижобий самара бериши билан бирга, ижодий меҳнат таъминоти кўламини кенгайтириш чора тадбири бўйича муҳим ҳаракат ҳисобланади.

Маҳобатли ҳайкалтарошликда асосан 1993-йиллардан танила бошлаган Жалолиддин Миртожиев қисқа даврда яхши натижаларга эришди. Ўз фаолиятида шакл ва ғоя мутаносиблиги, бадиий ифода равланлиги каби ижодий фазилатларни шакллантирди (“Мирзо Бобур” (Андижон), “Абдулла Қодирий” (Тошкент), “Чўлпон” (Андижон)). Унинг илк уринишиданок (“Мирзо Бобур” (Андижон, 1993)) ўзига хос касбий маҳорати кўзга ташланди, шу боисдан буюртмачилар ва мутахассислар томонидан эътибор қозониб, маҳобатли ҳайкалтарошлик ривожига муносиб ўрин эгаллади.

Илҳом Жабборов ижодида ҳам образ ечимининг ҳаётий кўринишга мувофиқлиги, реалистик анъаналарни етакчи ўринга кўтарилиши, шунингдек ҳайкалларнинг улуғворлик жиҳатига катта эътибор бериш хусусиятлари жадаллашди. Айниқса, қадимги ва уйғониш даври ҳайкалтарошлари меъросини ижодий таҳлил ва тадбиқ этишга уриниши асарларининг пластик композициясига сезиларли таъсир қилди. Шунингдек, бошқа ҳайкалтарошлар томонидан ҳам Бухоро (Қ.Норхўрозов, У.Улашев), Самарқанд (Т.Эсонов, Т.Ёрқулов), Қўқон (Эргашев), Наманган (М.Рахмонбердиев) ҳамда Термиз

(А.Раҳматуллаев, У.Мардиев) шаҳарлари учун юқори бадиий савияли ҳайкаллар ижод қилинди.

Ривожланишнинг умумий хос касбий муаммолари – реалистик услуб анъаналарини мукаммал ўзлаштириш, ҳайкалларни композицион мазмундорлигини ошириш, пластик тил имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, тарихий мавзуларни аниқ воқеликка асослаш, ижодий жараёнда яқка қиёфалик асарлар билан бирга кўп қиёфалик ёндошувларга ҳам эътибор қаратиш, асар портретларида руҳий кечинмаларни пухтароқ бажариш, асос қиёфа мукаммаллигини таъминлаш каби омилларда сезилади.

1990-2007-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлиги – янги шароитдан ўтиш даври (1990-йиллар сўнгги чорагигача кечган жараёнлар); замонавий янги тамойилларнинг шаклланиш даври (Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилгандан кейинги йиллар) каби икки даврий характерга ажратилади.

Биринчи даврда анъанавий ва ноанъанавий тамойилларнинг янги композицион ёндошувлари зуҳур этди. Масалан, анъанавий тамойил бўйича – портрет, тарихий, мавзули жабҳаларда ижод қилинди. Айниқса, мавзули доирада ўзига хос ифодавий аҳамият касб этувчи назмий пластикали ёндошув бир қадар миллий йўсинда шаклланди.

Умумий даражада олганда эса мазкур тамойилда эришилган натижалар олдинги ривожланиш босқичидан қуйи кўрсаткичда белгиланади. Инчунун, услубий ва касбий маҳорат бўйича амалда янги пластик талқинларни қўллашга эҳтиёж сезилди. Хусусан, мавзули жанрда ҳамон эски тасвирий-ифодавий воситалардан ҳоли ёндошувлар шаклланмади. Тарихий мавзуда ҳам маҳобатли ҳайкалтарошлик бўйича ишланган ёдгорлик лойиҳалардан ташқари, махсус бажарилган асарлар учрамайди. Қайд этилган бу ҳолат анъанавий ёндошувларни 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида долзарб эканлигини англатади.

Анъанавий дастгоҳли ҳайкалтарошлик бўйича йирик муаммолардан бири – дастгоҳли асарлар ҳажмини кичрайиб боришида кузатилди. Сўнгги йилларда намоёниш этилган кўргазмали ҳайкаллар майда безакли пластикага

хос кўриниш касб этиб, дастгоҳли соҳага тегишли хусусиятлардан бегоналашиб бораётганлиги кўзга ташланди.

Иккинчи давр эса замонавий тамойил ривожда кутилган натижаларга бой бўлди. Хусусан, янги бадий жараёнга қизиқишнинг ортиши натижасида зухур этган ўзига хос ижодий изланишлар дастгоҳли ҳайкалтарошликни замонавий тамойиллар асосида ривожланиш жараёнига кириб келганлигини англатади. Бу жараённи янги истеъдод эгалари – Баёт Мухторов ва шогирдлари Рисдовлат Абдуллаев, Зиннур Гайфуллин, Акром Тўраев, Алексей Тороппов, Алексей Протопопов ҳамда Марина Бородина, Сайидолим Шарипов, Елена Камбина, Фаруҳ Аҳмадалиев, Ўктам Саидовлар фаол ҳаракатга келтирдилар. Улар орасида Баёт Мухторов ва шогирдлари ижоди 1990-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигини замонавий босқичга хос янги ашёлар билан ишлаш амалиётининг фаоллашишида аҳамиятли бўлди.

Шунингдек, инсталляция оқими таъсирида ҳам янги ҳажмий-ғоявий тузилишлар кашф этилди. Рангтасвирчилар ижодида жадалроқ кўринган мазкур оқим таъсири Марина Бородина ижодида муносиб ўзлаштирилди. У 2006-йилда намойиш этилган “1991-2005-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги” кўргазмасида шу характерли композицияси билан иштирок этиши эътиборга сазовор бўлди. Бундан ташқари “Констелляция P.S” ва “Пилланинг ўғирланиши” (Тошкент, 2007 й., тасвирий санъат галереяси) номли кўргазлар ҳам янги авлод ижодкорлари томонидан ўзлаштирилаётган замонавий услублар даражасини белгилаб берди.

1990-йилларнинг ўзига хос даврий характерини ўзида мужассамлаштирган янги босқич соҳанинг миллий мавқеъини мустаҳкамлаш учун замин яратди. Илк бор буюк аجدодларимиз сиймоси марказий шох кўчаларга улуғвор қиёфада ўрнатила бошланди. Ҳайкаллар талқинида аждодларимиз шахсиятига чин муҳаббат туйғуларини холисона ифодаланиш босқичи қўлга киритилди. Айни пайтдан Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги янги шарт-шароитда ижодий салмоғини мустаҳкамлаб, миллий санъатимизга мансублиги ортиб бормоқда.

- 1950-1980-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида касбий малаканинг ўзлаштирилиши бўйича юқори натижаларга эришилди. Бироқ, соҳа етарли имкониятларга эга бўлса-да, асарларнинг ғоявий пластик ечими собиқ мафкуравий ёндошув остида бўлгани боис миллий мавқеъини мустаҳкамлашга улгурмади.
- Аввалги босқичда юксак ижодий тажрибалар қўлга киритилиб, миллий ривожланиш бўйича дастлабки пойдеворни шакллантириш даври босиб ўтилди.
- 1990-йилларнинг сиёсий-мафкуравий ҳамда маданий ислоҳатлари асносида ҳайкалтарошлик ҳам миллий мавқеъини мустаҳкамлаш босқичини қўлга киритди.
- Қисқа тарихий давр ичида буюк аجدодлар шахсиятини шарафлаш, мемориал ҳамда рамзий композицион тамойилларда ўзига хос миллий мактаб тажрибаси тўпланди.
- 1990-йиллар дастгоҳли ҳайкалтарошлигида анъанавий академик услубий ёндошувлар бир қадар сусайиб, мавзули композицион ёндошувлар, эркин услубий изланишлар етакчилик қила бошлади.
- XXI аср бўсағасидан дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг умумжаҳон пластик санъати таъсирида замонавий бадиий жараёнга мойиллиги ортиб борди.
- 1990-йиллар охиридан янги бадиий жараён (актуал санъат)га мурожаат этиш бошланди. Бу албатта, мазкур соҳани замонавий талаб доирасида ривожланишида катта аҳамият касб этди.
- Умуман олганда тадқиқотда илгари сурилган янги ижодий босқич дастлабки натижаларга кўра кўзланган мақсадни бера олди.
- Демакки, 1991-2005-йиллар Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги миллий ривожланишнинг илк босқичидан ўтиш жараёнида келажак учун керакли пойдеворга эга бўлди. Эндиликда эса унинг ижодий

самарадорлигини ошириб бориш янги вазифалар сирасига киритилиши
ЛОЗИМ.

Қисқартирилган номлар

1. СИТИ – Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти
2. ТРБЮ – Тошкент рассомчилик билим юрти
3. ТДТРИ – Тошкент давлат театр ва рассомлик институти
4. СамДУ – Самарқанд Давлат Университети
5. МРДИ – Миллий рассомлик ва дизайн институти

Изоҳлар

1. Санъатшунослик адабиётларида қўлланиладиган поэтик сўзи сўнгги пайтлардаги айрим манбаларда назмий ибораси ўрнида ҳам мурожаат этилаётганлиги ҳамда ўзбек тилига мувофиқлигини инобатга олиб, мазкур тадқиқотда бу атама назмий тарзида ёзилиши лозим топилди.
2. Ўрта Осиё давлатлари қатори Ўзбекистонга тасвирий санъат турлари, жумладан ҳайкалтарошлик ҳам рус ижодкорлари томонидан XIX-аср охири XX-аср бошларидан кириб келган. Шу йиллардан ўзбек санъати учун ноанъанавий бўлган ҳайкалтарошликнинг шаклланиш босқичи бошланди. Лекин бу, мамлакатимизда анча узоққа (1950-60 йилларгача) чўзилди. Агар юртимизда ўрнатилган дастлабки ҳайкалтарошлик асарларига назар ташлайдиган бўлсак, XIX-аср охирида Бухородаги Ситораи Моҳиҳосса саройи дарвозасининг икки четига ўрнатилган безакли услубдаги шер ҳайкаллари, Тошкентдаги Киняз Ромонов уйига ўрнатилган анималистик жанрли ҳайкаллар ҳамда Самарқандда 1919-йили ҳайкалтарошлар Э.Руш ва И.Головинлар томонидан ижод қилинган “Инқилоб курашчилари” каби намуналарнинг мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, ўша пайтлари Марказий Осиёга кўплаб рассомлар билан бирга, баъзи ҳайкалтарошлар (Микешин Михаил Осипович (1835-1898) ҳам келганлиги бўйича маълумотлар учрайди [2.1. Б. 171-172.].

М.О.Микешин томонидан Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги Карл Маркс боғи (ҳозирги Амир Темур ҳиёбони) учун ёдгорлик ҳайкал яратилинганлиги ҳақида маълумотлар бор.

3. Я.Кучис раҳбарлигидаги ижодий гуруҳнинг фаолияти бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлган.
4. Булар Ўзбекистонда етакчи бўлган иккита асосий бадиий таълим масканлари – Тошкент давлат театр ва рассомлик институти ҳамда П.Беньков номидаги Рассомлик билим юртидир. Улар кейинги ўринларда маҳаллий мактаб номи билан юритилади.
5. Таниқли рус ҳайкалтароши М.Г. Манизер бадиий таълимни Франция классицизми таъсирида камол топган ҳайкалтарош Зильбермандан олган. Шу боис Аҳмад Шаймуродовнинг тошдан ишланган портрет намуналарида классик услубга хос вазминлик ва пластик тугал кўринишнинг устуворлиги сезилади. Унга устози доим: “Ўз аждодларинг образи билан боғлиқ асарлар яратиш орқали Ўзбекистонда миллий ҳайкалтарошлик мактабини ривожлантиришга ҳисса қўшишинг ва халқ орасида ҳурмат қозонишинг мумкин, акс ҳолда қолган имкониятлар бу каби тез самара бериши қийин” деб, сабоқ берар экан. Шу сабабли у дастлабки ижодий палладаноқ тарихий шахсларимиз образи, жумладан “Алишер Навоий”, “Мирзо Улуғбек” ва бошқаларнинг бюстларини мароқ билан ишлашга киришган. Бу билан ўзбек ҳайкалтарошлиги ривожига муносиб ўрин эгаллаган.
6. Бундай асарлар жумласига Тошкентдаги А.Навоий номли адабиёт музейи ҳовлисига ўрнатилган М.Дитрих ижодига мансуб “Алишер Навоий”, Хоразмнинг Ичан қалъа дарвозаси яқинидаги “Ибн Сино”, Бухородаги ўрта мактаб ҳовлисига ўрнатилган “Ибн Сино”, Самарқанддаги Улуғбек обсерваторияси ёнига ўрнатилган “Мирзо Улуғбек” каби ҳайкалларни киритиш мумкин. Масалан, “Алишер Навоий” ҳайкали фақатгина шоирона талқин этилган бўлиб, унда улуғ

мутафаккир, давлат бошқарувида ҳам фаолият юритган комил шахс тимсоли ишонарли ёритилмаган.

7. Ч.Ахмаров Ҳамса қаҳрамонларини образлаштириб, ҳомаки тасвирини яратган, А.Шаймуродов эса уни ҳайкалтарошликда шаклан бойитиб, асарларни бадиий тугаллигини таъминлаган. Шу боис, мазкур тасвирлар бу икки моҳир ижодкорлар маҳоратини ўзида тўлиқ акс эттиради.
8. 1993-йилнинг 29-июнида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Тошкентда Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш тўғрисидаги қарори”га биноан 1993-йилнинг 31-августиди Тошкентдаги собиқ “Инқилоб майдони”га “Амир Темур ҳиёбони” номи берилиб, унинг марказига салобатли ҳайкали ўрнатилди. Ёдгорлик ҳайкалтарошлар Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар томонидан ижод қилинди. Ҳайкал дастлабки пайтда бетон ашёсида бажарилган эди. Кейинроқ уни бадиий жиҳатдан янада мукаммаллаштирилиб, мустаҳкам бронза ашёсига ўгирилди. Ҳайкалнинг ҳажми 7 метр, таглиги 2 метрни ташкил этади.
9. Ёруғ-соя ўйинлари – ҳайкалтарошликда энг муҳим ўрин эгаллайдиган омил ҳисобланади. Асарни шаклан бойитишда ўзига хос ифода тили вазифасини бажаради. Шу сабабли одатда ҳайкаллар қуёш нурига қулай томонга ўрнатилади.
10. Амир Темурнинг Самарқанддаги ҳайкали Вазирлар Маҳкамасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 29.12.1994-йилдаги 630-сонли Қарори ҳамда Амир Темур таваллудининг 660-йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлисининг 17.05.1996 йилги баёнига мувофиқ ҳолда, 1996-йилнинг 18-октябр куни ўрнатилган. Ҳайкалтарошлар Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар томонидан ижод қилинган. Умумий ҳажми 6 метр, бронза ашёсида бажарилган.

11. Шахрисабздаги Амир Темур ҳайкали Вазирлар маҳкамасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 29.12.1994-йилдаги 630-сонли Қарори ҳамда 16.08.1996-йилдаги №346-сонли фармойишнинг 3-бандига биноан ўрнатилган. Ҳайкалтарошлар Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар томонидан бажарилган, меъморлар Б.Усмонов, М.Мустафоевлар лойиҳаси асосида барпо этилган. Ҳайкал ҳажми 9 метр, таглиги 7 метр, бронза ашёсида бажарилган.
12. Мазкур “Амир Темур” ҳайкали эса 1996-йили Қаршида ўрнатилган, Ёдгорликнинг қуйи қисмидаги фигураларида анатомик номукаммал ёндошувлар кузатилса-да, умумий кўриниши ва композицион тузилишида монументал санъатга хос муҳташамлик мавжуддир. Бироқ, асарнинг шаклу-шамойилида 1970-80-йилларга мансуб услубий ёндошувли хусусиятлари ҳам сезилиб туради. У ҳайкалтарош Улуғбек Мардиев ижодига мансуб бўлиб, бетон ашёсида бажарилган, ҳозирда ҳайкални бошқа кўринишда ўрнатиш назарда тутилиб, олиб ташланган.
13. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида 1998-йили Вазирлар маҳкамасининг №408-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари Вазирлиги билан биргаликда ыадимий меъморчилик анъаналари уйғунлигида Жалолиддин Мангубердининг ёдгорлик мажмуасини Урганч шаҳрида барпо этиш белгиланди. Ҳайкал 1999-йилнинг 5-ноябрида ўрнатилди, ҳажми 11 метр, таглиги 94,1 кв.м, рельефининг умумий майдони 209,4 кв.м. Ҳайкалтарошлар Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар, меъмор Рахматулла Салоҳиддинов, гипс ашёсида бажарилган. Ҳайкал бошқа ёдгорликларга нисбатан кенг ва очиқ майдонга ўрнатилгани боис, унинг нур-соя ва пластик ҳаракат динамикасини яққолроқ кузатиш мумкин.

14. Елкага тақиладиган мато. “Амир Темур” (Тошкент, Шаҳрисабз), “Мирзо Бобур” (Андижон) ҳайкаллари ҳам шундай плашда бажарилган.
15. “Алпомиш” достонининг дунё ҳалқлари эпик ижодиётига қўшга бебаҳо ҳиссасини эътиборга олиб, достон яратилганлигининг 1000 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан боғлиқ қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алпомиш” достонини яратилганлигини 1000 йиллигини ўтказиш тўғрисида 13.01.1998-йилдаги 17-сонли Қарорига мувофиқ Маданият ишлари Вазирлиги ва Термиз шаҳар ҳокимлиги билан бирга, Алпомишнинг рамзий ҳайкалини яратиш қайд этилди. Ва ҳайкал мажмуасининг кириш қисмига иккита Шер ҳайкалини ўрнатиш белгиланди. Ёдгорлик ҳайкал ишлаб чиқариш устахонасида тайёрланди. У кўпмуаллифлик асар бўлиб, ҳайкалтарошлар – А.Рахматуллаев, П.Подасинников, У.Мардиев, Қ.Норхўрозов, У.Уроқовлар томонидан амалга оширилган ва Термиз шаҳрига ўрнатилган.
16. Горельеф - ҳайкалтарошлик турларидан бири бўлиб, унда тасвир текистлик юзасидан ярим, ёки ундам ҳам ортиқроқ даражада бўрттириб ишланади.
17. Тошкентдаги “Мирзо Улуғбек” ҳайкали 1994-йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тадбири доирасида ўрнатилган, ҳайкалтарошлар А.Рахматуллаев, Л.Рябцевлар томонидан ижод қилинган, меъмор К.Молотов, ҳажми 5,5 метр, бронза ашёсида бажарилган.
18. 1991-йилни Алишер Навоий йили деб номланиши муносабати билан 28-август куни Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғида мазкур ҳайкал ўрнатилди. Уни ҳайкалтарошлар Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтяровлар томонидан ижод қилинган, ҳажми 7 метр, бронза ашёсида бажарилган. 1991-йили юртимизда учта Алишер Навоий

ёдгорликлари бунёд этилган. Жумладан Самарқандда (Аҳмад Шаймуродов), Тошкентнинг Чирчиқ шаҳрида (Анвар Раҳматуллаев) ҳамда Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғдаги ҳайкаллар. Кўриниб турганидек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, миллий ҳайкалтарошликка эҳтиёж олдинги йилларга нисбатан бирнеча баробар юксак бўлган.

- 19.Мазкур ҳайкал 2001-йилда ҳайкалтарошлар А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев томонидан ижод қилинган, меъмор Б. Абдуллаев, ҳажми 8 метр, бронза ашёсида бажарилган.
- 20.Мажмуадаги безакли ҳайкаллар – Т.Тожиҳўжаев, Ф.Ахмедзянов, С.Турсунов, Т.Ёрқулов, М.Алиевлар ижодига мансубдир. Асосий йирик фигура ва унинг атрофидаги ҳайкалларнинг ўзаро мутаносиб ҳолатда ўрнатиш лойиҳаси меъмор Р.Одилов томонидан амалга оширилган.
- 21.Намангандаги “Машраб” ҳайкали 1992-йили ҳайкалтарош И.Жабборов томонидан ишланган бўлиб, Машраб боғи ичига ўрнатилган, мис ашёсида бажарилган, ҳажми 7 метр.
- 22.Фарғонадаги “Ал-Фарғоний” ҳайкали 1998-йили 24-октябр куни очилган. Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар ижодига мансуб, меъмор Р.Салоҳиддинов, ҳажми 9 метр, гипс ашёсида бажарилган.
- 23.Қувадаги “Ал-Фарғоний” ҳайкали 1998-йилнинг 24-октябр куни ўрнатилган бўлиб, И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан ижод қилинган. Меъмор Р.Салоҳиддинов, умумий ҳажми 6 метр, гипс ашёсида бажарилган.
- 24.Хоразмда ўрнатилган “Абулғозий Баҳодирхон” ёдгорлиги ҳайкалтарош Ш.Усмонов томонидан 1994-йили ижод қилинган, ҳажми 5 метр, бронза ашёсида бажарилган.

25.Нукусда бунёд этилган “Ажиниёз” ҳайкали 1999-йили ҳайкалтарошлар А.Рахматуллаев, Л.Рябцевлар томонидан яратилган, меъмор К.Молотов, ҳажми 5 метр, мис ашёсида бажарилган.

**Мустақиллик йилларида ҳукумат қарорларига асосан
давлат буюртмаси бўйича яратилган маҳобатли ҳайкаллар**

№	Йили ва санаси	Вазирлар маҳкамаси Қарорлари рақами	Буюртма асосида ҳайкаллар бунёд этилишининг қисқача мазмуни
	АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ		
1.	1994.29.12 1996.16.08	№ 630 № 346 Фармойиш (3 банди)	1. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида Қарорига мувофиқ Шаҳрисабзга ўрнатиш учун Амир Темур ҳайкали тайёрланди. Унинг постаменти ва ҳайкал ўрнатиш бўйича буюртмачи – маданият ишлари вазирлиги. 2. Амир Темур таваллудининг 660-йиллини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, ташкилий кўмита мажлисининг баёни 17.05.1996 йил. Маданият ишлари Вазирлиги. Ҳайкал юбилей тантанасининг иккинчи куни 20 октябрда соат 10.00 – 10.30 да очилди.
	АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ҲАЙКАЛИ		
2.	1997.27.11	№ 520	Аҳмад Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонлаш ва унинг рамзий мақбараси остида ёдгорлик ҳайкалини бунёд этиш. Ҳайкал 1998-йил 22-24 октябрда очилди.
	ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҲАЙКАЛИ		
3.	1998 йил	№ 408	Жалолиддин Мангуберди

			таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш. Мазкур Қарорда Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда қадимий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган Жалолиддин Мангубердининг ёдгорлик мажмуасини Унганч шаҳрида барпо этилиши кўрсатиб ўтилди.
	АЛПОМИШ ҲАЙКАЛИ		
4.	1998.13.01	№ 17	“Алпомиш” достонининг дунё халқлари эпик ижодиётига қўшган бебаҳо хиссасини эътиборга олиб, мустақил давлатимизнинг миллий ғурур, ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муносиб аҳамиятга эга бўлган “Алпомиш” достонини яратилганлигининг 1000 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан боғлиқ қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Алпомиш” достонини яратилганлигининг 1000 йиллигини кўнгиллиг ўтказиш учун Маданият ишлари Вазирлиги ва Термиз шаҳар ҳокимлиги билан бирга, эпик қаҳрамон Алпомишнинг рамзий ҳайкалини яратиш қайд этилди. Ва Алпомиш ҳайкали мажмуасининг кириш қисмига иккита шер ҳайкалини ўрнатиш белгиланди. Ёдгорлик ҳайкал ишлаб чиқариш устахонасида тайёрланди.

	ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЙКАЛИ		
5.	1993.23.06	№ 308	Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш. Монумент лойиҳасини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг танлови эълон қилинди. Унинг муддати 1992 йилнинг 5-январидан 15-мартгача бўлган ораликни ўз ичига олади. Танловда ҳайкалтарошлардан А.Рахматуллаев, Л.Рябцев, Л.В.Салоҳиддинов, К.Турсунов, Ж.Миртожиев, С.Сулаймоновлар қатнашдилар. Танлов якунларига кўра, Равшан Миртожиев лойиҳаси тасдиқланди. Ва, уни Андижон шаҳрида 1993 йили амалга оширилиши лозим топилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Методологик манбалар

- 1.1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
- 1.2. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
- 1.3. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.5.
- 1.4. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
- 1.5. И.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
- 1.6. И.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 480 Б.
- 1.7. Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2010.

2. Китоблар

- 2.1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 1 т. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986. - 259 б.
- 2.2. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2.т - Тошкент: SAN’АТ, 2.1 Т. 2001, Б. 165-173.
- 2.3. Алимходжаева Л. Ильхом Джаббаров. – Ташкент: ГИЛИ им Г.Гуляма, 1980. - 18 б.
- 2.4. Аҳмедов М. Малик Набиев ҳаёти ва ижоди. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. - 51 б.
- 2.5. Бойжонов И. Ҳумо қўнган шаҳар. – Урганч, 1994. - 127 б.
- 2.6. Воронова О. Искусства скульптуры. - Москва: Знание, 1981. - 109 с.
- 2.7. Дева Е.А., Ланда Л.М. Тошкент ёдгорликлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1969. -50 б.
- 2.8. Еремян Р.Дамир Рузыбаев. –Ташкент: ГИЛИ им Г.Гуляма, 1981. -70 с.
- 2.9. Изобразительное искусство Советского Узбекистана (очерк истории

- живописи, графики, скульптуры) /Абрамова Н. М., Кедрин В. Н., Круковская С. М. и друг. Ред. Шевертина М.И. – Тошкент: ГИХЛ, 1957. – 179 с.
- 2.10 Ирас И. Совет Ўзбекистонининг рассомлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1960. – 226 б.
- 2.11. Искусство Советского Узбекистана 1917-1972 /Долинская В., Захидов П., Кадырова Т., и друг.; науч. ред. Ремпель Л. И. – Москва: Советский художник, 1976. - 605 с.
- 2.12. Кевеш Н.М. Эстетикадан факультатив курсда ранг-тасвирни ўрганиш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - 60 б.
- 2.13. Круковская С.М. Ўзбек миллий санъатининг хазинаси. –Тошкент: Правда Востока, 1960. -51 б.
- 2.14. Маҳмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. - 200 б.
- 2.15. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари /Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова; Таҳрир ҳайъати: Д.А.Алимова, А.Голованов, М.Жўраев ва б. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 224 б.
- 2.16. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. - 154 б.
- 2.17. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент: Ўқитувчи – зиё-ношир, 1997. – 214 б.
- 2.18. Орипов Б. Тасвирий санъат асослари. – Наманган, 1994. - Б. 56 б.
- 2.19. Орипова Б. Санъат назарияси. – Наманган, 2000. - 22 б.
- 2.20. Петров В. Н. Михаил Иванович Козловский. – Ленинград: Художник РСФСР, 1983. – 63 с.
- 2.21. Подвиг Народа: Памятники Великой Отеч. войны, 1941-1945 гг. /Алексеева Л. И., Андрющенко Н. К., Антонов В. К. и друг.; сост. и общ. ред В. А. Голикова. – Москва: Политиздат, 1980. - 318 с.
- 2.22. Ром А.Г. Современная скульптура Запада. – Москва, 1937. – 54 с.
- 2.23. Светлов М.Е. Современный скульптурный портрет. – Москва: Наука,

1968. - 73 с.
- 2.24. Ситник К. А. Вопросы теории советского изобразительного искусства. – Москва: Академии художеств СССР, 1950. - 314 с.
- 2.25. Сысоев В.П. Искусство молодых художников. –М.: Изобразительное искусство, 1982. – 216 с
- 2.26. Такташ Р.Х. Жолдасбек Куттымуратов. -Ташкент: ГИЛИ им Г.Гуляма 1985. - 73 с.
- 2.27. Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана (Втор. пол. XIX-60-е годы XX вв.). – Тошкент: Фан, 1972. - 280 с.
- 2.28. Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. – Ташкент: ГИЛИ им. Гуляма, 1976. - 124 с.
- 2.29. Такташ Р. Х. Художественно-критические этюды (пути и проблемы становления узбекского советского изобразительного искусства. – Тошкент: Фан, 1992. - 146 с.
- 2.30. Толстов. С. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: 1961 й., 189-198 бетлар
- 2.31. Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 131 с.
- 2.32. Хидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. Т., 1992.-31 б.
- 2.33. Хайруллаев М. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1997. - 144 б.
- 2.34. Хакимов А. Современная декоративная пластика республик Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1992. - 189 с.
- 2.35. Хўжайев Т., Абдуллаев К. Аждодларимиз қиёфаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 49 б.
- 2.36. Цой Е, Ш.Содиқов. Тошкентнинг жанговор шухрат ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. -114 б.
- 2.37. Цырлин И. М. Виды изобразительного искусства. – Москва: Советский художник, 1961. – 63 с.

- 2.38 Чепелев В. Искусство советского Узбекистана. – Ленинград: ЛОССХ, 1935. - 126 с.
- 2.39. Шамота Н. Художник и народ. – Москва: Советский писатель, 1960. - 345 с.
- 2.40 Эгамбердиев А. Хаёт ва рассом. Тошкент: Ўзбекистон, 1978. - 30 б.
- 2.41 Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар) /Х.Кароматов, Н.Жўраев, Т.Қўзиев ва б.; А.Ҳакимов таҳрири остида. –Тошкент: Шарқ, 2001. -236 б.
- 2.42 Кол. авт. Искусство советского Узбекистана 1917-1972. “Советский художник”, М.: 1976., 69 с.
- 2.43 Чағаниён тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002 й.
- 2.44 Пугаченкова Г.А., Л.И.Ремпель. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. Т.: 1960 г.
- 2.45 Рюи Ганзалесде-Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд, 1403-1406 гг. Пер. И. Срезневского, СПб., 1981

3. Журнал мақолалари

- 3.1 Аграновская М. Скульптура 80-х станковость и декоративность //Творчество. – Москва, 1986. - №5. - С. 81-85.
- 3.2. Алимходжаева Л. Узбекский скульптор Хаким Хуснитдинхужаев: творческий портрет. // Искусство, 1984, № 5. - С. 103-105.
- 3.3. Ахмедов Э. Бухоро ҳайкалтарошлари //Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1991. -№5. - Б. 26-28.
- 3.4. Ахмедова Н. “Осиё – Арт – 97” //SAN’AT. – Тошкент, 1998. - №1-3. - Б. 23-25.
- 3.5. Апухтин О. Самарқандлик Ника. Гўзалликнинг таржимаи ҳоли // Совет Ўзбекистони санъати. 1983. - №10. - Б. 15 б.
- 3.6. Апчинская Н. Дамир Рузыбаев. //Советская скульптура. – Москва, 1986. - №10. - С. 9-11.
- 3.7. Бабажонова Г. Монументал санъат ва давр руҳи //Совет Ўзбекистони санъати. - Тошкент, 1981. - №2. - 6-7 б.
- 3.8. Бабажонова Г. Ватанпарварлик ва жасорат тимсоли //Совет

- Ўзбекистони санъати. Тошкент, 1985. - №5. - Б. 16-17.
- 3.9. Бобожонова Г. Самарқанд ҳайкалтарошлиғи. // Совет тўзбекистони санъати. - Тошкент, 1989. - №3. - Б. 20-21.
- 3.10. Бойматов А. Бурч ва имконият. Бахс: рассом, маҳорат // Совет Ўзбекистони санъати - Тошкент, 1979. - №7. - Б. 4-5.
- 3.11. Еремян Р.В. Д.Рузыбаев. //Советская скульптура. – Москва, 1979. - №3. - С. 43-44.
- 3.12. Иргашев Р. Скульптура и город //Архитектура и строитаельство Узбекистана. – Ташкент, 1989. - №8. - С. 12-14.
- 3.13. Максумова Ф. Роберт Авакян // Совет ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1983. - №10. - Б. 28-29.
- 3.14 Маҳмудов Т.М. XX аср санъатида реализм // SAN’АТ. - Тошкент, 1999. - №1. – 24 б.
- 3.15. Никитина Л. Самарқанд санъат маскани // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1988. - №10. - 11 б.
- 3.16 Норматов Н. Эзгу ҳаёл ёғдуси // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1979. - №7. - Б. 21.
- 3.17 Норматов Н. Дамир Рўзибоев: Мужассама ва ранг вобасталиғи //SAN’АТ. – Тошкент, 1999. - №2. - Б. 23-25.
- 3.18. Норматов Н. Ҳайкалтарош ва тимсол (Ҳайкалтарош азамат Хотамов портретларига чизгилар) // SAN’АТ. – Тошкент, 1999. - №3, - Б. 36.
- 3.19. Олимхўжаева Л. Тошга жону тил бағишлаб // Гулистон. -Тошкент, 1979. - №4. - Б. 25.
- 3.20. Олимхўжаева Л. Ҳайкалтарош ижодкор устахонасида // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1981. - №12. - Б. 10-11.
- 3.21. Такташ Р.Х. Ориф Ахунов. // Советская скульптура. – Москва, 1981. - №7. - С. 30-32.
- 3.22. Таҳририят. Графика ва ҳайкалтарошлик Республика кўрғазмаси // SAN’АТ. – Тошкент, 1999. - №3. - Б. 30-35.

- 3.23. Тожибоева С. Кемтик дунё (Ҳайкалтарош Азамат Хотамов ижодига чизгилар) // Гулистон. – Тошкент, 1994. - №1. -- Б. 55-56.
- 3.24. Тоқтош Р. Самарқанд Ҳайкалтарошлари // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1987. - №4. - Б. 6-7.
- 3.25. Тоқтош Р.Х. Тошга жон бахш этган дустлик (Дамир Рўзиев ижоди ҳақида) // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1987. - №8. - Б.12-13.
- 3.26. Тоқтош Р. Республика иккинчи ҳайкалтарошлик кўргазмаси: изланишлар, самаралар // Совет ўзбекистони санъати – Тошкент, 1979. - №7. - Б. 6-7.
- 3.27. Тоқтош Р. Пластик тасвир имкониятлари // Совет ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1983. - №1. - Б. 18-19.
- 3.28. Тоқтош. Р. Замонавий ҳайкалтарошлик кўриги //Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1983. - №7, - Б. 9-11.
- 3.29. Тоқтош Р. Тошда юз очган туйғулар //Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1985. - №1. - Б. 14-15.
- 3.30. Тоқтош Р. Республика иккинчи ҳайкалтарошлик кўргазмаси: изланишлар, самаралар // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1979. - №7. - Б. 6.
- 3.31. Турчин В. Границы художественного образа в скульптуре //Творчество. – Москва, 1984. № 11. - С. 37-38.
- 3.32. Умаров А. Ҳайкалтарошлик – юртимиз кўрки // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1978. - №3. - Б. 14-15.
- 3.33. Ҳакимов А. Развитие традиций национальной керамики Узбекистана // Декоративное искусство. – Москва, 1982. №11. - С. 27-29.
- 3.34. Ҳакимов А.А. Керамика Узбекистана: поиски и находки // Звезда Востока. – Тошкент, 1986. - №1. - Б. 44-45.
- 3.35. Ҳакимов А. Скульптура и среда города // Декоративное искусство. – Тошкент, 1983. - №10. - С. 17-18.

- 3.36. Хўжаева Э. Замоннинг рухий тарихи // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1989. - № 5. - Б. 15-16.
- 3.37. Шарипова Г. Ҳайкалтарош Тўлаган Тожихўжаев // SAN'AT. – Тошкент, 1999. - №1. - Б. 26-27.
- 3.38. Шостко Л. Ижодий тафаккур ва бадиий образ // SAN'AT. – Тошкент, 2000. - №3. - Б.27-28.
- 3.39. Ҳакимов А. Ёшлар санъати // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1989. - №1. - Б. 8-9.
- 3.40. Ҳакимов А. Шаҳар муҳити ва ҳайкалтарошлик // Совет Ўзбекистони санъати. – Тошкент, 1983. - №10. - Б. 16-17.
- 3.41. Ҳакимов А. Янги Ўзбекистон санъати // SAN'AT. – Тошкент, 1999. - №2. - Б. 12-13.
- 3.42. Ҳакимов А. Ўзбекистон бадиий кулолчилик мактаблари // Wostok. – Тошкент, 1999. - №1. - Б. 76-79.
- 3.43. Чернов Ю. Скульптура вчера – сегодня – завтра // Творчество. – Москва, 1982. - №7. - С. 2-3.
- 3.44. Эдвард Ртвеладзе, Дмитриос Янгос. Ўзбекистон санъатида эллинизм анъаналари. Греция-Ўзбекистон қадимий маданий алоқалар. Тошкент, SAN'AT нашриёти, 2001 й.

4. Конференция материаллари ва илмий мақолалар тўплами

- 4.1. Ахмедова Н. Трансформации, традиции, диалог в искусстве Узбекистана XX в // Ўзбекистон санъатида маданий толерантлик ва анъаналарнинг ўзига хослиги /СИТИ илм. конф. матер.- Тошкент, 2005. - Б. 49-51.
- 4.2. Ахмедова Н. Диалектика самоопределения культуры: опыт изобразительного искусства Узбекистана // Санъатшунослик масалалари III /СИТИ илмий мақалалар тўплами. – Тошкент, 2006. - Б. 183-189.
- 4.3. Ахмедова Н.Р. Искусство авангарда в Узбекистане // Искусство в

- мировом культурном и образовательном пространстве
/Международная научно-практическая конференция казахской
национальной Академии искусств имени Т.Жургенова. – Алматы,
2006. - С. 7-13.
- 4.4. Ахмедова Н.Р. Динамика и проблемы развития современного
изобразительного искусства Узбекистана //Искусство Узбекистана на
современном этапе социо-культурного развития /Материалы
семинаров, докладов и коллоквиума экспертов. – Ташкент, 2006. - С.
229-236.
- 4.5. Илхомова Д. Янги давр Ўзбекистон кўргазмалари фаолияти хусусида
// Ўзбекистон санъати: ўзига хослик в интеграция жараёнлари: Ёш
олимларнинг илмий амалий конференцияси материаллари. – Тошкент,
2006. - Б. 20-21.
- 4.6. Илхомова С. 1980-90-йиллар Ўзбекистон маҳобатли рангтасвиридаги
асосий тамойиллар // Нафосат: СИТИ ёш олимларининг илмий
мақолалари тўплами. – Тошкент: MEDIA LAND, 2001. - Б. 40-45.
- 4.7. Умаров А. Амира Темура в изобразительном искусстве:
иконографический анализ // Ўзбекистон санъатшунослиги
муаммолари /СИТИ илмий мақолалари тўплами. – Тошкент, 1997. - Б.
168-177.
- 4.8. Хакимов А. Искусство Узбекистана за 15 лет Независимости //
Санъатшунослик масалалари III /СИТИ илмий мақалалар тўплами. –
Тошкент, 2006. - Б. 162-174.
- 4.9. Хакимов А. Искусство Узбекистана 1990-х-начала 2000-х годов:
теория и практика // Искусство Узбекистана на современном этапе
социо-культурного развития /Материалы семинаров, докладов и
коллоквиума экспертов. – Ташкент, 2006. - С. 7-10.
- 4.10. Хакимов А. Искусство Узбекистана за 15 лет Независимости //
Санъатшунослик масалалари III /СИТИ илмий мақолалари тўплами. –

Тошкент, 2006. - Б. 162-173.

- 4.11. Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига доир мулоҳазалар // Ўзбекистонда замонавий бадиий таътим муаммолари: МРДИ респ. илм. наз. конф. материаллари. – Тошкент, 2007. - Б. 60-62.

5. Каталоглар

- 5.1. Бахадыр Джалолов, Дамир Рузибаев, Джавлон Умарбеков. – Ташкент, 1982. - 17 с.
- 5.2. Валентин Васильевич Клеванцов. – Ташкент, 1984. - 25 б.
- 5.3. Валиулин Н. Абдумумин Бойматов. - Ташкент, 1984. 7 с.
- 5.4. Выставка произведений грищенко Флиппо Ивановича. – Ташкент, 1965. – 8 с.
- 5.5. Выставка произведений художников Узбекистана. – Москва, 1979. – 8 с.
- 5.6. Вторая региональная выставка скульптуры республик средней Азии и Казахстана. – Ашхабад, 1989. - 60 с.
- 5.7. Выставка произведений Ф.И.Грищенко. –Ташкент, 1975. – 16 с.
- 5.8. Выставка Абдумумина Байматова. – Ташкент, 1984. – 10 с.
- 5.9. Выставка произведений Шаймуродова Ахмата. – Самарканд, 1977. - 10 с.
- 5.10. Дамир Рузибаев (скульптура, живопись, графика). – Москва, 1994. - 4 с.
- 5.11. Изобразительное декоративно-прикладное и народное искусство Узбекистана. – Москва, 1984. - 30 с.
- 5.12. Искусство Советского Узбекистана: живопись, графика, скульптура, плакат, декоративно-прикладное искусство. – Ташкент, 1986. - 15 с.
- 5.13. Первая выставка скульптура Узбекистана. – Ташкент, 1974. - 32 с.
- 5.14. Первая региональная выставка нетрадиционного декоративного искусства республик Средней Азии и Казахстана. – Ташкент, 1989. -12 с.

- 5.15. Показывают молодые художники Ферганы (живопись, графика, скульптура, декоративное искусство). Фарғона: 1981. - 12 с.
- 5.16. Роберт Петросович авалян (скульптура, живопись, рисунок, акварель, пастель). – Тошкент, 1983. – 30 с.
- 5.17. Роберт Авалян. – Ташкент, 2002. - 4 с.
- 5.18. Республиканская выставка скульптура. – Ташкент, 1987. - 113 с.
- 5.19. Скульптура Бухары (Скульптур Улаш Ураков). – Ташкент, 1993. - 5 с.
- 5.20. Сопол боғ (бутуниттифоқ куллолчилар симпозиуми). – Тошкент, 1988. - 7 б.
- 5.21. Constellation. Тошкент, 2005. - 79 б.
- 5.22. Энг улуғ, энг азиз (рангтасвир, графика, хайкалтарошлик, инсталляция). – Тошкент, 2001. - 9 б.
- 5.23. Ўзбекистон хайкалтарошлиги 1991-2006. – Тошкент, 2006. – 13 б.

6. Қўлёзма материаллар

- 6.1. Г. Бабажанова. Синтез искусств на современном этапе (тенденция и развитие). – Ташкент, 1986. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1315, 5/1. -7 с.
- 6.2. Г.Бабажанова. Увековечивая память павших. – Ташкент, 1986. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1293, 11 с.
- 6.3. Г. Бабажанова. Поиски своеобразия в 1970-80-е годы. – Ташкент, 1986. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1293/65. – 12 с.
- 6.4. Г.Бабажанова. Советское монументальное искусство Ташкентской области. – Ташкент, 1986. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1293/5. С. 121.
- 6.5. Г.Бабажанова. Национальное своеобразие монументальной скульптуры Узбекистана. – Ташкент, 1986. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1293/6. – 6 с.
- 6.6. Г.Бабажанова. Города и монументы. – Ташкент, 1986. Фонд НИИ Искусствознания. – №1293/2. - 27 с.

- 6.7. Олимхўжаева Л. Илхам Жаббаров и Хаким Хусниддинхужаев. – Ташкент, 1978. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1050. – 10 с.
- 6.8. Такташ Р. Станковая скульптура Узбекистана 1960-х, 1980-х годов. – Ташкент, 1989. – Фонд НИИ Искусствознания. – №1339. – 304 с.
- 6.9. Художественные процессы в изобразительном искусстве Узбекистана 1980-ое (живопись, скульптура). – Ташкент, 1995. - Фонд НИИ Искусствознания. – №1408. – 155 с.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҲАЙКАЛТАРОШЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

I.1.	Дастлабки ҳайкалтарошлик намуналарининг пайдо бўлиши.....	13
I.2.	Илк давлатчиликнинг шаклланиш даври ҳайкалтарошлиги.....	17
I.3.	Қадимги давр ҳайкалтарошлиги.....	20
I.3.1.	Антик Грек-Бақтрия даври ҳайкалтарошлиги.....	24
I.3.2.	Кушонлар даври ҳайкалтарошлиги.....	27
I.4.	Ўрта асрлар ҳайкалтарошлиги.....	32

II БОБ. XX-АСР ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ

II.1.	XIX аср охири XX аср бошларида Европа ҳайкалтарошлик анъаналарининг кириб келиши	36
II.2.	XX аср Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги мактабининг шаклланиши (ижодий куч йиғиш даврини енгиб ўтилиши).....	38
II.3.	Ҳайкалтарошликда ижодий йўналишлар кўламининг кенгайиши (1970-80 йиллар).....	48
II.4.	XX-аср иккинчи ярми маҳобатли ҳайкалтарошлиги.....	71

III БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИ

III.1.	Ўзбек миллий ҳайкалтарошлигининг янги ижодий босқичи.....	83
III.2.	Маҳобатли ҳайкалтарошликдаги устивор ижодий тамойиллар....	92
III.3.	Шаҳар муҳити ва ҳайкалтарошлик.....	117
III.4.	Янги давр дастгоҳли ҳайкалтарошлик ижодиёти.....	127
III.5.	Дастгоҳли ҳайкалтарошликдаги янги услубий изланишлар.....	146
IV.	Хулоса	163
V.	Қисқартирилган номларва изоҳлар.....	171
VI.	Мустақиллик йилларида ҳукумат қарорларига асосан давлат буюртмаси бўйича яратилган ҳайкаллар.....	176
VII.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	181